



Birinchi
kitobim

БИРИНЧИ КИТОБИМ

JAVLON
JOVLIYEV

ЖАВЛОН ЖОВЛИЕВ

IKKI QALB UCHRASHUVI

ИККИ ҚАЛБ
УЧРАШУВИ

B Birinchi
kitobim
К БИРИНЧИ КИТОБИМ



JAVLON
JOVLIYEV

IKKI QALB UCHRASHUVI

Hikoyalar

«Navro'z» nashriyoti
Toshkent – 2019

BBK 84. (Ў3б)
Ж-01
УО'К 818.613

Jovliyev, Javlon
Ikki qalb uchrashuvi (hikoyalar). – Toshkent:
«Navro'z» nashriyoti, 2019-y. 192 bet.

Mas'ul muharrirlar:

Aziz SAID,
Abduqayum YO'LDOSHEV

Javlonning hikoyalari ko'ngilga yaqin, tanish voqealar, odamlar haqida sinchkov ijodkorning o'ziga xos nigohi bilan bitilgan. Tabiiy, sodda tilda yozilgan hikoyalarda Vatan sog'inchi, «paxta ishi» kabi ulkan dardlarning ruhiy-psixologik talqinlarini, dunyoqarashlari bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan insonlarning ichki olamidagi mezonlar va aqidalarning manzaralarini ko'rasiz.

Ushbu kitob O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi o'tkazgan Respublika yosh ijodkorlarining Zomin seminarida nashrga tavsiya qilinib, "Ijod" jamoat fondi tomonidan moliyalashtirilgan.

ISBN 978-9943-563-04-9

© Javlon Jovliyev, 2019-y.

© «Navro'z» nashriyoti, 2019-y.

BUXORO, BUXORO, BUXORO...

O'sha yili qish juda sovuq kelgan ekan-da! Es-es bilamanki, birga o'ynaydigan serkiprik afg'on bolalarining kipriklari bir-biriga yopishib, qirov tushganday oqarib qolardi. Xuddi hozirgi qorbobolarning yasama kipriklarini eslatadi. Men afg'on bolalari bilan tez til topishib ketganman. Garchand, ular mendan bo'ychan, buning ustiga, bir-ikki yosh katta bo'lishsa ham. Singlim Oyshabibi esa uydan chiqmasdi. Uyda otam buxorocha tancha qurgandi. Shuning atrofida turli latta-puttaldan nimadir tikib o'ynaganlari esimda... Onam esa kun-u tun akam bilan ovora. Akam zotiljam bilan og'rigani uchun bizni yoniga qo'yishmasdi. Singlim Oyshabibi bilan deraza darchasidan cho'pday ozib ketgan, rangpar, ko'zlari kirtayib, so'lg'in boquvchi akamga soatlab tikilib turardik. U ham bizni ko'rib «yaxshiman» degan ma'noda qoqshol qo'llarini ko'tarib, silkib qo'yardi. Tez orada akam tuzalib, chopqillab ketishiga shubha qilmasdik.

Otam bozorda hammollik qilardi. U goh-goh oppoq, mayin bir shirinlik olib kelgani esimda. Juda mazali, tilda erib ketardi. Uning nomini hozirgacha aniq bilmayman. Ammo onam birinchi marta shirinlikni ko'rganda

yig'lab yuborgandi. Shunda u paytlari Oysha onamning tizzalariga o'tirib, jajji qo'llari bilan yuzlarini silar, ko'zyoshlarini artib qo'yardi.

– Nega yig'laysiz?

– Buxoroni eslatdi, qizim.

O'sha paytlarda eng ko'p eshitgan so'zim Buxoro edi. Buxoro, Buxoro, Buxoro... Xayolimda bu joy osmonlarda, oppoq bulutlar orasidagi yaltiroq toshlardan qurilgan saroy, dunyodagi barcha ertaklarning tugaydigan manzili edi. Buxoroda tug'ilgan bo'lsam ham, esimni Qobul yaqinidagi qishloqda taniganman. Shu yerda otam safar pullarini qaysidir qallobga boy bergan-u, biz kambag'allik ko'chasiga irg'itilganmiz.

Eng yomoni – akam kasal bo'lib qolgan edi. Men uning sog'lom paytini qanchalik eslashga urinmay, eslolmayman. Faqat bir kuni u yo'talgancha (o'sha payt ham ozib-to'zib ketgan edi), uyimizdan chiqib ketgani yodimda. U ishga ketayotib, bizni o'pib qo'ygandi. U o'sha paytlarda ancha ulug' odamdek ko'rinar, onam ham, otam ham unga ishonardi.

Onam akamning oldidan beri kelmasdi. Unga ko'p suyuqlik ichirar, terlarini artar, oyoq-qo'llarini uqalardi. U bizga, akangning kasali yuqumli, deb uqtirardi-yu, o'zi uning yuz-ko'zlaridan bosib-bosib o'pard. Onam

ham yosh, o'sha paytlar bor bo'lsa, o'ttizdan endigina oshgan juvon edi. Qop-qora sochlari uzun, qoshlari qalin, ko'zlari mehr bilan boquvchi, oppoq yuzlarida kulgichi bor buxorolik ayol edi. Men bilan Oysha onamga, akam esa, ko'proq otamga o'xshardi. Uning ko'zlari mallatoblighi esimda. Biz Hoji Ahmad degan savdogarning ikki xonali pastqam uyida ijaraga turardik. U ham bizni qo'llagan. Ayniqsa, akamga davo bo'ladigan tansiq mevalarni bir yoqlardan toptirib kelardi.

Ammo akam qishdan chiqmadi. Bizni u bilan xayrlashgani ham qo'yishmadi. Onamning o'kirib-o'kirib yig'laganini eshitib, bir burchakda qunishib o'tirardik. Men u paytlarda o'lim, o'lish so'zlarini eshitgandim-u, uning tag zamirini tushunib yetmagandim. Men akam o'ladi-yu, biz sog'inganda qaytib keladi deb o'ylardim. Bir hafta o'tdi, bir yil ham o'tdi, ammo u qaytib kelmadi. Bir kuni onam choponimizni kiydirib (o'ziniki juda yupun edi) akamning oldiga olib bordi. Biz akamizni ko'ramiz deb quv nar, osmonlarda uchardik. O'sha kuni atrofni qalin tuman qoplagan bo'lib, o'z kavushlarimizni ham aniq-tiniq ko'rmasdik. Osmondan bir nimalar yog'ar, ammo choponimiz nam bo'lmasdi. Keyin ko'z oldimizda do'ppaygan tuproqlar paydo bo'ldi.

Turtinib-surtinib keta boshladik. Nihoyat, onam to'xtadi. Ko'zlarini bo'rtib turgan, yon atrofiga qalin yog'ochlar qo'yilgan qora tuproqdan uzmasdi.

– Bu yerda akang yotibdi, – dedi onam.

– Qani-qani? – dedik biz akamnimas, tuproq uyumini ko'rib, xayolimda hozir tuproq ko'tariladi-yu, ichidan akam, usti-boshi chang bo'lib chiqib keladiganday edi.

– Akam sovuq yemaydimi? – dedi Oysha.

– Yo'q! U issiqda yotibdi, – dedi onam va ho'ngrab yig'lab yubordi.

– Qo'rqyapman, – dedi Oysha.

Onam Oyshaning bu gapidan keyin yig'lamadi, ammo ancha vaqtgacha yelkalari uchib turdi, hansirashi bosilmadi.

Biz ham yig'ladik. O'sha paytlar besh-olti yoshlarda edim. Akam o'lib, katta farzand bo'lib qolgandim. Ammo onamni qanday ovutishni bilmas, ko'z yoshimni tiyolmasdim.

Bu ko'zyoshlari hech qachon esimdan chiqqan emas!!!

Eh, Onajonim!

Onamning kulgilaridan ko'ra, yig'isini ko'p eslayman... U ancha navqiron bo'lsa ham, sochlariga oq tushgan, negadir umuman kulmasdi. Akam o'lganidan keyin butunlay tund ayolga aylandi.

Otam tun-u kun ishlab, qornimiz zo'rg'a to'yadigan taom olib kelardi. Oyoqlari og'rib, oqsab yurar, qo'llari yorilib, irib ketganlari esimda.

Qishlar o'taverdi, bahorlar o'taverdi, ammo onamning ko'zyoshlari ado bo'lmadi. Hovlimizdagi o'rik gulladi. Onam buni ko'rib, yana yig'ladi.

– Ona, nega yig'laysiz?

– Buxoroni sog'indim, – dedi Onam.

Aytishlaricha, bobomiz – onamning otalari Buxorodagi eng boy odamlardan bo'lgan. Onam o'sha farovonlikda o'tgan kunlarni juda qo'msab eslar, eslab yana...

– Uyimga ketgim kelyapti! Uyimga!..

– Buxoro qanday joy o'zi? Nega buncha yig'layverasiz? Ayting, ona... Buxoro qanday joy o'zi?

– Yig'lamaydigan joy, bolam, yig'lamaydigan...

Har kuni shu ahvol edi. Biron kun yo'q ediki, onam Buxoro uchun, bevaqt o'lgan akam uchun yig'lamagan bo'lsa! Yig'laganda ham ezilib, ko'zlari yoshga qorilib, ho'ngrab-ho'ngrab yig'lardi. Buxorodagi qarindoshlari, katta bog' hovlilarini eslardi.

Onamning eslab azoblanmasligi uchun Buxorodan olib kelgan hamma narsalarni

yashirib tashlardim. Hatto yarim oy shaklidagi taxta tarog'ini ham. Ammo bu harakatimning hech foydasi tegmadi. Onamga hamma narsa Buxoroni eslatar, osmonda uchib o'tgan qaldirg'och ham, musichaning "ku-ku"lamlari ham, afg'on shamolining ko'pirishi ham Buxoroni yodiga solar va onam bechora yig'layverardi.

Bu g'amlar navnihol onamni ado qildi. Otam uni chalg'isin dedimi, ishga qo'ydi. Yumushlarini men qiladigan bo'ldim. Ammo bir qora kunda ip-gazlama to'qiydigan zavoddan onamning o'ligini olib kelishdi. Onam ham sil bo'lgan ekan.

Bizga onam bilan xayrlashishga hech kim to'sqinlik qilolmadi. Men onamning yuzlarini o'payotganimda, Oysha uning sovib ulgurgan pinjiga suqulib olgandi. U onamning qo'llarini silar, uni hech kimga bermayman deb bo'zlardi. Onam uyg'onsa, meni o'pib qo'yadi, derdi. Men singlimni ko'rganim sayin o'kirib o'kirib yig'lagim kelar, ammo otamni o'ylab, o'zimni bosardim. Oysha onamning qo'ynidan chiqishni istamay, "menga onamni tiriltirib ber" deganday, iltijoli termilib turardi.

- Onam qachon turadi?

- Keyinroq, Oysha! Sen narigi uyga bor..!

- Qachon turasiz, ona, gapiring, gapiring!

– deya onamning oppoq yuzlariga jajji lablarini bosardi.

Onam juda go'zal bo'lib yotardi. Buxoroning go'zali, parisi...

Oysha o'lim nimaligini sezib tursa-da, buni tan olgisi kelmasdi. Oyshani onamning bag'ridan yulib olishganida, u shunaqangi chirilladiki, bu ovoz ko'ksimga eng dahshatli, eng alamli, eng dardli azob bo'lib, qo'zg'almas qoziqdek qoqilib qoldi.

Joyingiz jannatdan bo'lsin, Onajon!!!

* * *

Dunyoda nima ko'p – kasal ko'p, dunyoda nima ko'p – balo ko'p. Qadamda duch keladi, qadamdan ushlaydi. Ayniqsa, bewatan bo'lsang, musofir bo'lsang, balolar qadam olishingni poylab ham turmay bosib kelaverarkan... Ammo ne bo'lganda ham, biz akam uchun, onam uchun yashashimiz, bu bevafo hayotda nafas olishimiz kerak edi.

O'sha qora kunlarda biz o'zimiz uchun bir taskin topdik. Bu taskin bizni onamning ortidan qora yerga kirib ketmaslikka undardi. Bu oliy taskin Buxoro degan so'z edi.

Otam onamning joylarini jannatdan tilardi, biz Oysha bilan onamning joyi Buxoro bo'lsin, deb duo qilardik... Chunki o'sha paytlarda

men uchun eng yorug', eng tiniq, eng tinch joy Buxoro edi. Oysha menga quvlik qilib savol berib qolardi:

– Onam Buxoroga ketgan bo'lsa, qachon keladi, aka?

– Buxoroga borgan odam kelmaydi. U osmonlarda, bulutlar orasida, uylari oltindan, yegani asal, holva, kabob!

– Nimaga onam bilan akam bizni tashlab ketdi? Buxoroda bizga joy yo'qmi? U yerda nima bor o'zi?

– Vatan bor.

– Kim?

– Vatan.

– Kim u?

– Men uni bilmayman. Otam biladi, onam, akam biladi. Uni taniydi. U Buxoroda yashasa kerak...

– Bo'lmasa, biz ham ketaylik Buxoroga, ketaylik?!

– Hozir ketolmaymiz.

– Nimaga?

– Otam qo'ymaydi. Lekin, albatta, bir kun ketamiz.

– Yo'q! Bugun ketamiz, bugun, aka...

Shundan so'ng Oysha har kuni "Buxoroga ketamiz", deb turib oldi. U har safar o'tinchini boshlaganida otam ham ko'ziga yosh olib, ezilib-

ezilib titrardi. Padarimning yig'ilayotganini ko'rib, men birinchi marta ishga chiqishim kerakligini anglaganman. O'sha paytlar yetti-sakkiz yoshli bolakay edim. Musofirlik odamni tez o'stiradi, tez katta qiladi.

Maktabni tashlab, akam bir paytlar ishlagan zavodga ishga kirib oldim. Lekin otam bundan norozi edi. Chunki paxta zavodida bolalar shafqatsizlik bilan ishlatilar, evaziga esa, ularga arzimagan chaqa-tanga berilardi. Ammo shu pullarsiz Buxoroga qaytib bo'lmasligini bilardim.

Beton devor bilan o'ralgan zavod ichida ulkan stanoklar guvillab aylanar, ular tonnalab paxtani yutib yuborar, biz barini ko'rib turardik-u, paxtaga qo'shib bizlarni ham ezib, o'lim tomon tortib ketayotganini bilmasdik. Tinmay ishlar, ishlar va yana ishlayverardik.

Zavodning egasi biz tomonga qadam ham bosmasdi. Uni faqat uzoqdan ko'rardik. Bir kuni uning iti sex darvozasi yonida paydo bo'lib, taqqa to'xtab qoldi. Oppoq junlari taroq bilan taralganday hilpirardi. Itdan qandaydir atirning hidi kelardi. Negadir barcha bolalar ishni unutib, darvoza oldida turgan itga qarab qolgandi. Biz itni, it esa isqirt bolalarni tomosha qilmoqda edi. Tolalar chiyalashib, tiqilib, stanoklar azobdan chiyillab yuborganda

ham biz itdan ko'z uzmadik. Yuz-ko'zimizdan bizni tanib bo'lmas, faqat qorachiqlarimizgina tirik odam ekanligimizni bildirib, nur sohib turardi. Shu so'lg'in va umidsiz nigohlar bilan oppoq bo'yniga kumush medalyon bog'langan ko'ppakka bolalarcha beg'uborlik bilan tikilib, isqirt xona va alamlarni bir dam esdan chiqarib, baxtli bolalar kabi o'y surishni istab qolgandik. Ko'ppak qonday qizil tilini osiltirgancha, kirsammi-yo'qmi, deganday, ikkilanib turardi. Oxiri u burilib, ko'm-ko'k maysa qoplangan xiyobon tomon chopib ketdi. Bizdan jirkandi!

Men bu yerda to'qqiz oy ishladim. To'qqiz oy ichida 14 bola ishdan ketdi. Bilardikki, ular nafaqat ishdan, balki bu yorug' olamdan ham ketishgandi.

Bu yerda ko'p ishlashning oxiri sil, sil esa meni akam va onamning oldiga olib ketishini bilardim. Shuning uchun ingliz tilini o'rganishni va tozaroq bo'limga o'tishni istardim. U yerda oylik ham, ish ham durust edi. Buning uchun inglizcha oddiy so'zlarni bilishning o'zi kifoya. Kechalari uxlamay, ingliz tilidagi harflarni yod oldim. Keyin duch kelgan gazetalarni o'qiy boshladim. Buni ko'pchilikka bildirmasdim. Chunki bolalarning ko'pi o'ta mutaassib fikrlar bilan ulg'aygan, g'ayridinlarning tilini o'rganishni istashmas, buni makruhlik, dindan



qaytish deb bilishardi. Undan ko'ra, sil bo'lib o'lib ketishga ham tayyor edilar. Men ingliz tilini o'lmaslik uchun o'rgandim. Bunday holda til o'rganish oson kechadi, ustozning ham keragi yo'q.

Bir oylar o'tib, tanlovda qatnashdim va yaxshi ball to'pladim. Meni itxonaga, xo'jayinning itiga mas'ul qilib qo'yishdi. Men endi uyga kam borar, itxona yonida uxlardim. Yoz kunlari osmonda chiqqan to'lin oy yorug'ida bir paytlar oshxona qoshidan topib olgan Jek Londonning "Martin Iden" romanini o'qib o'tirardim. Keyin hisoblasam, bu kitobni 68 marta o'qib chiqqan ekanman. Bu kitob mening nafaqat ingliz tilini o'rganishimga, balki matonatli, chidamli, kuchli bo'lishimga ham sababchi. Bu kitobni o'qir ekanman, o'zimni itxona qoshida, betonga to'shalgan sholcha ustida emas, keng va yorqin okeanda baxt tomon suzib ketayotgan ulkan kemadagi qudratli va erkin inson sifatida his qilardim. Bu mening ahvolimdagi bolalar uchun juda qimmatli tuyg'u. Adabiyot menga kuchli bo'lishni o'rgatgani uchun men undan doim qarzdorman.

Xo'jayin har safar it bilan sayrga chiqqanida menga chaqa-tanga tuhfa qilar, bu esa, bir oyga borib oyligim barobarida pul yig'ilishi uchun

qo'r bo'lardi. Buning yarmini takabbur va o'lguday qo'pol ish boshqaruvchisi olib qo'yar, qolganini otamga berardim. Pullar Oyshabibi singlimning o'qishiga sarflanardi.

Bir kuni xo'jayin Jek Londonning kitobini ovoz chiqarib o'qiyotganimni ko'rib qoldi. U oldinga kelib, hayron qolib menga qarab turdi. Aynan o'sha mahal qorindor, yuzlari shishmol ish boshqaruvchi kirib keldi. U menga: «Xo'jayin ingliz tilini buzib gapiradiganlarni juda yomon ko'radi, og'zingdan bir og'iz so'z chiqmasin», – deb tayinlagandi. Mening inglizcha gapirib qo'yganimni bilib, ish boshqaruvchi shunchalik qahrli qaradiki, itning qoziq tishlarida titilib ketadigan kolbasadek yanchilib ketay dedim. Chunki uning bolalarni vahshiylarcha qiynashini hamma bilardi.

Xo'jayin menga kulib qaradi. Ammo undan hamma narsani kutish mumkin edi. Aybi qidirilgan odamning har qadamida gunoh bor.

Eh musofirlikda ulg'aygan men kabi bolalar uchun bunday xo'rliklar birinchisi emasdi. Shuning uchun qo'rquv, hadiksirash, hammadan o'zimni past tutish kabi o'ylar, xohlamasam ham, bo'yim bilan birga yuragimda o'sib borardi. Chunki men bevatan, quloq (o'tgan asrning 1929–1933-yillarida mustabid sho'ro tuzumi yer egalari, boy,

o'rtahol dehqon va chorvadorlarni "quloq – mushtumzo'r" nomi ostida sinf sifatida tugatish siyosatini olib borgan) qilingan oilaning farzandi edim. Buni afg'onlar ham, inglizlar ham, dunyodagi barcha odamlar ham yaxshi bilishiga ishonchim komil edi. Ular mening musofir ekanligimni peshonamga qarabgina emas, uzoqdan soyamni ko'rishi bilan bilar va xo'rlashga arziydigan odam paydo bo'lganidan suyunishadi deb o'ylardim.

– Inglizcha ravon o'qirkansan! Qayerda o'rgangansan?

Men savolga javob beraymi yo'qmi deb, ish boshqaruvchiga qaradim. U hamon ko'zlarimga qahr bilan tikilib turardi. Dovdiraganimdan foydalanib, o'zi javob berdi.

– U qayerdan ham bilardi, janob! Bu bir kelgindi bo'lsa...

– Yo'q, biladi! Bilasan-a?

– Yo'q-yo'q!

– E-e, sayrab turib, til bilmayman, deyingni qara! Qiziq-ku! Yur-chi, men bilan.

Men umrimda bunday hashamdor uyga kirmagandim. Og'zim lang ochilib qoldi. Uyga kirishim bilan atirgul hidiga o'xshash bir shirin ifor dimog'imga urildi. Kir oyog'im bilan uning oppoq eroniy gilamlarini bosaymi-yo'qmi deb ikkilanib turib qoldim. Xo'jayin mening

bilagimdan ushlab, uyga imladi. Ichkaridagi oppoq haykallar, chiroyli vazalar, shohona suratlariga mahliyo bo'lib, gandiraklab, boshim aylanib ketdi. Ruflarning xonadoniga birinchi qadam qo'ygan Martin Iden holiga tushgandim, go'yo.

Men shunda o'zimning yamalgan, yirtiq egnimga qaradim, uyaldim. Buni sezgan xo'jayin uy xizmatchisini chaqirib, meni yuvintirishni buyurdi. Xizmatchi menga qovog'ini emas, oppoq tishlarini ko'rsatib, tabassum qildi. Yuvinish xonasiga olib kirib, hamma joyimga oppoq qorga o'xshash narsa ishqab tashladi. Butun tanam yayragani rost. Ammo hamon qo'rqr, u meni yuvintirib, keyin o'ldirmoqchimi, deb ham o'ylardim. Cho'milib bo'lgach, menga yangi kiyim berishdi. Bu kiyimda men butunlay boshqa bolaga aylanganday edim. Shohona liboslarni kiyib, yayrab ketdim. O'limni o'ylamay qo'ydim.

Janob meni kutib turgan ekan, ikkinchi qavatga boshladi. Uning ortidan boryapman-u, vujudimni yana qo'rquv qopladi. Boya meni cho'miltirgan odam ham ko'zimga shubhali ko'rinib ketdi. Ammo janob ikkinchi qavatdagi taxtali eshikni ochganda, toshga aylandim. U yerdagi kitoblar mening hayrat olamimga sig'masdi. Men kitoblarni ko'zdan

kechirarkanman, hayotimdan o'lim ham, qo'rquv, ochlik, ishsizlik ham – bari-bari lahza ichida yo'qoldi. Onam esimga tushib ketdi. Faqat u mening baxtiyorligimni sezib, ko'rib turganday edi.

Xo'jayin istalgan vaqtda bu yerdan kitob olishim mumkinligini aytdi. Keyin joyiga qo'yib qo'ysam bo'lgani ekan. Bor-yo'q sharti – shu!

Men endi har kuni, bo'sh vaqtim bo'ldi deguncha kitob o'qir, gazetalarni varaqlardim. U yerda men tushunmaydigan tillardagi kitoblar bisyor edi. Men fors, afg'on va ingliz tillarida yozilgan kitoblarni topib o'qir, ammo ko'piga tushunmasdim. Bu mutolaalar meni ish boshqaruvchining zug'umidan ham qutqardi. U mening kitob o'qib o'tirganimni ko'rganida, ko'rmaslikka olib o'tib ketadigan bo'ldi.

Tinmay kitob o'qidim. Tibbiyot, biznes, tarixga oid kitoblarning jinnisiga aylandim. Psixologiyaga muhabbat qo'ydim. Shunday qilib, itboqar bo'lib ishlagan olti yilim hayotim poydevorini ilm bilan ko'tarishga imkon berdi. Bu orada otam Oyshani kuyovga uzatdi. Singlim hali yosh edi. Ammo kuyov Buxorodan kelgan, biz kabi o'zbek oilasi bo'lgani uchun otam sovchilarga yo'q deyolmadi. Kuyovning yoshi singlimdan 12, mendan 10 yosh katta edi. Yigit ko'p yillar buxorolik qiz axtarib, uylanmay

yurgan ekan. Kuyovning yoshi katta bo'lsa ham, davralarda mendan yuqoriga chiqmay o'tirardi. Ular ko'p o'tmay, Oyshani olib, Turkiyaga ko'chib ketishdi va Men batamom yolg'izlanib qoldim.

Shu yili xo'jayin Angliyaga ketadigan bo'ldi. U meni ham o'zi bilan olib ketmoqchi edi. Ammo baxtsiz hodisa yuz berib, sexga o't ketdi. Ish boshqaruvchi ham, xo'jayin ham, uning iti ham halok bo'ldi. U yerda ishlaydiganlardan 38 bola tirik qoldi, xolos.

Bu fojidan keyin bu yerda qololmasligimni angladim. Qanday qilib bo'lsa ham, Yevropaga ketish uchun yo'l qidira boshladim. Tilni yaxshi bilganim uchun meni bir ovrupalik savdogar ishga oldi. U gazlama savdosi bilan shug'ullanar, gazlama orasiga esa turli og'ularni joylab, Eronga, u yerdan Yevropaga o'tkazardi. Fe'li past odam bo'lib, arzimagan pul evaziga meni eshakdek ishlatardi. Uning firmasi orqali chetga chiqish mumkin ekanligi uchungina, tishimni-tishimga qo'yib, qulay vaqt kelishini kutib yurdim. U kechasi bilan uxlamay hisob-kitob qilishga majbur qilar, buning uchun oyiga 25 dollar berardi, xolos.

Men kutgan vaqt bir yildan so'ng keldi. U payt men 18 yoshda edim. Savdogarning eronlik xotini tug'adigan bo'lib, Yevropaga

meni jo'natadigan bo'ldi. Chunki men hisob-kitobga uning o'zidan ham pishiqroq edim.

Shunday qilib, yo'lga otlandim.

Turkiyaga yetib borgach, uning gazlama orasidagi barcha og'ularini balchiqqa uloqtirdim, so'ngra qimmat gazlamalarni sotib, Italiyaga, u yerda ozroq ishlagach, ancha yo'l bosib, Angliyaga yetib bordim. U yerda ikki oy turib, kemada AQShga jo'nadim.

AQShga kirib kelganimda tushlik qilishga ham pulim yo'q edi. O'lguday och edim. Necha kunlar plakatlarga to'la ko'chalarda ish qidirib, itday izg'ib yurdim. Qahraton sovuq, muttasil ochlik va uyqusizlikdan ko'zlarim qizarib, yuzlarim ko'karib, badanimni g'alati donachalar bosib ketdi. O'sha kunlarning birida Xudoyimning o'zi meni keksa Richerga duch qildi. U mening tovuqday hamma yoqni sohib, betartib axlat titishimni ko'rib, jahli chiqdi. Keks Richer menga bu "soha"ning ham o'ziga xos sirlari borligini aytib, qaysi xaltani ochishni-yu, qaysilariga umuman tegmaslikni, bu befoyda ekanligini o'rgatdi. Uysizligimni bilib, kulbasidan joy berdi. Keks Richerning na xotini, na bolalari bor edi. Ichkilik tufayli yaqinlari uni tashlab ketishgan. U tuni bilan ichar, ho'ngrab yig'lardi. Ammo tongda tetik turar, hech nima bo'lmaganday, men bilan

birga "ishga" o'tlanardi. Biz kun bo'yi axlat idishlarni titib, kechasi ancha-muncha "boyib", kulbaga qaytardik. Ammo tonglarning birida kekxa Richer uyg'onmadi.

Qabr toshiga o'zi vasiyat qilgan: "Kekxa Richer sizlarni juda yaxshi ko'radi" degan so'zlarni yozdirib qo'ydim. Kekxa Richer qachonlardir xotini yo farzandlari uni axtarib kelishiga ishonardi.

Shundan so'ng bor pullarimni yig'ib, kekxa Richerdan meros qolgan kulbani ham sotib, o'zinning savdo ishlarimni boshladim. Ammo raqobatchilar meni "yanchib" tashlashdi. Olti oy o'tmasdan bankrot bo'ldim, bu ham yetmaganday, ham uysiz, ham bir chaqasiz qoldim. Biroq xorlik ustun kelgan kunlarda ham orzularimni o'ldirmadim, ularni asrab-avayladim, kurashdim. Otam bu payt Oyshalarning Istanbuldagi uyiga ko'chib bordi.

Keyinchalik, ochgan sexim hali bir yoshga to'lmasidan bankrotga uchradi. Banklar qarzini so'rab qo'ymasdi. Eski ishning azasini tutmay, yangi ish boshlar, biri bo'lmasa, biri meni boy qilishiga ishonardim. Eng oxirida reklama qog'ozlar ishlab chiqaradigan kichkina bosmaxona ochdim. U ham besh oydan so'ng kasodga uchradi. Men xatolarim ustida qattiq ishladim. O'qigan kitoblarimdan olgan xulosalarimni amalda qo'lladim.

Men yana reklama qog'ozlari bilan shug'ullana boshladim. Asta-sekin mijozlarim soni ortib bordi. Men esa, tun-u kun mehnat qilar, ishxonada uxlab, shu yerda tamaddi qilardim. Va nihoyat, men birinchi marta o'zimning korxonam uchun ishchi yolladim – ular Hindiston va Xitoydan kelgan talaba yigitlar edi. Biz uchalamiz tinmay mehnat qilib, haftasiga 50 dollar oladigan ishimizni, haftasiga 50 ming dollar foyda keltiradigan katta firmaga aylantirdik.

Biz birinchilardan bo'lib, bozor televi-deniyesini rivojlantirish maqsadida katta miqdorda kredit olib, ish boshladik. Bu "TV-bozor" menga kutilmaganda ulkan boylik, qudrat olib keldi. Ammo shunda ham men hali maqsadimga yetmaganimni bilardim. Biz dvigatellar ishlab chiqarishni boshladik va tez orada dunyo bozoriga chiqib bordik. Ikkinchi yildanoq jahon bozorida bizning dvigatellarga talab oshib, yigirmadan ortiq mamlakat bilan shartnoma imzolashga erishdik. Bu bitimlarni tuzib, Floridadagi villamga qaytgan kunim onam Buxorodan olib kelgan taroqqa qarab, o'kirib-o'kirib yig'laganman.

U paytga kelib turk xotinim menga to'rt o'g'il tuhfa qilgandi. Otam nevaralari bag'rida, yaxshi kunlarimni ko'rib, bandalikni bajo

keltirdi. Bolalarim o'zbekcha, turkcha bilishadi, ammo inglizcha yozishadi, gaplashishadi... Men esa... Men...

* * *

Mana, necha yillar o'tib, nihoyat, qarib-qartaygan paytimda Buxoroga – ota Vatanimga keldim! 90 yil o'tib...

Ey Buxoro!!! Mana, men! Mana, men!

Sening o'g'ling, farzanding 90 yil o'tib bag'ringga keldi!

Nega shu paytgacha qaytmadim? Oliy orzuyimni, onamning, otamning armonini nega shu paytgacha bajarmadim? Nimaga? Xayolimdagi, orzuyimdagi, o'sha bulutlar orasidagi go'zal, mo'jizakor Buxoroni yo'qotib qo'yishdan qo'rqdimmi?!

Bilasizmi, kelish tugul, men xaritadan O'zbekistonga qarashga ham qo'rqardim! O'ylarim sarob bo'lib chiqishidan qo'rqardim, Buxoro yo'q bo'lib chiqishidan qo'rqardim. Eh... Bu yerga kelib akamni, onamni topolmaslikdan qo'rqardim! Axir, ular men uchun shu mahal-gacha Buxoroda edilar, Buxoroda...

Ey Buxoro! Bundan 90 yil avval quvg'in qilingan o'g'ling keldi... Millionlab surgun qilingan farzandlaringdan bir vakil bo'lib keldi... Ochlikdan, quvg'inlikdan, tutqunlikdan,

xorlikdan, zo'rliklardan o'lib ketmagan, bariga chidagan bolang keldi. U tirik!

Vatan nimaligini bilmay ketgan chaqaloq, onasi, akasi, o'tmishi, vatanini qidirib keldi. Ey otayurt, bilasanmi, qanchadan-qancha odamlar senga yetolmay, seni bir bora ko'rishga zor bo'lib, bevatan, bekafan o'lib ketdilar. Ular bir bora Vatanning musaffo havosini sipqorish uchun, bir marta ko'hna g'ishtlaringni silash uchun jonlarini berishga ham tayyor edilar.

Xudo ularga qancha ko'zyosh bergan bo'lsa, sen uchun to'kishdi, qancha so'z bergan bo'lsa, seni duo qilishdi. Ey Vatan, Vatan, sen ularni unutmadingmi? Meni taniyapsanmi?!

Mening ikki kunim bor. Bir yilning faqat ikki kunida menga hech kim ish haqida gapirmaydi, chunki shu kunlarda men bayram qilaman! O'sha kunlari mening uyim oldida beva-bechoralar uchun ehson beriladi. Xayriya tadbirlari o'tkaziladi, millionlab pullarni ular uchun sarf aylayman. Har yili shu ikki kun kelishini kutib yashayman. Bu kunlarning biri – 24 iyul. O'sha kuni mening «Moviy ko'zli burgutlar» deb nomlangan dvigatel zavodim ishga tushgan va men bu kunni azoblarim arigan, irodam g'alaba qilgan, akam, onam, otam va singlimning orzulari ushalgan kun sifatida nishonlayman.

Ikkinchi kunim – 2 mart! Nyu-York osmonida, BMT binosi oldida ozod va hur O'zbekiston bayrog'i hilpiragan kun!

O'sha kuni men «Moviy ko'zli burgutlar» zavodimning filialini Yaponiyada ochish uchun bitim imzolashga ketayotgandim. BMT qarorgohi yonidan o'tayotib, ko'zim Unga tushdi-yu, qotib qoldim. Ko'zlarimdan yosh chiqib ketdi. Sherigim hayron bo'lib, nimalar deganini eslolmayman... U yo'lning o'rtasida tushib, qayerga ketib qolganimni ham bilmay qoldi. O'sha kuni BMT osmonida bir ulkan, yorug', nurli hislarga to'la xalqimni ko'rdim. Men o'zbekcha gapirgancha tiz cho'kib yig'lar, o'tkinchilarning turtishlari-yu, yelkamga tasalli uchun qo'l cho'zishlariga parvo qilmas, onamga o'xshab o'kirib-o'kirib, yelkalarim uchib-uchib, siltanib-siltanib yig'lardim. Shuncha yillik musofirlicim, onam, akam, surgunga uchragan xalqim vakillari uchun yig'lardim.

Bayroq tepada edi, osmonda edi, ammo u shunchalik menga yaqin ediki, uning mayin tolalari yuzimni silar, ko'z yoshimni artardi... Eh, Vatanim!

Bu Vatan bayrog'i edi..

Men Vatanimning nafasini tuyganday, Buxoroni quchganday bo'ldim...

Otajan, Floridadagi siz yotgan qabrning

tuprog'idan olib kelib Buxoro uzra sochyapman. Bu tuproq ota-bobolaringiz tuprog'i bilan qovushadi. Baxtiyormisiz, ota? Mana, Vatanning tuprog'iga, changlariga – ajdodlar xokiga, shamollarga qo'shilib uching! Minoralar ustidagi laylaklar bilan birga parvoz qiling, Otajon!

Ona, men bekorga shuncha vaqt kutgan ekanman. Ertaroq bu yerga kelsam, bu tuproqni quchsam bo'larkan... Sizning Buxoroga ketganningizni bilardim-u, u yerdan topolmasam nima qilaman deb o'ylardim. U yerga borsam, bolalikdagi beg'ubor tasavvurlarim to'zg'ib ketishidan, shubhalar orasida qolib ketishidan qo'rqardim. Bekor qilgan ekanman! Nega buncha kutdim?

Buxoroda ekan hamma-hammasi... Barchasi menga, bolalarim, nevaralarimga o'xsharkan – yuzi, qosh-u ko'zi... Bolalarim...

Onajon, akajon, Buxoro minorasiga chiqib, siz yotgan Afg'oniston tarafga qarab turibman... Tinch yotibsizmi? Endi xursandmisiz?

Mana, orzularingiz ushaldi, 90 yil o'tib bo'lsa ham! Orzular o'lmaydi, o'lmaydi... Daryolar oqishdan tinmaganidek, shamollar, gullar, bahorlar mangu yashnaganiday chin orzular ham o'lmaydi, onajon! Osmondan goh qor, goh yomg'ir yog'averganiday, oy-

yulduzlar mangu boqaverganiday, qishda uchib ketgan qushlar bahorda qaytganiday men ham qaytdim, qaytdim!!!

Dunyoda nima ko'p – zulm ko'p, balo ko'p, jazo ko'p! Ammo begunoh insonni majburlab, o'zi tug'ilgan joyidan, o'zining elidan, o'zining nonidan, o'zining suvidan, o'zining daraxtidan, o'zining daryolaridan, o'zining mozoridan, o'zining mehrobidan, o'zining osmonidan ayirish, judo qilish dunyodagi eng katta gunoh, dahshat va vahshiylikdir!

* * *

Sizni topdim, ona! Bozorda ko'rdim! Do'ppi sotayotgan ekansiz! O'xshatdimmi dedim, yo'q, quyib qo'yganday o'zingiz... Keyin qishloqlarda ham ko'rdim! Buxoroda bir emas, ko'p ekansiz, Onajon! Ha, aniq siz!

Akamni ham ko'rdim! Ayniqsa, novvoy yigit akamga Hasan Husaniga o'xshaganday o'xshaydi. Qoyil!

Lekin aldagan ekansiz, ona, aldagan ekansiz! Buxoro qanday joy deganimda: "Yig'lamaydigan joy" degandingiz... Men kelganimdan beri yig'layapman. Sizni ko'rib, akamni ko'rib, Buxoroni ko'rib...

Mana, men keldim, Buxoro!!! 90 yil o'tib...

AYOL

U fermerning yollanma ishchisi edi. Paxta, kartoshka, piyoz, kunjut o'tog'ida kunlik to'lov evaziga mehnat qilar, eri ishsiz, oila u topgan pul bilangina kun ko'rardi.

Bu yil suv yaxshi bo'lib, ishlayman deganga yumush mo'l bo'ldi. Shuning uchun ayol erta bahordan beri tinmas, dam bilmay ter to'kardi. Ammo yoz tugamay u charchadi, holsizlandi, kuchi qaytdi. Mana, uch kun ichida ham daladagi piyozni o'tab bo'lmadi. Garchi, erta tongdan to kun botguniga qadar tinim bilmay ishlasa ham.

Bugun to'rtinchi kun. Aynan bugun dam olmoqchi edi. Ammo ishni tugatishi kerak. Tugatishi shart.

Hali quyosh qishloqqa salom berib, o'ynoqi teraklar mayin shabadaga tebranib shivirlamasdanoq ayol o'rnidan turib, uydagi yumushlarini saranjomladi. Kir yuvdi, sigir sog'di, sut pishirdi, nonushta va tushlik uchun nimalardir tayyorladi. Keyin eski kiyimlarini kiydi-yu, kavushini sudrab, dala tomon oshiqdi.

Ancha vaqt bosh ko'tarmay ishladi. Ammo tushga borib ochiqdi. Ko'ngli aynib, holsizlandi. Quyosh hafsala bilan dalani qizitar, qilt etgan shabada yo'q. Ayolning butun tanasi qora terga botib, nafas olishi qiyinlashdi. U

faqat chanqaganda o'rnidan turar, shundagina yoqasidan shamol kirib, biroz yengil tortardi. Qotib, achishib og'riyotgan belini mashq qildirgan bo'lardi, og'riq tugamasa, qo'lini musht qilib, yengilgina urib qo'yardi. Ayol o'rnidan turganida ko'z oldi qorong'ilashib, boshi aylandi. Yiqilib tushay dedi. Ro'molini ariqdagi badbo'y dori anqiyotgan suvga chayib, peshonasiga bosdi va biroz o'ziga kelganday bo'ldi.

Yangi bug'doy singari nishlab, begona o'tlar bilan joy talashib o'sayotgan piyozlar quyosh tig'idan qo'rqib, nozik boshlarini eggancha, qilt etmay turishar, ayol esa, vaqtini behuda o'tkazmaslikka intilardi.

Piyozpoya keraksiz o'tga to'la. Begonasi shunchalik ko'p ediki, qaysi biri o't, qaysi piyoz ekanligini tajribasiz ishchilar hadeganda bilolmasdi.

Ayol qorayib, yorilib ketgan qo'llari bilan har bir niholni avaylab, ortiqcha o'tlardan tozalardi. Mayda ish ko'p vaqtini talab qiladi.

Fermer juvonga juda ishonar, ishini ko'n-gildan bajarishini bilib, ortidan tekshirmasdi. Haq to'lashda boshqalarga nisbatan unga biroz saxiylik qilardi.

Ayol ishni bitirganida hali kun botmagan, quyosh ufqqa egilgan ko'yi go'yo kuni bilan tig'lariga chidagan juvon ko'zlariga mas-



xaraomuz boqib turardi. Uning boshi aylanib, o'tirib qoldi, keyin uzoq yo'taldi. Ariqdan hovuchlab suv ichib, yuzini yuv gandagina o'ziga keldi. Chuqur nafas oldi. Quyoshga termildi.

Fermerning ish boshqaruvchisidan keli-shilgan pulni olar ekan, qimtinibgina rahmat aytib qo'ydi. Har gal ish haqini olganda titrayotgani sezilib turadi. Halol mehnatning huzurbaxsh titrog'i shu bo'lsa kerak-da...

Fermerning qari ish boshqaruvchisi esa, arzimagan pulga mamnun bo'lib, kavushini sudragancha, pildirab ketayotgan juvonning kundan kunga cho'kib borayotgan qoqsuyak gavdasiga qarab achinadi. Pichirlab, tishlanib kimnidir, nimanidir bo'ralatib so'kadi.

Ayol to'g'ri borib, qishloqning tunuka bilan o'ralgan do'koniga kirdi. U yerda turli-tuman noz-ne'matlar ko'zni yashnatib turar, ularga nigohi tushgan sayin qo'lidagi pulini mahkamroq qisimlab olardi.

– Kechirasiz, menga ikkita rangli suv bilan bir kilo guruch bering.

– Rangli suvning qaysisidan? – so'radi bee'tibor sotuvchi.

– Farqi yo'q.

– Mengayam farqi yo'q, – dedi-yu, shundoq qo'l uzatar joyda turgan sap-sariq suvning birini olib uzatdi.

– Guruchning qimmatidan bo'lsinmi, arzonidan?

– Qimmatidan... Suv ko'taradigan bo'lsin.

– Yaxshi... Yana?

– Yarim kilo shokolad ham bering...

– Qanaqasidan?

– Oddiysidan.

– Oddiysi ham qimmat-da, yanga?

– Mayli...

– Bugun ziyofat bo'lyaptimi?

– ...

Ayol qo'lidagi pulga qarab, uni battarroq qisdi. Yutindi.

– Bo'ldimi?

– Yo'q! – dedi ayol biroz o'ylanib. – Hmm...

Achchiq suvingizdan ham bering... anavi... oqidan...

– Nima, akamning mehmonlari bormi?

– Shunaqaroq...

– Qimmat-da, maylimi?

– Mayli...

– Shahrisabznikimi yo Toshkentniki?

– Farqi yo'q.

– Pulingiz yetadimi?

– Yetadi, – xijolat bo'layotganini sezdirmaslik uchun u qo'lidagi pulga qarab qo'ydi. To'rt kun ishlab topgan pullari qop-qora qo'llari orasida g'ijimlanib turardi.

Sotuvchi yana nima olishini so'rab

ham, o'tirmay hisob qila boshladi. Ayol bir yelinxaltaga joylangan narsalarga, bir qo'llarida g'ijimlanayotgan pulga qarab qo'ydi. Hamma olgan narsasini qaytarib berish fikri vujudini bir soniya tirnab o'tdi. Yutindi, yo'taldi, chuqur nafas oldi. Shu payt do'kon ichiga qayerdandir shamol kirib, hamma joyni changitib yubordi. Ayol endi og'irroq yo'talib qoldi. Sotuvchi esa, bepisand tirjayib:

– Mana shuncha pul bo'larkan, yanga... – deya, hisobni ko'rsatdi. – Nimaga indamaysiz? Pulingiz kammi?

– Yo'q, olaman!..

Ayol to'rt kun quyosh tig'ida qovurilib ishlagan pullarining hammasini g'ijimlangan holda stol ustiga qo'ydi va xarid qilgan narsalarini ko'tarib, do'kondan ketishga taraddudlandi. Sotuvchi ko'zlarini katta-katta ochgancha, pullarni tekislab, sanar ekan: "Hammasi to'g'ri ekan, yanga!" – deb qo'ydi.

– Bugun qanday kun o'zi? – dedi yana ayolning ortidan.

Ayol jim chiqib ketaverdi, sotuvchi yana javrayverdi:

– Akamni ham ishlating-da... Quruqqa uyda yotqizib, ho'kizday semirtirib boqmasdan.

Ayol uyiga kirganida, quyosh dalalar bag'riga qizaribgina botardi. Erining endigina uyqudan turgani sezilib turar, ishkombostidagi

ariqqa oyog'ini tiqib, shu suvga uzum yuvib yer edi. U xotinini ko'rib, og'zini katta ochgancha esnadi. Ayol esa, ostonada eriga qarab biroz turdi. Ko'ngli ag'darildi. Er esa, beparvogina ishkomdan yana uzum oldi-yu, bu safar yuvmasdan og'ziga soldi. Xotining qo'lidagi bozorliklarga nazar tashlab, kavshangancha:

– Nima ko'tarib yuribsan? – dedi.

Ayol boshini eggancha, oshxona tomon ketdi. Oshxonada tushlikdan bo'shagan kosa-tovoqlar yoyilib yotar, ustini pashsha talab, atrofida qovoqari g'o'ng'illab uchardi. Ayolning burni achishdi, ko'zlari og'rib ketganday bo'ldi. Chuqur uf tortgancha, o'tirib qoldi. Ro'molini sidirib olganida juvonning sochlari orasidagi oppoq tolalari ham ufqning qizg'ish nurlarida tovlanib ketdi.

Yig'idan foyda yo'q. O'zidan boshqa bu ishlarni qiladigan ham yo'q. Hademay bolalari ovqat deb keladi. Kiyimlarini ham almashtirmasdan, ishga tushib ketdi. Yig'ishtirdi, yuvdi, qozonga o't yoqib, yog' soldi. Bu-zoqchanning zorlanishiga rahmi kelib, oshning sabzisini solgach, sigirni ham sog'ib oldi.

Bu orada o'g'illari ko'chadan kelib qoldi. Kattasi o'n ikki yoshda. U ham otasiga o'xshab to'lachadan kelgan, yalqov, gap olmas bola. Ikkinchisi sakkiz, uchinchisi to'rt yoshda. Ayolning bor umidi o'rtanchasidan. U mol

boqar, o't yular, uy yumushlarida ham onasiga yordam berardi. Bugun ham shunday bo'ldi.

Baribir osh pishguncha kech bo'lib qoldi. Ayol bu orada uy ichi-yu tashqarisini saranjom-sarishta qilgan, supaga suv sepib, supurishga ham ulgurdi. Atrofnii nam tuproq va rayhonning nafis ifori tutib ketgan edi. O'g'illar supada osh suzilishiga intiq bo'lib o'tirishardi. Er esa, qornini qashlagancha, kim bilandir telefonda gaplashar, har zamonda qattiq kekirib, supa ustidan rayhon tarafga tupurardi. Ayol oshni suzib kelganda, bolalar onasiga yozg'ira boshladi:

– Shunaqa ham kech pishirasizmi? Hademay futbol boshlanadi-ku!

Eri esa osh laganni o'ziga o'ng'ay qilib to'g'riladi. Ayol bir dam bolalarining, erining og'ziga jim tikilib turdi, ko'zlariga qaradi. Keyin shartta o'rnidan turib, do'kondan olib kelgan shokolad, shirin va achchiq suvni dasturxon ustiga qo'ydi. Bolalar xursandchilikdan chapak chalib yuborishdi. Erning achchiq suv shishasini ko'rib, ko'zlari o'ynab ketdi. Keyin xotiniga:

– Tinchlikmi? – dedi.

Ayol indamadi.

Bolalar sevinganidan qo'llarida piyola ushlab, shirin suvni talasha boshlashdi. Ota barkashday qo'llarini issiq oshga botirib yeya

boshlagan ham ediki, xotinining harakatini ko'rib, qotib qoldi. Bolalari ham shu zaylda onasidan ko'z uzmay qarab qolishdi. Ayol qoraygan qo'llari bilan achchiq suv shishasining qopqog'ini ocholmay qiynalar, tishlari bilan ochmoqchi bo'lardi. Negadir ko'zlari yoshlanar, lablari titrardi. Eri oshga botirilgan qo'li kuyayotganini ham, bolalari esa ochiqqanini ham unutib, onaning holatini kuzatib turishardi. Ko'zlaridan dona-dona yosh dumalab ketdi-yu, ayol qiynala-qiynala shishani ochdi. Qo'llari titrar, junjikardi. Ayol piyolasiga to'latib achchiq oq suv quygach, hammaga bir-bir qarab qo'ydi-da, yig'iga qorilgan ovozda:

– Tug'ilgan kunim... tug'ilgan kunim... qutlug' bo'lsin! – dedi va achchiq suvni ko'zini chirt yumgancha, ichib yubordi.



QIZLAR BILAN UCHRASHUVIM

Yigirma yetti yosh. Uylanishning ayni payti. Bu yoshni bizning shaharda “uchrashuvlar mavsumi” deb ham atashadi. Go‘yo shu uchrashuvlarsiz turmush qurishning iloji yo‘qdek! Bizda bu odat qachon rasm bo‘lgan, bilmayman. Lekin hech kim bu an‘anadan bo‘yin tovlamaydi. Shubha qilish u yoqda tur-sin, ba‘zilar, “ana shunda baxting ochilib ketadi” deb kafolat ham berishadi. Uchrashuvga chiqasan, sevasan, uylanasan va sendan baxtli odam bo‘lmaydi. Go‘yo uchrashuvlar mo‘jizaga to‘la-yu, birdan baxt kulib boqadiganday.

Yigit va qiz uchrashuvini ota-onalar bel-gilaydi. Shuning uchun bu shunchaki tanishuv yoki ko‘cha-ko‘yda ko‘rishadigan ikki yosh-ning diydorlashuvidan ancha farq qiladi. An‘anaga aylangan, ikki yoshning to‘y oldi tanishuvi. Hatto buni kichikroq marosim desak ham bo‘ladi. Shul sabab ota-onalar bunga jid-diy yondashadi. Bolalarini ko‘cha-ko‘yda emas, o‘zlari tayinlagan ko‘rishuvlardagina munosib yor topishi mumkinligiga ishontirishadi.

Men ham bo‘ydoqman, mening ham yo-shim yigirma yettida. Ammo ota-onam shirin tashvishlarimni chekib, g‘amxo‘rlik qilolmaydi. Chunki ular ikki yoshligimdayoq tashlab ke-

tishgan. Otam qaytmaydigan dunyoga, onam esa, meni qari buvimga tashlab, shahrimizdan besh yuz kilometr uzoqlikdagi Qo'qon shahriga turmushga chiqib ketgan. Hozir kam ko'rishib turamiz, oila boshlig'ini "dada" deyishga tilim bormaydi. Shuning uchun oyimni ko'rgani Qo'qonga borganimda, yoki ular kelganida mehmon akaga gapirmay qo'yishni afzal ko'raman. U ham sergap emas. Yettita jigarim ham bor. Men ularni taniyman...

Buvinning qo'lida tarbiya topdim. Buvim ham maktabni tugatishimga ikki oygina qolganda qaytmas dunyoga safar qildilar. Joylari jannatda bo'lsin! Shundan so'ng, batamom yolg'izlanib qoldim. Ota-onam yo'q. Buvim, sinfdoshlarim yo'q. Hayotning qizig'i qolmaganday edi. Ko'zimga nuqul eski shahardagi jinko'chalar, axlat idishlar, quvurlarda mog'or bosgan suv va unda achibasigan o'lik mushuklar ko'rinadigan bo'lib qolgandi. Xullas, jur'atsiz va ishonchsiz, umidsiz o'smir edim. Bu holdan qutulish uchun o'zimni har yoqqa urdim, pul topishni, juda ko'p pul topishni niyat qildim. Pul bu qudrat va baxtning yagona kaliti deb o'ylardim. Bozorda kunim o'tadigan bo'ldi. Ish ko'pligidan bema'ni o'ylar surishga majolim qolmasdi. Tong bo'zarib otmasdan bozor atrofini supurishim,

keyin esa bir chekkadan yarim quloch joy olib, pomidor va bodring sotishim mumkin. Bora-bora ishga ko'nikib, mashaqqatim kamaygan sayin ko'z oldimdan yana supurindi axlatlar aylana boshlaydi. Hayotimda axlat chelaklar ulkanlashsa ulkanlashdiki, yo'qolmadi. Topgan pulim ham boyib ketdim deyishim uchun yetarli emasdi.

Shunday kunlarning birida professor Sulton aka bilan tanishib qoldim. U doim ishdan kech qaytar va o'tmay qolgan, irigan-chirigan pomidorlarimni xarid qilardi. Aytishicha, xotini qizil ikra qilishni suyar ekan. Professor bilan bir kuni Pifagor qonunlari to'g'risida suhbatlashib qoldik. Yoshlikdan matematikaga qiziqardim. Xullas, savdoni ham unutib, ikkovlon qog'oz kartonlarni to'ldirib, formulalar yozib tashladik. Shunda men professorning o'z kasbini naqadar yaxshi ko'rishini anglab, unga havasim kelib ketdi va ertalab professor bo'lish orzusi bilan uyg'ondim. Savdoni tashlab, kitob o'qishga tushib ketdim. Shunda ko'z oldimdan axlatlar ariganday bo'ldi. Birinchi yil o'qishga kirolmay yiqilishim mening fojiam emas, baxtim bo'lib chiqdi. Nohaqliklar tufayli yiqilgan bo'lsam-da, meni bu mag'lubiyat yanada ko'proq, kuchliroq harakat qilishga, ko'proq kitob titishga majbur qildi. Endi tun-u kun, avvalgidan ham ko'proq

o'qishga tushdim. Keyingi yil grant sohibi bo'ldim. Ha, hayot fasllarning turfa ranglariga o'ralashib ketaverar ekan. Mana, o'tgan yili magistraturani ham tugatdim. Hamon tog'amning uyida yashayman. Avval ham shu uyda yashardim, faqat bu uy oldin buvimniki edi. Endi esa tog'amniki...

* * *

Shunday qilib, magistraturani tugatib, omadim kelib, nufuzli idoraga ishga o'tib ketmagunimcha mening ham bo'ydoq ekanligim hech kimning esiga kelgani yo'q. Xullas, katta idoraning kuchli shamoli esib, shahrimizdagi urfga bo'ysunadigan, biz faqirida eslaydiganlar chiqib qoldi. Boshdan bunday uchrashuvlar menga ma'qul ko'rinmasa-da, ulg'ayganim sayin xavotirga tushib qoladigan bo'ldi. Bora-bora o'sha mo'jizali uchrashuvlar umid bag'ishlay boshladi. Garchi, o'zim ham shunday uchrashuvlarning natijasida bino bo'lgan oilaning achchiqqina mevasi bo'lsam ham. Buning ustiga, men ham hozirgi yoshlar kabi tuyg'ular bobida jur'atsiz, hissiz edim.

Xullas, mening ham shirin tashvishlarim bilan andarmon bo'ladigan odam topildi. Bu tog'amning xotini edi. Uning o'g'li hali maktabda o'qir, shuning sabab kelinoyimga qiz

qidirish marosimi maroqli mashg'ulot bo'lish bilan birga, yaxshigina tajriba orttirishning yo'li ham edi. Ishim ko'p, faqat yakshanba kunning naq ikkinchi yarmini uchrashuvlarga sarflashim mumkinligini kelinoyim bilan kelishib oldik va boshlab yubordik!

Boshida o'ta hayajonli bo'lsa-da, tanishuvga chiqavergan sayin ko'z pishib, o'rganib ham qolar ekansan. Masalan, birinchi uchrashuvdan keyin qizni xushlamaganimni aytganimda, kelinoyim xandon otib kulib yubordi. "Bilgandim", – dedi. O'ylashimcha, bu maroqli vazifa birdan tugab qolishini kelinoyim aslo istamasdi. Hash-pash deguncha bir oyda to'rtta qiz bilan ko'rishishga ulgurgandim. Hammasi boy xonadonning qizlari deng, uchrashuvga baland uylardan chiqib kelishardi. Ha, aytgancha, u paytlar tog'amning ishi rivojlanib, ancha boyib qolgandi. Nomzodlar ham – savdogarlarning, tergovchi-sudyalarning, nufuzli banklarda ishlaydigan akalarning oyimqizlari edi. Qandolat do'konlari orqali ancha o'zlarini tiklab olgan kelinoyimning aytishicha, ishlaydigan joyimning nufuzi, tog'amning do'konlari va baland bo'ylarim bilan biz ham ularga teng kelarkanmiz. Har holda, kelinoyimning fikri ana shunday.

Uchrashuvlarda umuman uylanib bo'lmaydigani ham, yoki birdan «Urta, to'y» deb

yuboradigan qizlar uchramasdi. Ularning ko'pchiligi menga ma'qul kelar, kamina ham ularga yoqqanday bo'lardim. Hatto, ba'zilari bilan telefonlashib ham turardik. Lekin hamon men bo'ydoq, ular esa, boshqa yigit bilan uchrashuvga chiqib ketaverardi. Go'yo hammasi shunday bo'lishi kerakdek. Hatto bir qiz telefon qilib, o'zining baxtli kuni – nikoh oqshomiga taklif qilishga ham ulgurdi. Ko'ngliga yaqin olgan bo'lsa kerak-da! Ne qilaylik, taqdir!

Oylar o'tar, bir-biridan xuzurbaxsh va asabbuzar yakshanbalar ham qarib ketaverardi. Nihoyat, uchrashuvlardagi omadsizligim kelinoyimni ham bezor qildi. U juda toliqdi, shashti pasaydi. Bir kuni uchrashuvdan qaytganimda, bugungi natijani bilmay turib, navbatdagi qizning rasmini telefonidan ko'rsatdi. Menga qiz yoqmasligi kelinoyimning ongiga o'rnashib qolganday edi, go'yo.

Men uchrashuvlardan charchadim. Tezroq birortasiga uylansam-u, hammasidan qutulsam deb o'ylardim. Lekin o'sha birortasini tanlash men uchun mashaqqat edi. Hech kimni sevib ham qololmadim. Muhabbat ham go'yo shu uchrashuvlarda paydo bo'ladiganday edi. O'sha paytlar negadir yana ko'z oldimga supurindi axlatlar kelib, burnimning tagida qo'lansa hidlar anqiydigan bo'ldi.

Bir kuni kelinoyim shahar prokurorining qizi bilan uchrashuv belgilashga muyassar bo'ldi!

Men bu ko'rishuvga alohida tayyorgarlik ko'rdim. Har holda, hurmatli odamning qizi. Uchrashuvda prokuror qizining ma'yus ko'zlari menga yoqdi. Qiz badavlat qonun himoyachisi emas, ko'proq buyuk rassom bo'lishni orzu qilgan oddiy tasviriy san'at o'qituvchisining qizini eslatardi. Uni prokurorning o'gay qizi bo'lsa kerak degan xayolga ham bordim. Lekin nima bo'lganda ham, uning boshqalarga o'xshamaydigan ma'sum qiyofasi bor edi. Afsus, na qilayki bu qizga men ma'qul kel-mabman. Kelinoyimga u: «Jiyaningiz yaxshi yigitga o'xshaydi, ammo unga rahmim keldi», – degan emish. Qiz yo'lini poyladim, lekin unga duch kelmadim. Chamasi bir oylar o'tib, kelinoyim o'sha qizning Qashqadaryodan kelgan novvoy yigit bilan qayergadir qochib ketganini aytganda, ma'sumlik sababini tushunganday bo'ldim. Ochig'i, novvoy yigitga havasim kelib ketdi. Boylik va u yaratadigan cheksiz qulayliklarni irg'itib, noma'lum to-monga ketgan qizning tuyg'ulari haqida o'ylay boshladim.

Shunday qilib, kelinoyim ham zerikdi, u endi har zamonda xuddi bolasini bog'chaga

oborganday xotirjam holda meni uchra-
shuvlarga boshlardi. Endi o'zi natija bilan
qiziqmaydigan bo'lib qolgan edi. Nihoyat,
xotining sustligidan jahli chiqqan tog'am
menga o'zining farmasevt do'stining qizini
tavsiya qildi. Tog'am ketayotib, menga qattiq
tayinladi:

– Ey bola, nima bo'lganda ham qizga
yoqishga harakat qil!

Men har doimgiday yakshanbaning yarmini
ishxonada o'tkazib, uchrashuv belgilangan joy
– kinoteatr tomon shoshildim. Go'yo uylanish
uchun emas, tog'amning muhim bir yumushi-
ni bajarish uchun ketayotgan oqibatli jiyanga
o'xshardim. Ko'kda allaqachon qora bulutlar
jangi boshlangan, hademay yomg'ir tashlab
qolsa kerak deb turgandim. O'ylaganimday,
kinoteatr oldida qiz bilan ko'rishib, ikki qadam
yurmasimizdan yomg'ir tomchilay boshladi.
Keyin birdan kuchaydi. Chopib kinoteatrga
kirib oldik.

Farmatsevtning farzandi aqlli qizga o'x-
shardi. U juda muloyim gapirar, osmondan
tushayotgan har tomchidan qo'rqqanday, ko'z-
larini pirpiratardi. Men esa soyabonimni yoyar
ekanman, qo'llarimni ochib, kaftimga yomg'ir
tomchilari urilishidan zavq oldim. O'ynoqi
tomchilar kompyuter sichqonchasidan boshqa

narsadan begonalashgan qo'limni titratib, butun tanamni yayratib yuborardi.

Bu qiz ko'p gapirmas ekan. Men ham jim o'tiraverdim. Film esa, shovqin-suronga va soxta voqealarga to'la edi. "Na obrazli tasvir, na mantiq bor" deydi-ku, gazetalarda, bu film ham xuddi shunday edi.

Biz o'ta ma'nisiz va saviyasiz filmga chipta olgan ekanmiz. Ammo, ko'pchilik qiqir-qiqir kulishar, o'zlarini yayrayotgandek tutardilar. Axir kinoteatrga kirgan odam dam olishi kerak-da! Qiz ham menga qo'shilib, bo'zrayib o'tiraverdi. Lekin film o'rtalariga borib, u qiziqib ketdi, shekilli, menga qarab "qizig'-a" deganday, jilmayib qo'ydi. Men ham gapini tasdiqlab, tabassum qildim. Aslida, ketayotgan vaqtinga ichim achirdi. Buning ustiga, kinozalning namxush, zax havosi nafasimni bo'g'ar, shuning uchunmi nuqul yo'talardim! Bu ham yetmaganday, oldi qatorda o'tirgan "sevishganlar" tinmay o'pishishardi. Lablari toliqqanda esa, tillari osilguncha javrashardi.

Nihoyat, ekranda film ijodkorlarining nomi ko'rindi. Kimdir haqoratli so'z bilan ularni so'kdi. Yonimda farmatsevt bo'lmaganda, o'zim ham balki unga qo'shilgan bo'lardim. Men uchun kino o'n soat davom etganday bo'ldi. Essiz vaqt!

Tashqarida yomg'ir maydalab, bir maromda yog'ib turardi. Men qizdan kino haqida emas, farmatsevtika sohasiga oid savol berdim. U biram shirin, har bir so'zini asal bilan siylab gapirardi. Biron so'zi odob doirasidan chiqmasdi. Uchrashuvga yaxshi tayyorgarlik ko'rgani bilinib turar, zamonaviy kiyingan, pushti paltosi uning tiniq yuzini yanada chiroyli ko'rsatib turardi. Biz kinoteatrdan yuz metrlar naridagi kafega kirdik. Mevali shirinlik buyurtma qildik. U shirinlikdan "cho'qigan" bo'ldi-yu, lekin yemadi. Men hammasini yeb qo'ydim. Chunki ishdan charchab, ochiqib chiqqandim.

Uchrashuvlardan bezganim, buning ustiga tog'amning izzati uchun shu qizga uylanishim lozimligini hazm qilolmay qiynalardim. Ichim kino zalidagiday namxush, zax va qorong'i edi. O'zim ham o'sha filmdagiday bema'ni holatda edim. Shunda hech kutulmaganda qizga savol tashladim. Bu savolni qanday berganimni o'zim ham bilmayman. Har holda, gap topolmaganimdan og'zimdan chiqib ketgan bo'lsa kerak.

– Kitob o'qiysizmi?

– Nimaga bunaqa savol beryapsiz?

Men unga: "Yoshlikdan sizga o'xshagan odobli va oppoq yuzli qizlar ko'p kitob o'qisa

kerak deb o'ylardim", demoqchi bo'ldim-u, indamadim. Jim ko'zlariga qarab turaverdim.

– Kitob o'qishni yoqtirmayman. Badiiy kitobni esa umuman. O'zi...adam-la...

– Nima, siz kitob o'qish shart emas demoqchimisiz?

– Meniki aniq soha-ku?

– Aniq sohaga badiiy adabiyot qanday qudrat bag'ishlashini bilasizmi? Kashfiyotlarga, insoniyat tasavvur olamining kengayishida adabiyotning xizmati katta. Masalan...

– Menga bunday yutuqlar kerak emas. Men dorixona ochaman.

Bu gapni u shunday ohangda aytdiki, bundan faxrlanish tuyg'usi borligini angladim.

Uning yuzi birdan o'zgardi. Ko'zlari olayib, g'alati bo'lib ketganday tuyuldi. Men unga boshqa savol bermadim va soatingga qaradim. Soatingga qaradimmi, demak har doimgiday, qiz menga...

– Adabiyot nima uchun kerakligini bilasizmi?

– Yo'q.

– Sizga aytaymi?

– Bilsangiz ayting?

U menga shunday erinchoq nigoh tashladiki, bu "sening fikringni sariq chaqaga ham olmayman" degan ma'noni anglatardi.

– Tuyg'ular o'lmasligi uchun, ularning yashashi uchun, agar bo'lsa.

– Nima?

Men qizga javob berishdan oldin, ofitsiant yigitni chaqirib, hisob-kitob qog'ozini olib kelishni aytdim. U stolim chetidagi kichkina qurilmani ko'rsatdi. Men bu qurilmadan qancha to'lash kerakligini ko'rib, hisob kartamdan pul o'tkazdim va biz o'rnimizdan turdik.

Tashqarida hamon yomg'ir yog'ardi. Qizning bo'yi menikidan ancha kalta ko'rindi. Shuning uchun yomg'irpo'shni olmadim. G'alati ko'rinmasin debmi, bilmayman. Balki qiz menga umuman yoqmagani uchundir. Keyin ancha vaqt qilgan ishimdan afsuslanib yurdim! Qizni otasi yuborgan mashina kelib olib ketdi. Men esa, ko'chada ancha vaqt yomg'ir ostida ivib, xayol surib, piyoda sayr qilib yurdim. Farmatsevtning qizi uyga borib, oyisi bilan qanday suhbat qilishini tasavvur qilib ko'rdim. Taxminimcha, o'rtalarida shunday suhbat bo'lib o'tgan bo'lsa kerak:

– “Uning nimasi yoqmadi, qizim...”

– Bilmasam...g'alati...

– Axir, uning qayerda ishlashini bilasanmi? Tog'asi ham o'ziga to'q odamlardan ekan! Nima, kiyinishiga qarab baho beryapsanmi?

– Yo'q. Juda zamonaviy kiyingan... Paltosi

biram yarashgan ekan. Qoshlari qop-qora, bo'ylari uzun yigit ekan.

– Bo'lmasa nimasi yoqmadi, oppog'im?

– Men bilan u adabiyot haqida gaplashdi.

– She'r o'qidimi?

– Yo'q, tuyg'ular, baxt haqida, kitob o'qish haqida gap boshladi... Xullas, qo'ying, menga to'g'ri kelmaydi. Qandaydir zerikarli ko'rindi...

– Yaxshi qilibsən, senga ishbilarmon, topaman-tutaman deydigan bola kerak... Mana bu rasmga qara-chi, sen uchrashuvdaligingda kelinoying tashlab ketdi. O'zi uchrashuvga olib chiqar ekan.

– Qayerda ishlar ekan...

– Adasi..."

Farmatsevt qizning uyida shunday gaplar bo'lib o'tganligi tabiiy. Biznikida esa, hech qanday gap bo'lmadi. Tog'am bir-ikki kun og'zimga qarab yurdi-yu, keyin esidan chiqib ketdi.

* * *

Shu kunlarning birida samarqandlik kurs-doshim telefon qilib qoldi.

– Men bilan uchrashuvga birga chiqmasang bo'lmaydi, jo'ra. Toshkentda sendan boshqa tengqur birodarim yo'q. Qiz esa dugonasi bilan chiqarmish, kelmasang qattiq xafa bo'laman.

– Mayli, qachon uchrashuving?
– Dushanba kuni, soat 14:00 da!
– Esing joyidami, dushanba kuni sira ilojim yo'q. Bu paytda bizlarda yig'ilish bo'ladi-ku!
– Yig'ilish har dushanba bo'ladi, lekin menday do'sting qaytib kelmaydi... O'zi sizlar shunaqasizlar... katta lavozimga o'tirib olib, bizlarni, oddiy xalqni unutibsizlar.

– To'xta! Valdirama, boraman!

– Qoyil, kechikmay bor, do'stim!

Lekin men baribir yigirma daqiqa kechikib bordim. Ular allaqachon kinoteatrga kirib ketishgan ekan. O'rtog'imga telefon qildim. U meni "yaxshi gaplar" bilan "siyladi". Men esa, "chiqqunlaringcha yaxshi joy hozirlab turaman" deb zo'rg'a ko'ndirib, telefonni o'chirdim. Shu yaqinda durust restoran borligini bilardim. Shu yerga borib, joy buyurtirib qo'ydim va ularni kuta boshladim. Ko'zim beixtiyor stol ustidagi guruchdekkina ovqat yuqiga tushdi-yu, uni artib tashlash davomida yana dilgir xayollarga berildim.

Onam hozir yettita bolasi bilan ovora bo'lsa kerak... Dadam buvim bilan jannat bog'larida yurgandir... Lekin men hamon yolg'izman, hech qachon oilam bo'lmagan, balki hech qachon ko'nglimga yoqadigan qiz ham uchramas...

Telefonim jiringlab qoldi. Ish bo'yicha ekan.

Elektron pochtaga kirib, ayrim vazifalarni bajarishga ulgurishim mumkin ekan. Ishga sho'ng'ib ketdim. Xayolim shu ish bilan bo'lib, o'rtog'im, qaylig'i, uning dugonasi kelganini ham sezmay qolibman. Shuning uchun bir stol atrofida o'tirgandagina qizlarga nazar solishga imkon bo'ldi. Ko'zim bilan qaysi qiz bo'lajak kelin deya, kursdoshimga imlagandim, u oq jemfirdagi, ko'zlari katta, nigohi o'tkir, dadilgina qizni ko'rsatdi. Yaxshi, deb qo'ya qoldim.

Nomzod qiz deyarli gapirmasdi, bir jilmayar, bir qovog'ini osib olardi. Dugonasi esa uning o'rniga ham tinmay so'zlardi. Men esa tezroq ishga borishni o'ylab o'tirardim. Kafe devorlariga osilgan televizorlarda uyatsiz sho'x kliplar namoyish etila boshladi. Biz noqulay ahvolga tushib, ko'zimizni televizordan olib qochdik. Hatto nomzod qizning oq-sariqdan kelgan yuzi sezilar-sezilmas qizarib qo'ydi. Dugonasining zig'irchayam iymanmagani uning qoracha yuzidan bilinib turardi. Shunda do'stim mening qulog'imga asta shivirlab, qizning o'ziga umuman yoqmaganini aytdi. Unga qayeri yoqmaganini aniqlamoqchiday qizga tikildim, ammo sababi keyin qizning gapidan ma'lum bo'ldi.

– Siz maktabda ikkichi bo'lgansiz. O'zingizni aqlli ko'rsatmang! Bu bilan nimaga

erishmoqchisiz! Menga yoqmoqchimisiz, xom-tama bo'lasiz!

– Nima?

– Eshitganiz?

– O'ylab gapirsang-chi?

– Yoqmasa katta ko'cha...

Qiz cho'rtkesar ekan. Odatda, uchrashuvlarda bunday qizlar o'zini sipolik niqobiga o'rardi. Bu esa g'irt betgachopar, qaysar ekan. Gapirayotib oxirgi so'zini yutib yuborardi. Keyin, o'ng'aysizlikka tushganidan, yuzlari qizarib ketardi. Sal o'tmay esa, yana dadillashdi. Bildimki, bu qiz birinchi marta uchrashuvga chiqqan va yigit zotining o'ziga shunchalik yaqin kelishidan ham g'azablanmoqda edi. U o'zining bo'yi yetganini haliyam bilib ulgurmagan qizlarni eslatadi. Men beixtiyor o'zimga yoqmaydigan ishga qo'l urdim. Ya'ni, ularning suhbatiga aralashdim:

– Uni hurmat qilsangiz bo'lardi.

– Nimaga?

– Har holda, bitta joydansizlar?

– Nima qilay? Bitta joydan kelganlar ko'pchilik o'qiymiz? Nima, hammasi bilan apoq-chapoq bo'laymi? Unda meni kim deb o'ylashadi?

Tilimni tishladim. U ko'zlarimga qaramay, aniq-tiniq gapirardi. Keyin o'ng'aysizlik tug'il-

ganidan dugonasiga hijolat bo'lib qaradi. Shundan ham bildimki, u dugonasi bilan ham qalin emas, bo'lmasa, gapi uchun xijolat chekib, unga bunday boqmasdi.

– Siz shunaqa qo'polmisiz, yo o'zingizni shunday tutasizmi?

– U o'zi shunaqa, shartta ichidagini aytadi. Boshqacha bo'lishni eplolmaydi. – Boyadan beri mendan ko'zini uzmay o'tirgan dugonasi chaqqonlik bilan javob berdi.

Biroz dadillanib, qizga yana savol tashlashga jur'at etdim. Quloq-dumi kesilgan laychaday shumshayib qolgan o'rtog'im esa, tezroq ketaylik deb imlardi.

– Kitob o'qib turasizlarmi?

– Ha, bu o'qiydi. Ko'chaga ham chiqmay, kun bo'yi ko'rinish ham bermay, kitob o'qigan kunlari bo'ladi...

– Ey...bo'ldi qiling, shart emas...– dedi qiz uyalib.

– To'g'rida...kitob jinnisisiz! Masalan, men kitob o'qimayman. O'qib turaman. Lekin ko'p emas. Uyqu bosadi. Undan ko'ra, bog'larda aylanib yurgim keladi. Sayohatlarga chiqqim, dunyo kezigim keladi. Keyin...

– Nega kitob o'qiysiz? – to'satdan berilgan savoldan qaysar qiz cho'chib tushdi. Dugonasi esa og'zini yopdi.

– Siz nega menga savol beryapsiz?

Undan bu gapni kutmagandim. Soʻzlaridan “doʻstingizning uchrashuvga chiqqan qiziman-ku” degan maʼnoni uqqandim. U hatto vaqtinchalik uchrashuv paytida ham, oʻziga yoqmagan yigit boʻlsa ham, unga nisbatan sadoqatda, hurmatda boʻlishini anglab, titrab ketdim. Keyin biror soʻz demadim.

Qizlar “ketamiz” ga tushib qolishdi. Doʻstim ham oʻz egasi qoʻygan qopqonga tushib, ming azobda qutulib chiqqan itday mamnun tashqariga intildi.

Qizlarni kuzatib, ular ketgan mashina orqasidan qarab turarkanmiz, kursdoshim dardini ochib qoldi.

– Bu qizga uylangan odam oʻladi. Men hali yashamoqchiman. Shaharga kelib oʻzgarib qolibdi. Men, ahmoq, Samarqanddan kelibman-a... Onam-da, yaxshi qiz deb...

– U birinchi marta uchrashuvga chiqqan, hayajonda...

– Qoʻysang-chi, qiz bola ham shunaqa boʻladimi? Dugonasini qara....shuni ilintirsam boʻlarkan... Aqlli, muloyim, menga oʻxshab romantikani, gullarni, bogʻlarni yaxshi koʻrar ekan...

– Doʻstim, dugonasiga oʻxshagan qizlar, shaharda millionta... Ja boʻlmasa, har yakshan-

ba kuni uchrashuvga chiqsang ko'rasan. Ko'ri-
nishdan odobli, aqlli, iltifotli... Lekin bunaqa
qaysar qizni topib bo'psan! Unga uylan!

– Nima menga dushmanmisan?! O'lgim
kelgani yo'q! Hech qachon unga uylanmayman!

– Do'stim, bu qaysar qizning katta yuragi
bor! Tikilib qarasang-chi? Aynigan, bijg'igan
yurak emas... Ustidan axlatlar tashlangan,
tuflangan, xo'rlangan, keyin tozalangan yurak
emas. Tiniq va haqiqiy tuyg'ular uchun gupillab
urib turgan yurak. Agar kir bo'lganida edi, uni
ko'rsatmay, shirin so'zlar bilan ustini yopgan,
bezagan bo'lardi...

– Nimalar deyapsan? Men ahmoq emasman
bu yalmog'iz bilan yashaydigan... Menga shirin
so'zlar kerak, mayli, soxta bo'lsa ham...

– Ey, tushunsang-chi, shirin so'zlari-yu,
nozlarining barchasini turmush o'rtog'iga
asrab qo'yibdi. Uchrashuvga chiqqan har
qanday yigitga ko'nglini ochaversa, mehrini
beraversa, yolg'on kulaversa, g'irt munofiq
bo'lib qoladi-ku! Eriga nima qoladi unda?!
Agar hammaga jilmayaversa, bir kun kelib chin
dildan kulolmaydi odam.

– Menga tabassum kerak!

– Uning ko'zlarini ko'rdingmi?

– Mushukning ko'zi!

– Yashirin bir ummon bor ko'zlarida!

– Ey!

– Uni muhabbat bilan tiz cho'ktirsang, umrbod yuzingga tik qaramaydi. Qat'iyatli qizlar shunaqa bo'ladi. Mehri tugamaydi, mehri, sadoqati butun umringga yetadi. Nima qilasan soxta kulib turgan lo'ppi yuzlarni, qalbidan axlatning hidi keladi. Chunki ularning yuraklarida o'lgan tuyg'ular bijg'ib yotadi.

– Men unga baribir uylanmayman! UZR, oshna, vaqtingni oldim.

– Rostdan uylanmaysanmi?

– Rost! Hech qachon.

– Unda... Men uylanaman unga. Va'da beraman senga, yozda shu qiz bilan to'yim bo'ladi.

Ketayotib niyatim ro'yobga chiqishini so'rab, Xudoga yolvordim. Yanvar quyoshi-ning kuchsiz bo'lsa-da, sochayotgan nurlari mening ko'z yoshlarimda tovlanardi. Osmonga boqdim. Tiniq! Quyoshni birinchi marta ko'rayotgandek tikildim – Yorug'! Juda yorug' edi bu yanvar quyoshi! Atrof go'zal edi, ranglar betakror! Yuragim hali biron marta unib chiqmagan tuyg'ulardan yorilib ketay derdi. Ona mehri, ota qo'llari, aka va singillar tafti ila paydo bo'ladigan va o'sadigan muhabbat, ishonch, umid, sog'inch tuyg'ulari qalbimda yigirma yetti yillik uyqudan so'ng nish ura

boshlagandi. To'g'ri, ancha kech, lekin men hozir bu tuyg'ularni erta o'stirib, erta o'ldirib qo'yganlardan ko'ra, ming chandon baxtliroq edim.

* * *

Shundan so'ng qaysar qiz boshimga qanday sinovlar solganini tasavvur ham qilolmaysiz! Bir og'iz gaplashish uchun minglab sinovlarni boshdan kechirganman. Matonatli, o'limga tik boqqan jangchilardek metin iroda bilan yuragimda uyg'ongan jajji nihollar hayoti, tuyg'ular omonligi uchun kurashardim.

Nihoyat, men kutgan bahorning shirin, jo'shqin kunlari keldi. Gullarga ko'milgan sho'x shamollar zaminni titratib, hayot mo'jizasini tuhfa etdi. Shamol qizning uzun sochlarini uchirib, ko'zlarini bir dam to'sib qo'yganda, uning haroratli lablari himoyasiz qoldi. Bu olov lablarga lab bosib, uni qattiq bag'rimga bosganimda, shamollar ham qayergadir g'oyib bo'ldi. Faqat bu olam tinchini ikki yurakning gupillab urishi buzib turardi...

OZODLIK

I

– Tog'a...

– Axir, aytdim-ku, senga!

– Tog'a, iltimos!

– Ey...

– Tog'a... Yordam bering, tog'a, bolalarim haqqi...

Ayol ortiq gapirolmadi. Oppoq yuzlaridan dona-dona yosh tomchilari dumalab tushardi. Bu yoshlar ko'zlaridanmas, lablaridan quyulib kelayotganidan, kafti bilan og'zini yopib oldi. Qishloq idorasining pastqam derazasidan yong'oqning shapaloqday yam-yashil barglari ko'rinib turar, barglar orasida esa, quyoshning parchalangan nurlari aks etardi. Tog'a asabiy titrar, nuqul bo'yinbog'ini pastga tortib, xo'rsinardi. Jiyaniga rahmi kelar, lekin qo'lidan tayinli ish kelmasligidan o'kinardi. Tog'a biroz jim turgach, dadil gapirdi:

– Jiyan, nima bo'lsa bo'lar, yozamiz! Viloyatdagi eng kattaga, obkom sekretariga...

Jiyan ko'z yoshlarini artib, sergaklandi. Serkiprik ko'zlari katta-katta ochilib, biroz oldinga chiqqan iyaklari titrab ketdi.

– Men yozishni bilmayman-da...

– Maktabni tugatgansan-ku, jiyan... Nahotki?!

– Yo'q... Yozishni bilaman... Ariza yozishning tartib-qoidasini bilmayman, demoqchidim...

– O'zim o'rgataman... Eringni sen yaxshi bilasan... Keyin... ayol kishining yozganlariga kattalar boshqacha qaraydi deb eshitganman. Shunday yozilmagan qonunlar bor-da, jiyan... Lekin ta'sirli, ishonarli qilib yoz... Faqat har xil uzunquloq gaplarni aralashtirmay yozishing kerak. Sening xatingdan keyin, aytib bo'ladimi, kimlargadir balo kelib, rais-paisnimi panjaraning ortiga tiqib qo'ymasin. Hech kimni aybdor, tuhmatchi deb yozma... Aks holda, ularning aybini tan oldirishingga to'g'ri keladi. Senga o'xshab birovning xotini chirqillab qolmasin, jiyan...

– Xudo saqlasin, bunday kunni dushmaningam ham ravo ko'rmayman, tog'a. Kuyovingiz qamoqdan chiqsa bo'ldi... Kichkinam sog'inganidan ichikib qoldi...

– Ana shuni yoz, to'rtta bolam bilan azobdamiz, rahm qiling, erim aslida partiyani sevadigan, uning sodiq vakili de. Shundaymidi, axir?

– Ha... men tushunmayman... uyda faxriy yorliqlari bor...

– Xullas, jiyan, mana qog'oz, mana qalam! Yoz, hozir nimalarga e'tibor berishingni aytib turaman, uyingga borib yozasan.

Juvon eskirib, sarg'ayib ketgan stullardan biriga uni g'ichirlatishdan qo'rqqandek, ohista o'tirdi.

– Yoz, ma'lumoti... qachon, qayerda o'qigan... faolligini... xullas, bilasan-ku! Yozdingmi?

Kaltadan kelgan, qorindor tog'a, oddiy kolxozchi jiyanining yozganlarini tushunsa bo'ladimi deb, qornini stolga tirab, bo'ynini cho'zib qaradi-yu, iljayib qo'ydi. Ming qilsa ham o'zining jiyanida, husnixati ham a'lo ekan...

– Hm... undan so'ng, ish joyi, yozdingmi? Keyin aybi... yana, ha, oldin xulqini ham yoz.

– Aybi yo'q bo'lsa-chi?

– Qanday gumon bilan qamalganini yozasan-da, qiziqsan-ay, jiyan! Keyin, bolalaring va usiz qiynalayotganing... Nima istasang, qalbingdagini to'kib sol jiyan. Kesib-qisqartirib tashlash oson... Senga ularning rahmi kelishi kerak. Senga, yosh joningga va bolalaringga rahmi kelib yordam berar... Bekorga umri zavol bo'lyapti bolaning, o'tkir yigit edi deb... Rayonga o'tdi-yu... Ha, esingdan chiqmasin... Bugun kechasi bilan yoz... Erta tong otishi bilan menga olib kel... Tumanga hisobot topshirgani

borganimda imi-jimida pochta qutisiga tashlab kelaman.

– Tog’a, rahmat! Xudo qo’llasin!

– Opam yaxshimi?

– Hm, enamning oldiga ham chiqolmayapman, o’zi keladi...

– Nimaga?

– Bolalar bor... Bundan keyin erimning yo’qligi uchun uydan chiqish...

– Tushunarli, yaxshi qilasan! Ha, mana buni olib qo’y, jiyan... yangang boqqan qo’chqorni so’ygandik... Senga ilindik.

– Yo’q... yo’q...

– Bolalaringga...

– Bolalarim go’shtga ishqibozmas...

– Ol dedim, senga!

– Tog’a...

– Hammasi yaxshi bo’ladi... Mana ko’rasan, yaxshi bo’ladi...

Juvon ikki kilocha go’sht solingan tovoqni titroq qo’llari bilan olib, yana quyilib kelayotgan ko’z yoshlarini artdi. Ayolga go’sht juda og’irday tuyulib ketdi. O’ranib olgan ro’moli bilan yuzini yopgan bo’ldi. Negadir, ko’z yoshlari tinay demasdi. Juvon chiqib ketayotganida, tog’a uni to’xtatdi.

– Ha, jiyan... Tartib bilan yoz... Ma’lumoti... Ishlagan joylari... Qamoqqa olinishining sababi

o'zing bilganingcha, odobi, oilaparvarligi, farzandlaringning azoblanishi... O'ylama, jiyan... Ering chiqib keladi. Ha, to'xta... sho'rva qilib ichinglar, go'sht senga ham quvvat bo'ladi. Qurib ketibsan...

– Erim qaytsa bo'ldi, men hammasiga chidayman...

– Qaytadi... jiyan, qaytadi...

II

“Xo'jaynim, Jontemirov Egamberdi o'zimizning «Komsomol» qishloq maktabini tugatgan. Oltin medal bilan. Medal hozir uyimizda turibdi, ishonmasangizlar olib borib ko'rsatishim mumkin. O'sha yili men yettinchi sinfda o'qirdim. Hamma o'quvchilar oltin medal olgan Egamberdi akaga havas bilan qaragan, shular qatorida men ham bor edim. Negadir o'sha paytda Egamberdi akaning mendan bir sinf keyin o'qiydigan singlisiga havasim kelgan. Shunday akasi borligi uchun.

Hamma Egamberdi akamni Toshkentga ketadi, xohlagan o'qishiga kiradi, deb o'ylardi. Lekin dadasi... (“dadasi” o'chirilib, “Jontemirov Egamberdi” deb yozdi) Toshkentga emas, o'zimizning Qarshidagi qishloq xo'jaligi institutining mexanika fakultetiga kirdi. U boshqalarday katta shaharga intilsa bo'lardi.

Lekin dadasi (yana shu soʻzni oʻchirib, oʻrniga erining ism-familiyasi yozilgan) yolgʻiz onasini tashlab ketishni istamaydi. Uni har qanday orzularidan baland tutardi. Sizga qaynonam haqida ham yozsam. U juda oqila ayol edi va menga hatto biror marta qattiq gapirmagan... U bolasiga faqat va faqat mehr, halol luqma berib katta qilgan, haqiqiy paxtakor ayol edi. Medali ham bor, oʻzlari toʻrt yil burun qazo qilgandilar, pilla mahalida edi... Medali uyimizdagi sandiqda.

Jontemirov Egamberdi, yaʼni erim, qishloqqa oliy maʼlumotli injener boʻlib qaytadi. Qaynonam xursandligidan bitta katta qoʻy soʻygan. Oʻgʻlining baholarini, qizil diplomini hammaga koʻrsatgan. U odamlar haliyam tirik, isbot uchun soʻzlashlari mumkin... Erim mard, haqgoʻy, aqlli odam. Avvallari erimdagi aql hamma institutda oʻqiganlarda boʻlsa kerak deb yurardim. Lekin unday emas ekan. Qishloqda koʻplab institutni tugatib ishlayotganlar u kishidek emas. Maktabda beshinchi sinfda oʻqiydigan oʻgʻlimning aytishicha, Ali muallim ismini ham xato yozarmish, boʻlmasa institutni tugatgan. Lekin Egamberdi akam halol oʻqib, maʼlumot olgan. Uning erishgan yutuqlari faqat va faqat oʻzining zehni, mehnati evaziga ekanligini bilaman... Siz ham bunga

ishonishingizni o'tinib so'rayman. Unda tug'ma qobiliyat bor. Shunday insonning ma'lumoti soxta bo'lishi mumkinmi?! Uni nega ushlab turibsizlar? Uning diplomida hech qanday qora dog' yo'q! Yuragiday toza! Iltimos, bolalarim azobda! U kishini ozod eting!.."

* * *

– Ma'lumoting?

– ...

– Ma'lumotingni so'rayapman?

– ...

– Senga aytyapman? O'v, ho'kiz!

Tergovchi mahbus qoshida qaqqayib turgan qorovulga g'ijinib qaradi.

– Nima qildinglar buni, g'ajib-ezib tashladinglarmi? Ustiga suv sep, qara, qirg'oqda qolgan baliqday og'zini katta ochishini...

Qorovul chelakdagi suvni erinib ko'tarida, mahbusning yuziga chunonam ishtiyoq bilan sepdi. Sepilgan suv zarbidan mahbus ag'nab ketdi. Suv tergovchining yuziga ham sachrab, oppoq ko'ylagini nam qildi. Uning ko'zidan o't chiqib, qorovulga baqirmoqchi bo'ldi-yu, indamadi... Sigaret tutatdi... Mahbus esa qaltirab, g'ujanak bo'lib, ho'l betonda yotardi. Qamoqxona qorovuli uni o'tirg'azib qo'ydi.

- Ma'lumoting? Gapir, Gapir!
– Injener...
– Qachon tugatgansan...
– Qulog'im eshitmayapti... g'ing'illagan ovozdanda boshqa narsa eshitmayapti...
– Nima, meni aldamoqchimisan? Bütün SSSRni aldab kelganlaring yetmaydimi? Paxtani talon-taroj qilganlaring yetmaydimi? Gapir, gapir... Yo'q, bu umuman tergovga yaramay qolibdi-ku!
– ...
– Mastday mudraysan, mudraysan... Mana, senga, mana...

Tergovchi mahbusni urishdan birdan to'xtab qoldi. Qo'llariga achindi. Rangi bo'zargan, quruq suyak, bunchalar isqirt... Axir, hamma mahbusgayam o'zini shunaqa koyitaversa, hademay, ahvoliga maymunlar yig'laydi, umri erta tugaydi. Hali bu qo'llar orqali qanaqangi nahanglarni zirillatishi kerak... Lekin yuzi juda qattiq ekan. Qo'llari zirqirab qoldi...

III

"...Qishlog'imizda yaxshigina ishlab yuruvdi. Men anig'ini bilmayman, nimadir bo'ldiyu, shaharga ishga o'tib ketdilar. Bir kuni juda xursand bo'lib keldi. Rayon bo'yicha katta bo'libdilar. Qaysi ish, qanday lavozim – men

bularni yaxshi tushunmayman. Lekin ishni oddiy yumushdan boshlaganlar. Fermada texnik, keyin bosh texnik, keyin qishloq bo'yicha bosh injener, keyin tumanga katta... Uyga ortiqcha bitta temir olib kelganligini bilmayman. Hech kimdan hech qanday pora olmaganlar. Men bunga kafilman. Umrim bilan, bolalarim haqqi qasam ichaman. Ular haromdan hazar qiladi. Buning sababi ham bor, rahmatli qaynonamga va'da bergan ekan. Qaynonam o'g'lini bir kun oldiga olib: "Harom yeb yashama... harom yashama... Birovdan yoki davlatdan so'ramay, bitta mix olsang, sendan u dunyo-bu dunyo rozi bo'lmayman", - degan. Otasi ahdida turadigan bir so'zli odam. To'g'ri, qaysar, o'zining gapini o'tkazadigan. Lekin bu qat'iyatni erkak kishiga xos deb bilaman. U kishi birovni nohaq urishmasdilar. Menga tanbeh berganida ham o'zim aybdor, o'zim ahmoqlik, jahli chiqishiga arziydigan befahmlik qilgan bo'lardim. Ammo aybni doim o'zimdanda qidirganim uchun hech qachon gap qaytarmaganman. Shuning uchun uyimizda doim erimning gapi bilan suhbatimiz tugardi. Men birdan kechirim so'rardim. U kishi birdan kechirar, odamgarchilik qilardi. Meni doim hurmat qilgan. Sizga munosib emasman, omiman desam, meni urishardi. Unday dema, derdi. Men esa u kishini shu gapim bilan ko'p

xafa qilardim. Nima qilay, o'qimaganmandada! Lekin Egamberdi akam kasbiga xiyonat qiladigan odam emasdi. Ishonmasangiz qo'lida ishlaganlardan so'rang... Hammasi uni biladi... Shermat aka, Tursun aka, Boltaboy buva... Faqat O'ktam mudirdan so'ramanglar... Bir mahallar otasi uning aybini bilib qolib, rosa savalagan ekan. Shundan beri bizni ko'ra olmaydi. Bir gap chiqarib, tuhmatga qolishdan qo'rqaman.

Rayonga katta bo'lganlaridan keyin uyga kech qaytadigan bo'lib qoldi. Kelganda ham doim holsiz, suvi so'rib olingan uzumday bo'shashib... birdan uxlab qolardi. Suyuq ovqatni yaxshi ko'rardilar. Shuni biroz totganday bo'lib, uyquga ketardi. U kishi ko'p kishilarga yordam berdi. Qishloqning oddiy odamlariga, bechoralarga qarashdi. Ular hozir ham bolalarimning otasini duo qilayotgan bo'lsa kerak. Bemalol so'rab-surishtiring, ular guvohlikka o'tishadi. Farzandlarim haqqi qasam ichaman, erimning ishi toza! Yuqorining qonunlari adolatli deb aytishadi-ku! Uning gunohi yo'q. Uni ozod qiling! O'tinib-o'tinib so'rayman sizdan!..”

IV

– Ish joyingni rasvo qilding, pora olib shishding! Qo'shib yozishing orqali topgan

pullaring qayerdan kelayotganini, sen Ittifoqqa qanchalik zarar keltirganingni bilasanmi? Sendaylarni qora qurt desa ham bo'ladi, sassiq qurt desa ham bo'ladi...

Tergovchi negadir bugun haddan tashqari asabiy edi, ustiga ustak mahbusning mudrab o'tirgani uning battar g'ashiga tegyapti. O'zi bu oqshom tergov qilish niyati yo'q edi... Hammasini o'sha oyimcha rasvo qildi. Bugun uni yotog'ida qabul qilmadi.

– Manjalaqi...

Tergovchi ma'shuqasini eslab so'kindi, uning silliq yuzlari bilinar-bilinmas titradi. Asabiga tegib, yonidagi davangir qorovul ham mudray boshladi.

– Hoy, – tergovchi stolga sharaqlatib urdi. Qorovul oyog'i tagida ilon ko'rganday tepaga otilib sakradi.

– Eshitaman, o'rtoq kapitan?

– Mudrama! Yetar manavi ho'kizning mudragani...

Shunda mahbus nimalardir deb gapira boshladi. Kapitan hech nima tushunmadi. Turma qorovuliga quloq tut deganday imladi.

– U nima dedi?

– Ona, deganday bo'ldi, o'rtoq kapitan...

– E, onasini!..

Kapitanning yodiga ham to'satdan o'z onasi keldi. Onasining ko'm-ko'k ko'zlari

mehrdan porlab turardi. U, ayniqsa, umri-ning oxirlarida o'g'liga juda mehribon bo'lib qolgandi. Sergap, yig'loqi kampiri: "Seryoja, asalli non ye, Seryoja, malinali murabbodan tatib ko'r, o'zim sening kelishingga ataylab pishirganman", – deya javragani javragan edi... O'sha paytlarda shuhratdan boshqa narsani o'ylamaydigan yosh tergovchi uchun bularning bari bachkanalikday tuyulardi. Lekin tan olish kerakki, onasidan keyin hech kimdan bunday mehr-muhabbat ko'rmadi! Xotini Galya unga mehr berdimi? Bitta farzand tug'ib berdi-yu, cho'chqaday semirib, darg'azab, sergap bo'lib ketdi. Bu yerdan topgan ma'shuqasi uni bugun xonasiga kiritmadi.

– Ona, charchab ketdingiz, ketdik...

Mahbus alahsinar, xayolida onasi bilan suhbat qurardi. U terakzor ichida uloqchalarini boqib yurgan emish. Bahor fasli, tuproqning shirin hidi olamni tutgan, turli maysalar barq urgan... yerda chuchmoma, qoqigul, otquloq, yalpiz.... Ularning ko'pini bola uzib yeb ko'radi. Onasi shunda tepadan ogohlantiradi: «Bolam, yerda o'sgan hamma o'tni yeb bo'lmaydi...». Bola jajji qo'llarini peshonasiga qo'yganча terakzor ichida onasiga qaraydi, shuncha olisda turib nima uzib yeganini onasi qayerdan bilibdi ekan...

«Harom yema»... Ona uzoqdan gapirayotgani uchun uning ovozi aks-sado berib, butun olamga sochilmoqda edi. «Harom yema! Harom yema, harom yegan odam gadoydir... Pora olgan odamning, ko'chada qo'l ochib turgan tilanchidan farqi yo'q. Ikki dunyoying kuyib ketadi, polvonim...»

Bola, terakzor ichida onasi tomon chopib ketadi. Bolaning orqasidan quyosh bobo teraklardan sakrab o'tib ergashadi. Mayin shabada esa, bola peshonasida zo'rg'a jon saqlagancha, unga shirin tabassum baxsh etib ketaveradi.

– Ona...

– Senga onang tarbiya berganmi yo pora bilan odam bo'lasan deb katta qilganmi? Ey, lo'ttiboz... qishloq texnikalarini ataylab ishdan chiqarib sotganing esingdan chiqmagandir? Eng katta aybing – raykomga pora berib, rayonga bosh injener, keyin obkomga pora berib rayonga bosh bo'lib olgansan... Sanlar shunchalik haromsanlarki... toza narsaning farqiga bormay qolgansan!

Tergovchi yana urishdan to'xtab, sigaret tutatdi. Qorovul unga tamshanib qarab turganini ko'rib, unga ham tutdi. Shuni kutib turganday qorovul birdan qo'l uzatib sigaretni oldi-da, lablarini oldinga cho'zib, burqsitib

cheka boshladi. "Bularga tekin narsa bo'lsa toshni ham yutadi" deb o'yladi tergovchi. Tashqarida hech nima ko'rinmas, har zamon-har zamonda panjaralarning sharaqlab ochilgan ovozi, tashqarida yurgan nozirlarning g'ong'ir-g'ong'iri eshilib qoladi.

Mahbus esa, xayolan onasi tomon chopib borardi...

– Ona...

– Bolam.

Negadir o'zining ovozi bo'g'iq eshitar, lekin onasining har bir so'zi jaranglab ketib, qulog'ida bir musiqaday, qadim soz kuylariday yangrardi...

– Ona, sizni ko'rmayapman...

– Men oldingdaman...

– Ko'zlaring qizarib, kirtayib qolibdi...

– Ancha kundan beri uxlamaganman-da, ona...

– Yig'lama, bolam, hozir alla aytaman, uxlab qolasan...

– Baribir uxlatishmaydi... Undan ko'ra sizni bir ko'ray, ona... Bir marta ko'ray...

– Kasb mas'uliyati deganda biror narsani tushunasanlarmi o'zi? Yo hammasi senlarga tez va oson bo'lishi kerakmi? Poraga pulni qayerdan olding? Otangdan tilla qolganmi? Senda oltin nima qilsin? Hamma oltin buxoroliklarda-

ku! Meniyam, o'sha yoqqa jo'natishganda o'zim bilardim. Senlarda qurug'i ko'p-a? Ha, aytishlaricha, rayonga o'tib, xulqing buzilib ketibdi. Ko'plarni so'kibsan, urishibsan... Nima, senga davlatning ishi otxonami, it? Basharasiga tep, basharasiga, uxlab qolyapti....

V

"...Turmush o'rtog'im mard, bir so'zli, qat'iyatli odam. Uning ko'cha-ko'yda daydib, ichib yurganini hech kim ko'rmagan. U biror marta ham menga qo'l ko'tarmagan. To'g'risi, mening dadam qattiqqo'l. Onam dadamdan juda qo'rqadi, hozirgacha... Men "turmush o'rtog'im jahldor bo'lmasin" deb niyat qilardim. Xudoga shukur! Biror kun bo'sh bo'lib qolsalar, hovlida ishlaydilar. Daraxtlar tagini yumshatib, ularni yashnatib qo'yadilar... Qo'shnimiz Shermat aka xotinini haydagandan keyin bir ayolga ilakishib qolganda, Egamberdi akam unga bir gap aytganini beixtiyor eshitib qolganman. Shuni sizga yozishimdan maqsad xulqli inson ekaniga sizni ishontirish! "Aka, men sizga maslahat berishga yoshlik qilaman, – degandi o'shanda, lekin ertaroq yangamni yalanib-yolvorib bo'lsa ham olib keling! Umr sizga qayta berilmaydi, uni o'tkinchi narsalarga almashmang! Undan ko'ra, bolalaringizni

o'qitishni, qizlaringizni chiqarishni o'ylang! Keyin kech bo'lmasin, aka! Haqiqiy o'zbek yigiti, birinchi navbatda, oilani eplashi kerak, oilani... keyin boshqasi bo'ladi..."

Onam menga: "Eringni hech qachon birovga taqqoslama, qanday bo'lsa shunday muhabbat qo'y", deb o'rgatgan. Lekin men Egamberdi akamni o'shanda birovlariga taqqoslab sevingim, yashnagim kelib ketgan..."

Otasi hech qachon birovga hasad bilan qaramagan. O'ktam mudirni Anor opani aldagani uchun, Qulmatni onasini yo'qlamagani uchun, yolg'on gapirgani uchun, Jumani xotinini o'lasi qilib kaltaklagani uchun urishgan, so'kkan! Ular hozir jabrlanuvchilarning esidan ham chiqib ketgan. Ayblari borligini o'zlari ham tan olsa kerak. Bolalarim haqqi qasam ichaman... erim shu tufayli qamoqqa tushgan bo'lsa, kechiringlar! To'rtta yosh bolaning dirdirab turgan gavdasini ko'z oldingizga keltiring! Sizning ham bolalaringiz bor-ku! Yalinaman!..."

VI

– Bolalaring nechta?

Kapitan mahbusning savolga javob berishga holi yo'qligini bilib turar, lekin o'zini bosolmasdi. Mahbusning burnidan qon oq-

moqda... Soat tinmay chiqillar, oppoq telefon mukka tushgan, jim edi. Deraza orti esa, hamon qorong'i... Qorovul mudrab o'tirardi. Savoli javobsiz qolayotganidan g'azablangan kapitan shu savolni qorovuliga berdi.

– Yettita bolam bor, kapitan.

– Yettita? Qanday boqasan ularni...

– Asta-sekin o'zlari katta bo'lishyapti...

Kapitanning ozg'in yuzi burishib, ko'zlari chaqchayib ketdi.

– Shuning uchun pora olasanlar-da.

– Nima? – qo'rqib ketdi qorovul...

– Senda ham tushum bormi?

– Yo'g'-ay, kapitan...

– Buning bolasi nechta, hali yosh ekan...

– Bilmasam, kapitan...

Kapitanning esiga Moskvada qolgan o'g'li keldi. Bu yil uchinchi sinfga chiqqandir. Fransuz tilida sanashni ham o'rganib olibdi. Ha, xotini Galya o'ta qo'pol bo'lsa-da, bola tarbiyasiga jiddiy qaraydi. Ha, o'g'li Kolyani sog'indi... Lekin, bu – ish, bu yerga uni maxsus vazifa bilan jo'natishgan. Mana bular esa, xotinni quchoqlab yotishdan boshqaga yaramaydi...

– Men senga bir bema'ni savol bermoqchiman?

– Labbay, kapitan...

– Sen, xotining bilan...



Kapitan ahmoqona kuldi. Savoli bachkana tuyuldi. Keyin birdan mahbusga qarab, baqira ketdi.

– Ey, xotinchalish, bolalaringni tug'dirib, ularga harom yedirishdan qo'rqmaysanmi? Bolalaringni chirqillatib qayerlargadir sang'ib ketishingni, ular jinoyatchining, maxluqning farzandi, deya isnodga qolishini istamasang hoziroq ayt! Obkom sekretari o'sha kuni rayonga borganida seni panaga olib nima dedi? U faqat sen bilan xoli gaplashgan. Ayt, u senga nima dedi? Qancha pul so'radi? Shuni ayt-u, uyingga jo'na... Men obkom sekretarini tergov qilishim kerak, sendaqalarni tergov qiladiganlar mingta, men seni qamaganim uchun obro' ololmayman.

Qorovul bu shovqin-suronli so'roqlarga parvo qilmay, xurрак ota boshladi. Kapitan tutaqib ketdi.

– Tur o'ringdan... Ketishing mumkin!


– Rahmat, kapitan, lekin...

– Buning shalvirashini qara. Menga ziyoni tegmaydi. Hademay, tong otadi...

– Rahmat, o'rtoq kapitan.

– “Rahmat, rahmat, rahmat” – shundan boshqa so'zni bilasanmi? Buncha egilaver-masalaring!

Qorovul tirjayib kulganicha, chiqib ket-



di. Kapitan qop-qorong'i derazaga tikilib, tungi ranglarning asta-sekin tarqalishini kuzatdi. Esiz, bugun Vera uni qabul qilmadi. Bo'lmasa uning hozir oltin sochlarini hidlab, oppoq yelkalaridan tamshanib, o'pib yotardi. Nahotki, boshqasini topgan bo'lsa?! Yo o'sha naynov, professor eriga xiyonat qilish joniga tegdimikan? Eri bir qari o'zbek bo'lsa, Veraga uning pullaridan boshqa nimasi ham yoqsin?! O'zi bu yerdagi ishni uning erini yo'q qilishdan boshlashim kerak edi. O'shanda Veraning o'zi har oqshom to'shagimda raqs tushardi...

* * *

Mahbus xayolan bolalari bilan daryo bo'yida edi. Uni uzoqdan onasi kuzatib turar, daryoda quyoshning oshlaganday keladigan aksi o'ynaydi. Bolalar suvda quvnashadi, kulishadi, bir-biriga suv sepishadi. To'ng'ich o'g'li ikkita singlisini ehtiyotlab, qo'llaridan ushlab yuribdi. Qizaloqlar tizzalariga kelib turgan daryo suvidan junjekar, nuqul "dada", deya baqirishardi.

– Dada, akamga qarang, meni gum joyga tashlab yubormoqchi?

– Dada, kavushim oqib ketyapti! Dada!

– Dada, hov tepaga boraylik...

– Dada, suvda quvlashmachoq o'ynaylik...

– Dada, ayam nega kelmadi?..

- Ayam daryoda cho'milsa, uyat bo'ladimi?
- Tepaga qarab turgan ayol kim, dada, ayammi?
- U buvim, buvi, buvi, keling, biz bilan cho'miling!!!

* * *

- Senlar nomiga yashaysanlar... Manfaat uchun hatto oilangdan ham kechishga tayyorsan. Veraning eri... Sakkizta bolasini tirik yetim qilib o'n sakkiz yoshli o'ris qizga uylangan. Qizning aytishicha, professorning bolalari qishloqda oddiy uyda turishar ekan, Vera esa shaharda, qasrday uyda yashaydi. Bir haftada bir marta qari eriga «yem» tashlab qo'ysa bo'ldi, qolgan payt bilganini qiladi. Professor eshakday shuning xizmatini qiladi. Kim biladi Vera Leningradga qanday tomoshalar ko'rsatib bu yerlarga kelib qolgan. Professor o'risga uylanib, o'zini zamonaviy ko'rsatmoqchi bo'lgandir. O'zbek tilini qo'yib, rus tilida gaplashganiga o'laymi?! Chala-chulpa bo'lmay o'l! Sen ham gapir, obkom sekretari nima dedi? Bolalaringning hammasini qamayman, hammasini!.. Ularning bari haromdan bo'lgan! Hozir xotining kimning yelkasini uqalayotgan ekan... Menga qara, menga, sening oilang, oilang...

VII

“...Iltimos, iltimos, iltimos! Xo‘jaynim ketgandan beri qanday yashayotganimizni tasavvur qilolmaysiz. Bolalarim kun botgandan erta tonggacha yig‘lab chiqadi. Otasi ularga juda mehribon edi, jonidan ortiq ko‘rardi. Abdushukur bolam ichikib, kasal bo‘lib qoldi. Sira o‘ziga kelay demaydi. Onam sut tashiydi. Do‘xtirga obordik. Kasalini aniqlasholmadi. Nuqul “dadam” deydi. Kimdir unga dadang o‘lgan, onang senga buni aytmayapti, depti. Iltimos, bolam o‘lib qoladi. Yosh go‘dakni asrab qololmasanglar, nima qilib o‘tiribsizlar... Qutqaring, u – olim odam... u – topilmas odam... Partiyami, boshqasimi, ularga hech yomon so‘z aytmagan. U faqat shu kashfiyotni deb kurashdi. Paxta teradigan bir traktor kashf qilish niyatida edi. Nahotki, bu katta jinoyat bo‘lsa?

Mendeyarli uydan chiqmayman. Qo‘shnilar chiqishadi, ota-onam yordam beradi, o‘zim tikuvchilik qilib, bir amallab turibmiz. Bolalarim uchun erimni afv eting!

U kishi nima qilgan bo‘lsa, odamlar uchun qildi. Odamlarning kun bo‘yi paxta terib yurishini ko‘rib, ularning mashaqqatini biroz yengillatadigan bir traktor ishlab chiqmasam bo‘lmaydi deb tirishardi. Tunlari bilan shuni o‘ylab chiqardi, ertalabgacha bir nimalarni chizib chiqardi. Moskvaga ham bir oy borib ish



o'rganib keldi. U yerdan ko'p maqtov yorliqlari olibdi. Nima, balki bu yangi qilayotgan texnikasi qonunga to'g'ri kelmadimi? Balki odamlar paxta termasa nima qiladi, deb uni shunga qamab qo'ydinglarmi? Bizda shundoq ham paxta ko'p, ish mashinaga ham, odamga ham yetadi.

Hamma «paxta ishi», «o'zbek ishi» deyapti, bular uning aybi emas. Lekin men o'zim besh yoshimdan paxta teraman. Mehnati og'ir, osonmas... Paxta mahali qishlog'imizdan bitta qiz o'zini osib qo'ydi, qo'shni qishloqdagi ammamning qo'shnisi edi, katta-matta ayol o'zini yoqib yubordi. Paxta osonmas, paxta juda ham og'ir ish...

Xo'jayinim shu voqealarni ko'rib, qanday jim o'tirsin... Yomon niyati bo'lmagan! Ozod qilsanglar, endi kashfiyot qilmaydi. Men sizga va'da beraman, tunlari uxlamay bo'lsa ham, tun-u kun paxta terib, sizga xizmat qilaman. Faqat, u kishini kechiringlar!

Iltimos! Iltimos!! Iltimos!!!"

VIII

Mahbusning boshi zirqirab, xotirasi og'irlashib qolgandi. U allanimalarni aytib, betinim alahsirardi:

"– Shularning hammasini o'zingiz tayyorladingizmi, g'oya ajoyib, axir bu olamshumul

kashfiyot-ku! Moskvadagi o'rtog'im Qamashida shunday olim bor deb aytganida ishonmagandim....

– Rahmat, faqat menga zaruriy texnikalar kerak, Germaniyada ishlab chiqarilgan bir-ikkita qurilmalarni qo'llab ko'rishim kerak, agar uni amaliyotga joriy eta olsak, xalqimiz paxta azobidan qutulgan bo'lardi. Bir chigit qilib, paxta poyalarini payhon qiladigan texnikalardan charchadik.

– O'ylab gapiring, Egamberdi, paxta, yanada bayram, tantana bo'lardi desangiz, yaxshi bo'lardi. Men sizni yaqinda muhim lavozimga tayinlayman.

– Sizdan iltimos... Menga vaqt kerak... Hech qanday lavozim kerak emas... Men shu traktorni ishlab chiqishim kerak...

– Men sizga har qanday yordam berishga tayyorman. Moskvada siz haqingizda maqola chiqdi. Agar ishni tez olib borsangiz... Sizni Toshkentga olib ketishlari ham mumkin... Toshkentga sizday odam kerak... Faqat tilingiz chatoq... O'ylab gapiring... Menga ustingizdan bir-ikkita imzosiz xatlar kelgan...

– Mening dardim bitta – paxtani mukammal teradigan mashinalar ishlab chiqish... Menga hozir vaqt kerak, men yuzlab tajribalarni, minglab traktorlarning yaratilish tarixini o'rganmoqchiman. Nega shuncha paxta teruv-

chi traktorlar odamlarday toza terolmayapti, ularda nima kamchiliklar bor? Nahotki, biz orzu qilganday paxta mashinalarini ishlab chiqish shunchalik qiyin bo'lsa?! Men bu savollarga ham javob topganimcha yo'q.

– Men sizga omad tilayman...”

– Men senga la'nat tilayman... Senga, sendaqalarga...

Tergovchi battar qizishdi. U hamon alamdand titrar, tezroq tong otsa, bu yerni tark etib, yana Veronikanikiga borsa, balki bugun-erta tongda uni xushnud qilar..

– Hali qiziq bir narsani aniqladim. Sening ishingda hammaning aybi bor... Tepalaringda obkom turibdi. U seni qutqarmoqchi ham bo'ldi. U hatto meni uyiga ham chaqirdi. Ammo xotinning zo'rini olgan ekan. Ko'zim bilan sehrlamoqchiydim, pashsha uchganchalik ta'sir qilmadi. Yerdan ko'zini olmadi. Eri o'lsa, keyin ko'ramiz uni... Xullas, obkom sekretari menga seni “mashhur kashfiyotchi”, “ittifoqning faxri bo'lishi mumkin”, dedi... Sen paxta teradigan zamonaviy traktorlar ishlab chiqmoqchi emishsan. Shuni bilki, buni hech qachon eplolmaysan. Sen qayerdayu, bizning ixtirochi-injenerlar qayerda?! Ular necha yillardan beri qilolmagan ishlarni sen – qandaydir omi, chalasavod eplaydimi? Shu chirigan rayoningdan chiqib-a? Sen undan ko'ra, ko'p bola tug'dir... Paxta o'z-o'zidan teriladi...

* * *

Mahbusning xayoliga yana bolalari keldi... Sochlarini o'rib, hovlidagi rayhon-u atirgullarga suv quyishayotgani, xotining manti uchun xamir mushtlayotgani ko'z oldidan o'tdi... Shermamat bedazordan ismaloq terгани tergan... O'g'līga ismaloqli manti juda yoqadi.

– Bolalarim....

– Bolalaring yaxshi paxtakor bo'ladi. Kashfiyotingni xotinlar ustida qil. Shunda sen – qahramon ota, xotining o'nta tuqqan qahramon ona, bolalaring esa, ilg'or terimchi bo'lishadi...

– O'chir ovozingni!

Kapitan uning alahsirashiga e'tibor bermay, derazaga tikilib turardi...

– Xotiningni ertaga chaqirtiramiz! Qipyalang'och qilib, qop-qora badaniga qarab, uni sud qilaman! Yoqsa balki... – kapitan ahmoqona kuldi.

– U pokiza ayol!

– Har qanday pokizani ezg'ilab erkalayman... Faqat ko'nglim tortsa, jirkanmasam! O'zi ham ko'pdan beri seni ko'rmagan, erkak nafasini tuyishi bilan aqlini yo'qotsa kerak.

– U pokiza ayol...

– Keyin bolalaring yetim bo'ladi... Sening raising, agronoming, hamma qarindoshing kasringga qoladi... Kashfiyotchi emish... Ular

tushunib yetishsin... Qara, hademay tong otadi, tongni men, biz, faqat biz ko'rishimiz kerak. Senlar esa paxtani bilsalaring bo'ldi. Sen orqali endi men viloyatdagi hamma kattaning yostig'ini quritaman. Chunki senlar poraxo'r, qo'shib yozuvchisanlar....

– Sen itsan!

– Nima? Tiling chiqib qoldimi?

Kapitan orqasiga bemalol qaradi-yu, dahshatdan qotib qoldi: qarshisida bir bahaybat nusxa, soch-soqoli o'sib ketgan, ko'zlari qip-qizil qonga to'lganidan qorachig'i ham ko'rinmay qolgan odam unga yeb qo'yguday bo'lib qarab turardi. Kapitan baqirishgayam ulgurmedi. Mahbus hash-pash deguncha kishanlangan qo'llarining orasiga uning boshini kirgizib, bor kuchi bilan bo'ynini qattiq qisdi, keyin uni tizzasi bilan tepib yiqitdi. Tirsagi bilan bo'ynini bosib, jonholatda xirillab tipirchilayotgan tergovchining og'zidan ko'pik chiqib, ko'm-ko'k ko'zlarida yosh qotib qolgunicha tutib turdi. Tergovchining ko'zlari katta ochilgancha, tinchib qoldi...

IX

“Tong otyapti... Hozir bolalarim turib, meni yana yolg'onchiga chiqaradi. “Ertaga otangiz keladi”, deb ularni ovutgandim. Endi ularni nima deb ovutay? Qachon keladi deb aytay? Qachon?

Sizdan umid qilib, sizni duo qilib, sizga ishonib kutuvchi injener Jontemirov Egamberdining ayoli va bolalari..."

X

Qator panjaralar bilan to'silgan deraza ortida qorong'ilik chekinib, quyosh bosh ko'tarib kelardi. Tong otmoqda...

Quyoshning ilk nurlari mahbusning qora ter botgan yuzlariga tushguncha tashqariga tikilib turdi. Nimalarnidir uzoq pichirladi. Keyin chaqqon harakat bilan tergovchilar dam olishi uchun qo'yilgan karavotning ko'rpa astarini olib tashladi. Temir karavotning yalang'och qirrali tomoniga belini to'g'rilab, uning ustiga chiqdi va alamli baqirgancha o'zini temir ustunga tashladi. Qarsillab ketgan karavotning ovozi, mahbusning oxirgi marta azobdan ingrashi tashqarida xurillab uxlab yotgan qorovulni uyg'otib yubordi. Jonholatda o'zini ichkariga urgan qorovul dahshatli manzaradan qotib qoldi. Tergovchining jasadi allaqachon sovib bo'lgan, faqat ko'zlari hamon o'qrayib boqardi. Mahbus esa (sakkiz oylik azoblardan so'ng), onasining oyog'iga boshini qo'ygancha miriqib uxlayotgan bolani eslatardi. Endi bu bolani hech kim, hech qachon uyg'otolmaydi...

XI

– Tog'a, saharlab kelganim uchun uzr!
Kech qolishdan qo'rqdim!

– Yozib bo'ldingmi?

– Mana...

– O'o'h-ho', roman yozib tashlabsan-ku!

– Tog'a, kuyovingiz chiqarmikan?

– Yaxshi niyat qil, chiqadi... Xatning turli xilidan yozaveramiz... Birini bo'lmasa, birini o'qib qolar...

–Tog'a, sizga katta rahmat... Kuyovingiz chiqadi-a?

–Ha, dedim-ku! Qara, jijan, tong otyapti, quyosh chiqyapti... Lekin osmonda bulutlar ham bor... Qalinroq kiyinishim kerakka o'xshaydi... Mayli, men endi ertaroq otlanay...

– Siz bergan go'shtdan qaynatma sho'rva qilgandim. Bolam ancha jonlanib qoldi. Lekin, tog'a, kuyib ketyapmiz-da! Kuyovingiz ozod bo'larmikan?! Ozodman deb kelarmikan!?

– Men shoshilishim kerak, qara, tong otyapti, quyosh chiqyapti...Bizga atalgan kun ham bordir axir...

– O'sha kun qachon keladi, tog'a?!

– Keladi, albatta, keladi...

IKKI QALB UCHRASHUVI

Qizga "Laylo" deb nomlangan kafe hashamdor, lekin fayzsiz ko'rindi. Yonib turgan turli chiroqlar, kiraverishga osilgan gumbazsimon qandil-u devorga yopishtirilgan gul qog'ozlar, turfa kartinalar ham qizni g'ashlantirar, bo'g'ardi. Buning ustiga, kafe ichkarisi ham ko'chadan farq qilmas darajada sovuq. Qizg'ish rangdagi mebelda mudrab o'tirgan soqolli bir kishini aytmaganda, kafeda boshqa xo'randa ham yo'q. Isitgichlar ishlayotganligi uchun bo'lsa kerak deb o'yladi qiz. U boyatdan beri sovqotar, buning ustiga tuflisi birdan torayib qolganday oyog'ini qisardi. Yigit esa to'lqinlanib gapirar, aftidan sabrli tinglovchi topilganidan xursand edi. Qiz junjukkancha, tishlarini bir-biriga urar, serkiprik qora ko'zlari yoshlanardi. Yigit bo'lajak ayolining sifatlari haqida zerikarli ma'ruza o'qir, minbarda ko'pchilikka so'zlayotganday, boshi bilan o'z gapini tasdiqlab ham qo'yardi. Yigit, tug'ilajak farzandlari haqida javrashga o'tgan ham edi, qizning toqati toq bo'ldi.

– Gapingiz tugadimi?

To'satdan tinglovchidan bunday gapni eshitgan har qanday notiq ham bir dam kalovlanib qolishi aniq. Buning ustiga, qiz ko'zlarini lo'q qilib, «bo'ldi qil» ma'nosida kiprik qoqmay

qarab turar, dasturxon chetini yirtib yuboradigan darajada g'ijimlardi. Yigit esa, beparvo yana so'zlashda davom etdi. Xuddi qizigan eski mashinadek o'chishi ham murakkab...

– Tugatarsiz? Men kech qolsam, institut hovlisiga kiritishmaydi.

– Nima, yotoqxonada turasizmi?

– Ha!

– Rostdanmi?

– Siz nima deb o'ylovdingiz?

Qiz bu savolni berib, sherigining yosh bolalarnikiga o'xshash silliq, tiniq yuziga, lekin har tomonga o'ynayotgan qo'y ko'zlariga qarab turdi, ammo hech nimani anglolmadi. Yigit ham kalovlanar, to'y oshiga to'ymay qolgan mehmondek, atrofga olazarak boqib, yana gapirgisi kelardi.

– Men sizga hali ko'p gaplarni aytishga ulgurmadim...

– Shundoq ham ko'p gapirdingiz. Bir ma'ruzada ham bunchalik....

Qiz «bunchalik qiynalmasdim», demoqchi bo'ldi-yu, indamadi.

– Sizning gapingiz yo'qmi?

– Bor... Ey, yo'q-yo'q!

Qizning oyoqlari muzlar, qora ko'ylagining uchini tortib, uni pastroqqa cho'zmoqchi bo'lar-di. Qani bir jun ro'mol bo'lsa-yu, oyoqlarini o'rab olsa!

– Gapiring, men eshitishga tayyorman, – dedi yigit.

– Lekin men sovqotyapman. Qanaqa yigit-siz o'zi? Shunaqa ham muzxona bo'ladimi?! Bu yerdagi shuncha chiroqlar yonib tursa-yu, hech kim bo'lmasa, isitgichlar ishlamas?!

– Men o'zimni boy ko'rsatmoqchimasman... Qimmat kafelar, gullar va sharlar sovg'a qilib, ko'nglingizni olish niyatim yo'q!

– Nima..? Men boylikka uchib, erga tegadigan qizlardan emasman! Xo'p, shu niyatiz bor ekan, ko'chada gaplashsak ham bo'lardi. Balki avtobusda... Bu yerdan ko'ra ancha issiq edi...

– Men sizni kuchli qiz deb o'ylabman.

– Nima?

– Qiyinchiliklardan qo'rqasizmi?

– Men Antarktidada yashamoqchimasman!

– Masalan, chet elga chiqsangiz nima qilasiz? Men safarlarni yaxshi ko'raman.

– Bemalol... Menga Toshkent ham bo'ladi.

– Buncha tor o'ylaysiz?!

– Ha, men shunaqaman.

Yigitning qizga rahmi keldi, shekilli, xizmatchi qizni chaqirdi. Ofisiant mijozlar yo'qligidan pana joyda mudrayotgani uchunmi, kelmadi. Yigit yana nochor qizga qaradi va dedi:

– Qayerga g'oyib bo'ldi, bular... Qoyillatib xizmat qilishni ham bilishmaydi... Yevropada umuman boshqacha...

– Iltimos, chet elda o'tiribman degan xayolni o'zingizdan quvib yuboring!

– Rostdan, men chet elliklar bilan ko'p hamsuhbat bo'lgan...

– Ko'rinib turibdi.

– Kulmang!

– Kulib o'libmanmi?

Shunda ofisiant ko'rinish berdi.

– Hoy, qiz, bizga issiq limon choy bering!

Ofisiant qiz xo'p deganicha, ovqat ulashadigan darchaga qaradi. Darchadan hech kim ko'rinmadi, shekilli, o'zi aylanib o'tib, ichkariga kirib ketdi.

– Men shunaqa zamonaviy bolaman. Sizning ham bugungi kunga mos bo'lishingizni istayman. Bu kiyimlaringiz nima? Qiz bola degani, yevropacha kiyinishni ham bilishi kerak-da. Masalan, hech sochingizni sariqqa bo'yaganmisiz? Menimcha, sizga yarashadi. Qoshingizni ham tering! Jinsi shim kiysangizchi? Siz, umuman...

Qiz oldiga tushib turgan bir tutam sochini yigitdan qizg'anganday quloqlari ortiga o'tkazib qo'ydi. Uning zulmat rangidagi ko'zlari qisilar, qandil chiroqlari ko'ziga ming bo'lakka bo'linib ko'rinar, lablari sovuqdan titardi. Soqolli kishining sabri tugadi, shekilli, qaltiraganicha hisob-kitob qilib, chiqib ketdi. Kafeda ular yolg'iz mijozga aylanishdi. Qiz yigitning gaplarini o'ziga nisbatan haqorat

deb bilsa-da, istihola qilib, unga qattiq gapirmaslikka, tezroq ketishga urinardi.

– Sizni tushunaman. Shu yerdan tashqariga chiqmagansiz. Qishloqdan kelgansiz, lekin siz zamonaviy bo‘lib yurishingiz kerak.

Qiz yigitning bu gapidan o‘zining didsiz ekanligini anglab oldi. Tilini qattiqroq tishladi. yelkalari sovuqdan toshdek qotsa-da, paltosini kiyib olishni noqulay deb bilardi. Har holda, bu yerga umid bilan kelgandi. Xolasi topgan, maqtagan yigitini yomon bo‘lmasa kerak deb. Bahslashib nima foyda, tezroq hammasi tugasa, ketsa bo‘ldi. Nima desa, der!

– Men Amsterdamda bo‘lganimda, qizlarning kiyinishiga qoyil qolganman... Voh, voh... Men u yerda nima ko‘rganman, aytaymi? Shunaqa restoranlarni, Van Gog muzeyini... (aslida, u muzeyning ko‘chasidan o‘tgandi, xolos) ovqatlarini yedim, ko‘chalarida sayr qildim... Kino, teatr... yo‘q, teatrga tushmadim... Domlam bilan ilmiy seminarga borib, maza qilib sayohat qilib qaytdik.

– Nima haqida edi?

Yigit shunaqa ham bema‘ni savol bo‘ladimi, deya ozg‘in yuzlarini barmoq bilan bosilgan pufakchaday burishtirdi. Qiz savolini yana takrorladi.

– Ilmiy seminar nima haqida edi?

– Mahalliy sharoitda elektr manbalarini olishning nanotexnologiyalari haqida.

Qiz birdan jonlanib ketdi.

– Qanday o‘tdi?

– Ochig‘i, seminardan oldin tuni bilan ko‘chalarni kezganim uchun uxlab qolibman. (Aslida, ishratxonada edi). Ertalab turganimda soat o‘n. Borish yoqmadi. Domlamning o‘zi ketib qolibdi.

– Bironta yangilik, natija bo‘ldimi?

– Rasmlarga tushganman!

– Elektr energiyasi bo‘yicha biron-bir yangi texnologiya olib kelmadingizmi?

– Kelib o‘n varaqli hisobot, slayd-shou qilganmiz! Domlam sovetning odami. Ingliz tilini bilmaydi, olmon tilini ham... Shuning uchun seminarda ham, yarmarkada ham hech nimani tushunmagan, bitta ham shartnoma tuzolmagan. Yodida qandaydir tekin sharbat ichgani-yu, bir qozoq texnologi bilan tanishgani qolgan, xolos. Keyin...sal oshib ketib, mehmonxonaga zo‘rg‘a kelgan...

Qiz qaltiramas, jim turardi. Keyin sovuq ham esidan chiqib, oyog‘i qizidi.

– Siz Qashqadaryoning qayeridansiz? – dedi qiz yigitdan ko‘zlarini uzmay.

– Qarshidan.

– Men Qamashidanman...

– “Tandir go‘sh”ni zo‘r pishiradilar-a, sizlarda?

– Ha, bizda tandirda go‘shni zo‘r toblaydilar. Chunki boshqa ovqatga elektr toki kerak.

– Nima?

Qizning ko'zlari boshqacha tus olgan, unga qarab turgan yigitning silliq, oppoq yuzlari esa, bilinar-bilinmas titrardi.

– Siz Energetika vazirligida ishlaysiz-a!

– Shunday desa ham bo'ladi, xolangiz meni ko'p maqtaganmi deyman. – Yigit yana maqtanish uchun imkon topilganidan yuziga qon yugurdi. Endi gapirmoqchi bo'lib turganida, qiz uning gapini bo'lib yubordi.

– Otam o'tgan yili qazo qildi. Nimadan deb o'ylarsiz? Ko'richakdan...

– Yo'g'-ay!

– Operasiya vaqtida tuman tibbiyot markazidagi chiroq o'chib qolgan... Mendan to'rt yosh katta akam, u hozir Namanganda, qamoqda. O'sha kuni elektr stansiyaning navbatchisini ko'tarib, yuqori kuchlanishli simlarga otib yuborgan. Aslida, navbatchida nima ayb? U har kungi odatini takrorlagan, buyruqni bajargan, xolos.

– Esi joyidami?!

Yigit qo'rqib ketganini yashirish uchun yana xizmatchi qizni qidirdi. Baxtga qarshi hech kim yo'q edi. Qandil va kafedagi kichkina, yuzdan ortiq chiroqlar oy va yulduzlarni eslatib, nur taratib turar, xuddi ochiq tun bag'rida ko'kdan porlab turgan oy va yulduzlarni eslatardi.

– Qayerda qolishdi, bular-a!

– Akamning ikkita bolasi, xotini bor. Yangam Rossiyada, kechasi oshxonada kosa-tovoq yuvib, kunduzlari ko'cha supurib, biron narsa topsa, lo'lilarday janjal qilib, talashib, bizga jo'natadi. Meni institutda o'qishim uchun shartnoma pulini ham yangam to'laydi.

Qizning ko'zlari qizarib, qorachig'i dengiz to'foniga uchragan kema yanglig' to'lg'andi, yuzlari namlandi.

Yigitning ko'zlari esa, sahroning o'g'ri shamollariga uchragan yantoq kabi u yoqdan-bu yoqqa ma'nosiz sudralib yurar, aftidan, nigohini qay nuqtaga tikishni ham bilmasdi. Qizni unga boshqacha ta'riflashgandi: og'ir-bosiq, aqlli, tagi-zoti toza, yuvosh, mehribon, ishchan, buning ustiga, institutni tugatyapti, «tayyor osh»... Bu o'ylardan so'ng, yigit ham sovqata boshladi.

– Kafe sovuqroqqa o'xshaydi, rostdan... Nima deysiz, balki, hozir...

– Hozir onam qishloqda, yolg'iz. Birdan qarib qoldilar. Kechalari televizor ko'ray desa tok yo'q. Yangam bolalariga kompyuter berib yuborgan. Uning chang bosgan ekranida esa, faqat o'zlarini tomosha qilishardi.

– Kechirasiz, lekin, menga siz haqizda boshqacha...

– Xolammi? U Toshkentda yashaydi, boy. Siz u bilan tanishsiz... Buncha dim bu yer-a! Isib ketyapman...

– Xolangiz menga...

– Xolam menga ham sizni ko‘p tillarni biladigan, aqlli yigit degandi. Ha, siz, ko‘p tilni bilishingiz mumkin, lekin xalq nima deb so‘zlayotganini tushunmas ekansiz?! To‘g‘risi, siz qatnashgan o‘sha ilmiy seminardan butunlay elektr muammosi hal bo‘lmas, ammo o‘rningizga bironta yurtparvar inson o‘sha anjumanda ishtirok etganida kichkina texnika, yangi kashfiyot namunalaridan olib kelarmidi?! Borgan sari yangiliklar ko‘payib-ko‘payib, elektr muammosi hal bo‘larmidi?! Eh, sizlarga shuncha pul, shuncha e‘tibor hayf...

Qiz qizib ketganidan sharfini bo‘ynidan yulqib, stol ustiga qo‘ydi. Yigit esa titrab turar, ko‘zini nozik qo‘llarda g‘ijimlanayotgan oppoq sharfdan uzmasdi. Biroz o‘tib, yigit bo‘g‘iq ovozda dedi:

– Kechirasiz, siz mavzudan chiqmang. Ikkalamiz uchrashuvdamiz... Qayerdagi gaplarni aytyapsiz? Undan ko‘ra, menga ayting-chi, kimnidir sevganmisiz?

– Bu qayerdagi gaplar emas! Siz yashayotgan shahardan bor-yo‘g‘i ikki kilometr nariga chiqsangiz, har uyda osilib turgan, lekin yonmaydigan chiroqlar haqida gapiryapman! Aslida, siz qayerdagi gaplarni gapirdingiz! Menga zamonaviy kiyimlarni ildirmoqchi, qoshimni terdirishni, shlyapalarda yurishimni

aytdingiz. Yo'q... Men o'zbek qiziman. Men zamonaviy qizman, lekin uyatsiz emasman.

– Men unaqa ma'noda gapirmadim. Zamonaviy bo'ling, dedim, xolos! Shaharda yashaymiz, axir!

– Men sizday odamlar bilan shaharda yashashdan, dunyo bo'ylab sayohat qilishdan ko'ra, qishloqning oddiy maktablarida sovqotib bo'lsa-da, hayrat-la ustoziga termilib turgan beg'ubor, pokiza bolakaylarga bilim berishni afzal ko'raman. Shunga o'zimni kerakli his qilaman, shunda olayotgan nafasimga achinmayman. Kimni sevasiz, deysizmi? Men umidlarimni, orzularimni, kasbimni, o'sha bilimga chanqoq bolakaylarni, onamni, akamni, yangamni, jiyanlarimni, chuqur bo'lmasa-da, tinmay oqayotgan Qashqadaryoni sevaman. Na o'zini, na o'z kasbini, na xalqini, na uning dardini biladigan sizday bo'lajak «olim»lar esa, bunday sevgini ikki dunyoda ham tushunmaydi. Hech qachon tushunmaydi. Endi, marhamat qilib, meni kuzatib qo'ying. Restorandan bir o'zim chiqib ketishni istamayman! Bu, har holda, odatimizga to'g'ri kelmaydi, yigit!!!

MUNDARIJA

Buxoro, Buxoro, Buxoro	3
Ayol	27
Qizlar bilan uchrashuvlarim	35
Ozodlik	56
Ikki qalb uchrashuvi	84

В^і**К** Birinchi
kitobim
БИРИНЧИ КИТОБИМ



ЖАВЛОН
ЖОВЛИЕВ

ИККИ ҚАЛБ УЧРАШУВИ

Ҳикоялар

«Navro'z» нашриёти
Тошкент – 2019

ББК 84.(Ўзб)
Ж-01
УЎК 818.613

Жовлиев, Жавлон
Икки қалб учрашуви (ҳикоялар). – Тошкент:
«Navro'z» нашриёти, 2019 й. 192 бет.

Масъул муҳаррирлар:

Азиз САИД,
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Жавлоннинг ҳикоялари кўнгилга яқин, таниш воқеалар, одамлар ҳақида синчков ижодкорнинг ўзига хос нигоҳи билан ёзилган. Табиий, содда тилда битилган ҳикояларда Ватан соғинчи, «пахта иши» каби улкан дардларнинг руҳий-психологик талқинларини, дунёқарашлари бир-бирига қарама-қарши бўлган инсонларнинг ички оламидаги мезонлар ва ақидаларнинг манзараларини кўрасиз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида нашрга тавсия қилиниб, “Ижод” жамоат фонди томонидан молиялаштирилган.

ISBN 978-9943-563-04-9

© Жавлон Жовлиев, 2019 й.

© «Navro'z» нашриёти, 2019-у.

БУХОРО, БУХОРО, БУХОРО...

Ўша йили қиш жуда совуқ келган экан-да! Эс-эс биламанки, бирга ўйнайдиган серкиприк афғон болаларининг киприклари бир-бирига ёпишиб, қиров тушгандай оқариб қоларди. Худди ҳозирги қорбоболарнинг ясама киприкларини эслади. Мен афғон болалари билан тез тил топишиб кетганман. Гарчанд, улар меңдан бўйчан, бунинг устига, бир-икки ёш катта бўлишса ҳам. Синглим Ойшабиби эса уйдан чиқмасди. Уйда отам бухороча танча курганди. Шунинг атрофида турли латтапутталардан нимадир тикиб ўйнаганлари эсимда... Онам эса куну тун акам билан овра. Акам зотилжам билан оғригани учун бизни ёнига қўйишмасди. Синглим Ойшабиби билан дераза дарчасидан чўпдай озиб кетган, рангпар, кўзлари киртайиб, сўлгин боқувчи акамга соатлаб тикилиб турардик. У ҳам бизни кўриб “яхшиман” деган маънода қоқшол кўлларини кўтариб, силкиб қўярди. Тез орада акам тузалиб, чопқиллаб кетишига шубҳа қилмасдик.

Отам бозорда ҳаммоллик қиларди. У гоҳ-гоҳ оппоқ, майин бир ширинлик олиб келгани эсимда. Жуда мазали, тилда эриб кетарди. Унинг номини ҳозиргача аниқ



билмайман. Аммо онам биринчи марта ширинликни кўрганда, йиғлаб юборганди. Шунда у пайтлари Ойша онамнинг тиззаларига ўтириб, жажжи қўллари билан юзларини силар, кўзёшларини артиб қўярди.


– Нега йиғлайсиз?

– Бухорони эслатди, қизим.

Ўша пайтларда энг кўп эшитган сўзим Бухоро эди. Бухоро, Бухоро, Бухоро... Хаёлимда бу жой осмонларда, оппоқ булутлар орасидаги ялтироқ тошлардан қурилган сарой, дунёдаги барча эртакларнинг тугайдиган манзили эди. Бухорода туғилган бўлсам ҳам, эсимни Қобул яқинидаги қишлоқда таниганман. Шу ерда отам сафар пуллари қайсидир қаллобга бой берган-у, биз камбағаллик кўчасига ирғитилганмиз.

Энг ёмони – акам касал бўлиб қолган эди. Мен унинг соғлом пайтини қанчалик эслашга уринмай, эслолмайман. Фақат бир куни у йўталганча (ўша пайт ҳам озиб-тўзиб кетган эди) уйимиздан чиқиб кетгани ёдимда. У ишга кетаётиб, бизни ўпиб қўйганди. У ўша пайтларда анча улуг одамдек кўринар, онам ҳам, отам ҳам унга ишонарди.

Онам акамнинг олдидан бери келмасди. Унга кўп суюқлик ичирар, терларини артар, оёқ-қўлларини уқаларди. У бизга, акангнинг касали юқумли деб уқтирарди-ю, ўзи унинг юз-кўзларидан босиб-босиб ўпар-



ди. Онам ҳам ёш, ўша пайтлар бор бўлса, ўттиздан эндигина ошган жувон эди. Қопқора сочлари узун, қошлари қалин, кўзлари меҳр билан боқувчи, оппоқ юзларида кулгичи бор бухоролик аёл эди. Мен билан Ойша онамга, акам эса кўпроқ отамга ўхшарди. Унинг кўзлари маллатоблиги эсимда. Биз Ҳожи Аҳмад деган савдогарнинг икки хонали пастқам уйида ижарага турардик. У ҳам бизни қўллаган. Айниқса, акамга даво бўладиган тансиқ меваларни бир ёқлардан топтириб келарди.

Аммо акам қишдан чиқмади. Бизни у билан хайрлашгани ҳам қўйишмади. Онамнинг ўкириб-ўкириб йиғлаганини эшитиб, бир бурчакда қунишиб ўтирардик. Мен у пайтларда ўлим, ўлиш сўзларини эшитгандим-у, унинг тағ замирини тушуниб етмагандим. Мен акам ўлади-ю, биз соғинганда қайтиб келади деб ўйлардим. Бир ҳафта ўтди, бир йил ҳам ўтди, аммо у қайтиб келмади. Бир куни онам чопонимизни кийдириб (ўзиники жуда юпун эди) акамнинг олдига олиб борди. Биз акамизни кўрамиз деб қувнар, осмонларда учардик. Ўша куни атрофни қалин туман қоплаган бўлиб, ўз кавушларимизни ҳам аниқ-тиниқ кўрмасдик. Осмондан бир нималар ёғар, аммо чопонимиз нам бўлмасди. Кейин кўз олдимизда дўппайган тупроқлар пайдо бўлди. Туртиниб-суртиниб кета бошладик. Ниҳоят,

онам тўхтади. Кўзларини бўртиб турган, ён атрофига қалин ёғочлар қўйилган қора тупроқдан узмасди.

– Бу ерда аканг ётибди, – деди онам.

– Қани-қани? – дедик биз акамнимас, тупроқ уюмини кўриб, хаёлимда ҳозир тупроқ кўтарилади-ю, ичидан акам, усти-боши чанг бўлиб чиқиб келадигандай эди.

– Акам совуқ емайдими? – деди Ойша.

– Йўқ! У иссиқда ётибди, – деди онам ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Қўрқяпман, – деди Ойша.

Онам Ойшанинг бу гапидан кейин йиғламади, аммо анча вақтгача елкалари учиб турди, хансираши босилмади.

Биз ҳам йиғладик. Ўша пайтлар беш-олти ёшларда эдим. Акам ўлиб, катта фарзанд бўлиб қолгандим. Аммо онамни қандай овутишни билмас, кўз ёшимни тиёлмасдим.

Бу кўзёшлари ҳеч қачон эсимдан чиққан эмас!!!

Эҳ, Онажоним!

Онамнинг кулгиларидан кўра, йиғисини кўп эслайман... У анча навқирон бўлса ҳам, сочларига оқ тушган, негадир умуман кулмасди. Акам ўлганидан кейин бутунлай тунд аёлга айланди.

Отам туну кун ишлаб, қорнимиз зўрға тўядиган таом олиб келарди. Оёқлари

оғриб, оқсаб юрар, қўллари ёрилиб, ириб кетганлари эсимда.

Қишлар ўтаверди, баҳорлар ўтаверди, аммо онамнинг кўзёшлари адо бўлмади. Ҳовлимиздаги ўрик гулади. Онам буни кўриб яна йиғлади.

– Она, нега йиғлайсиз?

– Бухорони соғиндим, – деди Онам.

Айтишларича, бобомиз – онамнинг оталари Бухородаги энг бой одамлардан бўлган. Онам ўша фаровонликда ўтган кунларни жуда қўмсаб эслар, эслаб яна...

– Уйимга кетгим келяпти! Уйимга!..

– Бухоро қандай жой ўзи? Нега бунча йиғлайверасиз? Айтинг, она... Бухоро қандай жой ўзи?

– Йиғламайдиган жой, болам, йиғламайдиган...

Ҳар куни шу аҳвол эди. Бирон кун йўқ эдики, онам Бухоро учун, бевақт ўлган акам учун йиғламаган бўлса! Йиғлаганда ҳам эзилиб, кўзлари ёшга қорилиб, хўнграб-хўнграб йиғларди. Бухородаги қариндошлари, катта боғ ҳовлиларини эсларди.

Онамнинг эслаб азобланмаслиги учун Бухородан олиб келган ҳамма нарсаларни яшириб ташлардим. Ҳатто ярим ой шаклидаги тахта тароғини ҳам. Аммо бу ҳаракатимнинг ҳеч фойдаси тегмади. Онамга ҳамма нарса Бухорони эслатар, осмонда

учиб ўтган қалдирғоч ҳам, мусичанинг “ку-ку” лашлари ҳам, афғон шамолининг кўпириши ҳам Бухорони ёдига солар ва онам бечора йиғлайверарди.

Бу ғамлар навнихол онамни адо қилди. Отам уни чалғисин дедими, ишга қўйди. Юмушларини мен қиладиган бўлдим. Аммо бир қора кунда ип-газлама тўқийдиган заводдан онамнинг ўлигини олиб келишди. Онам ҳам сил бўлган экан...

Бизга онам билан хайрлашишга ҳеч ким тўсқинлик қилолмади. Мен онамнинг юзларини ўпаётганимда, Ойша унинг совиб улгурган пинжига суқулиб олганди. У онамнинг қўлларини силар, уни ҳеч кимга бермайман деб бўзларди. Онам уйғонса, мени ўпиб қўяди, дерди. Мен синглимни кўрганим сайин ўкириб-ўкириб йиғлагим келар, аммо отамни ўйлаб, ўзимни босардим. Ойша онамнинг қўйнидан чиқишни истамай, “менга онамни тирилтириб бер”, дегандай илтижоли термилиб турарди.

– Онам қачон туради?

– Кейинроқ, Ойша! Сен нариги уйга бор..!

– Қачон турасиз, она, гапиринг, гапиринг! – дея онамнинг оппоқ юзларига жажжи лабларини босарди.

Онам жуда гўзал бўлиб ётарди. Бухоронинг гўзали, париси...

Ойша ўлим нималигини сезиб турса-да, буни тан олгиси келмасди. Ойшани

онамнинг бағридан юлиб олишганида, у шунақанги чирилладики, бу овоз кўксимга энг даҳшатли, энг аламли, энг дардли азоб бўлиб, қўзғалмас қозикдек қоқилиб қолди.

Жойингиз жаннатдан бўлсин, Онажон!!!

* * *

Дунёда нима кўп – касал кўп, дунёда нима кўп – бало кўп. Қадамда дуч келади, қадамдан ушлайди. Айниқса, беватан бўлсанг, мусофир бўлсанг, балолар қадам олишингни пойлаб ҳам турмай босиб келавараркан... Аммо не бўлганда ҳам, биз акам учун, онам учун яшашимиз бу бевафо ҳаётда, нафас олишимиз керак эди.

Ўша қора кунларда биз ўзимиз учун бир таскин топдик. Бу таскин бизни онамнинг ортидан қора ерга кириб кетмасликка ундарди. Бу олий таскин Бухоро деган сўз эди.

Отам онамнинг жойларини жаннатдан тиларди, биз Ойша билан онамнинг жойи Бухоро бўлсин, деб дуо қилардик... Чунки ўша пайтларда мен учун энг ёруғ, энг тиниқ, энг тинч жой Бухоро эди... Ойша менга қувлик қилиб савол бериб қоларди:

– Онам Бухорога кетган бўлса, қачон келади, ака?

– Бухорога борган одам келмайди. У осмонларда, булутлар орасида, уйлари олтиндан, егани асал, ҳолва, кабоб!

– Нимага онам билан акам бизни ташлаб кетди? Бухорода бизга жой йўқми? У ерда нима бор ўзи?

– Ватан бор.

– Ким?

– Ватан.

– Ким у?

– Мен уни билмайман. Отам биледи, онам, акам биледи. Уни танийди. У Бухорода яшаса керак...

– Бўлмаса, биз ҳам кетайлик Бухорога, кетайлик!

– Ҳозир кетолмаймиз.

– Нимага?

– Отам қўймайди. Лекин, албатта, бир кун кетамиз.

– Йўқ! Бугун кетамиз, бугун, ака...

Шундан сўнг Ойша ҳар куни “Бухорога кетамиз”, деб туриб оладиган бўлди. У ҳар сафар ўтинчини бошлаганида отам ҳам кўзига ёш олиб, эзилиб-эзилиб титрарди. Падаримнинг йиғилаётганини кўриб, мен биринчи марта ишга чиқишим кераклигини англаганман. Ўша пайтлар етти-саккиз ёшли болакай эдим. Мусофирлик одамни тез ўстиради, тез катта қилади.

Мактабни ташлаб, акам бир пайтлар ишлаган заводга ишга кириб олдим. Лекин отам бундан норози эди. Чунки пахта заводида болалар шафқатсизлик билан ишлати-

лар, эвазига эса уларга арзимаган чақа-танга бериларди. Аммо шу пулларсиз Бухорога қайтиб бўлмаслигини билардим.

Бетон девор билан ўралган завод ичида улкан станоклар гувиллаб айланар, улар тонналаб пахтани ютиб юборар, биз барини кўриб турардик-у, пахтага қўшиб бизларни ҳам эзиб, ўлим томон тортиб кетаётганини билмасдик. Тинмай ишлар, ишлар ва яна ишлайверардик.

Заводнинг эгаси биз томонга қадам ҳам босмасди. Уни фақат узоқдан кўрардик. Бир куни унинг ити цех дарвозаси ёнида пайдо бўлиб, таққа тўхтаб қолди. Оппоқ жунлари тароқ билан таралгандай ҳилпирарди. Итдан қандайдир атирнинг ҳиди келарди. Негадир барча болалар ишни унутиб, дарвоза олдида турган итга қараб қолганди. Биз итни, ит эса искирт болаларни томоша қилмоқда эди. Толалар чиялашиб, тикилиб, станоклар азобдан чийиллаб юборганда ҳам биз итдан кўз узмадик. Юз-кўзимиздан бизни таниб бўлмас, фақат қорачиқларимизгина тирик одам эканлигимизни билдириб нур сочиб турарди. Шу сўлғин ва умидсиз нигоҳлар билан оппоқ бўйнига кумуш медальон боғланган кўппакка болаларча беғуборлик билан тикилиб, искирт хона ва аламларни бир дам эсдан чиқариб, бахтли болалар каби ўй суришни истаб қолгандик.

Кўппак қондай қизил тилини осилтирганча, кирсамми-йўқми, дегандай иккиланиб турарди. Охири у бурилиб, кўм-кўк майса қопланган хиёбон томон чошиб кетди. Биздан жирканди.

Мен бу ерда тўққиз ой ишладим. Тўққиз ой ичида 14 бола ишдан кетди. Билардикки, улар нафақат ишдан, балки бу ёруғ оламдан ҳам кетишганди.

Бу ерда кўп ишлашнинг охири сил, сил эса мени акам ва онамнинг олдига олиб кетишини билардим. Шунинг учун инглиз тилини ўрганишни ва тозароқ бўлимга ўтишни истардим. У ерда ойлик ҳам, иш ҳам дуруст эди. Бунинг учун инглизча оддий сўзларни билишнинг ўзи кифоя. Кечалари ухламай, инглиз тилидаги ҳарфларни ёд олдим. Кейин дуч келган газеталарни ўқий бошладим. Буни кўпчиликка билдирмасдим. Чунки болаларнинг кўпи ўта мутаассиб фикрлар билан улғайган, ғайридинларнинг тилини ўрганишни исташмас, буни макруҳлик, диндан қайтиш деб билишарди. Ундан кўра сил бўлиб ўлиб кетишга ҳам тайёр эдилар. Мен инглиз тилини ўлмаслик учун ўргандим. Бундай ҳолда тил ўрганиш осон кечади, устознинг ҳам кераги йўқ.

Бир ойлар ўтиб танловда қатнашдим ва яхши балл тўпладим. Мени итхонага, хўжайиннинг итига масъул қилиб қўйишди. Мен

энди уйга кам борар, итхона ёнида ухлардим. Ёз кунлари осмонда чиққан тўлин ой ёруғида бир пайтлар ошхона қошидан топиб олган Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романини ўқиб ўтирардим. Кейин ҳисобласам, бу китобни 68 марта ўқиб чиққан эканман. Бу китоб менинг нафақат инглиз тилини ўрганишимга, балки матонатли, чидамли, кучли бўлишимга ҳам сабабчи. Бу китобни ўқир эканман, ўзимни итхона қошида, бетонга тўшалган шолча устида эмас, кенг ва ёрқин океанда бахт томон сузиб кетаётган улкан кемадаги қудратли ва эркин инсон сифатида ҳис қилардим. Бу менинг аҳволимдаги болалар учун жуда қимматли туйғу. Адабиёт менга кучли бўлишни ўргатгани учун мен ундан доим қарздорман.

Хўжайин ҳар сафар ит билан сайрга чиққанида менга чақа-танга тухфа қилар, бу эса, бир ойга бориб ойлигим баробарида пул йиғилиши учун қўр бўларди. Бунинг ярмини такаббур ва ўлгудай қўпол иш бошқарувчиси олиб қўяр, қолганини отамга берардим. Пуллар Ойшабиби синглимнинг ўқишига сарфланарди.

Бир куни хўжайин Жек Лондоннинг китобини овоз чиқариб ўқиётганимни кўриб қолди. У олдимга келиб, ҳайрон қолиб менга қараб турди. Айнан ўша маҳал қориндор, юзлари шишмол иш бошқарувчи кириб

келди. У менга: «Хўжайин англиз тилини бузиб гапирадиганларни жуда ёмон кўради, оғзингдан бир оғиз сўз чиқмасин», деб тайинлаганди. Менинг англизча гапириб қўйганимни билиб, иш бошқарувчи шунчалик қахрли қарадики, итнинг қозик тишларида титилиб кетадиган колбасадек янчилиб кетай дедим. Чунки унинг болаларни ваҳшийларча қийнашини ҳамма биларди.

Хўжайин менга кулиб қаради. Аммо ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин эди. Айби қидирилган одамнинг ҳар қадамида гуноҳ бор.

Эҳ, мусофирликда улғайган мен каби болалар учун бундай хўрликлар биринчиси эмасди. Шунинг учун кўрқув, ҳадиксираш, ҳаммадан ўзимни паст тутиш каби ўйлар, хоҳламасам ҳам, бўйим билан бирга юрагимда ўсиб борарди. Чунки мен беватан, қулоқ (ўтган асрнинг 1929–1933 йилларида мустабид шўро тузуми ер эгалари, бой, ўртаҳол деҳқон ва чорвадорларни “қулоқ – муштумзўр” номи остида синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган) қилинган оиланинг фарзанди эдим. Буни афғонлар ҳам, англизлар ҳам, дунёдаги барча одамлар ҳам яхши билишига ишончим комил эди. Улар менинг мусофир эканлигимни пешонамга қарабгина эмас, узоқдан соямни кўриши билан билар ва хўрлашга арзийди-

ган одам пайдо бўлганидан суюнишади деб ўйлардим.

– Инглизча равон ўқиркансан! Қаерда ўргангансан?

Мен саволга жавоб берайми йўқми, деб иш бошқарувчига қарадим. У ҳамон кўзларимга қахр билан тикилиб турарди. Довдираганимдан фойдаланиб, ўзи жавоб берди.

– У қаердан ҳам биларди, жаноб! Бу бир келгинди бўлса...

– Йўқ, билади! Биласан-а?

– Йўқ-йўқ!

– Э-э, сайраб туриб, тил билмайман, дейишингни қара! Қизиқ-ку! Юр-чи, мен билан.

Мен умримда бундай ҳашамдор уйга кирмагандим. Оғзим ланг очилиб қолди. Уйга киришим билан атиргул ҳидига ўхшаш бир ширин ифор димоғимга урилди. Кир оёғим билан унинг оппоқ эроний гиламларини босайми-йўқми деб иккиланиб туриб қолдим. Хўжайин менинг билагимдан ушлаб, уйга имлади. Ичкаридаги оппоқ ҳайкаллар, чиройли вазалар, шоҳона суратларга маҳлиё бўлиб, гандираклаб, бошим айланиб кетди. Руфларнинг хонадонига биринчи қадам қўйган Мартин Иден ҳолига тушгандим, гўё.

Мен шунда ўзимнинг ямалган, йиртиқ эгнимга қарадим, уялдим. Буни сезган хўжайин уй хизматчисини чақириб, мени

ювинтиришни буюрди. Хизматчи менга қовоғини эмас, оппоқ тишларини кўрсатиб, табассум қилди. Ваннахонага олиб кириб, ҳамма жойимга оппоқ қорга ўхшаш нарса ишқаб ташлади. Бутун танам яйрагани рост. Аммо ҳамон кўрқар, у мени ювинтириб, кейин ўлдирмоқчимидеб ҳам ўйлардим. Чўмилиб бўлгач, менга янги кийим беришди. Бу кийимда мен бутунлай бошқа болага айлангандай эдим. Шоҳона либосларни кийиб, яйраб кетдим. Ўлимни ўйламай кўйдим.

Жаноб мени кутиб турган экан, иккинчи қаватга бошлади. Унинг ортидан бор-япман-у, вужудимни яна кўрқув қоплади. Боя мени чўмилтирган одам ҳам кўзимга шубҳали кўриниб кетди. Аммо жаноб иккинчи қаватдаги тахтали эшикни очганда, тошга айландим. У ердаги китоблар менинг хайрат оламимга сиғмасди. Мен китобларни кўздан кечирарканман, ҳаётимдан ўлим ҳам, кўрқув, очлик, ишсизлик ҳам – барибари лаҳза ичида йўқолди. Онам эсимга тушиб кетди. Фақат у менинг бахтиёрлигимни сезиб, кўриб тургандай эди.

Хўжайин исталган вақтда бу ердан китоб олишим мумкинлигини айтди. Кейин жойига кўйиб қўйсам бўлгани экан. Бор-йўқ шарти – шу!

Мен энди ҳар куни, бўш вақтим бўлди дегунча китоб ўқир, газеталарни варақлардим.

У ерда мен тушунмайдиган тиллардаги китоблар бисёр эди. Мен ўзбек, форс, афғон ва инглиз тилларида ёзилган китобларни топиб ўқир, аммо кўпига тушунмасдим. Бу мутолаалар мени иш бошқарувчининг зуғумидан ҳам қутқарди. У менинг китоб ўқиб ўтирганимни кўрганида, кўрмасликка олиб ўтиб кетадиган бўлди.

Тинмай китоб ўқидим. Тиббиёт, бизнес, тарихга оид китобларнинг жиннисига айландим. Психологияга муҳаббат қўйдим. Шундай қилиб, итбоқар бўлиб ишлаган олти йилим ҳаётим пойдеворини илм билан кўтаришга имкон берди. Бу орада отам Ойшани куёвга узатди. Синглим ҳали ёш эди. Аммо куёв Бухородан келган, биз каби ўзбек оиласи бўлгани учун отам совчиларга йўқ деёлмади. Куёвнинг ёши синглимдан 12, мендан 10 ёш катта эди. Йигит кўп йиллар бухоролик қиз ахтариб, уйланмай юрган экан. Куёвнинг ёши катта бўлса ҳам, давраларда мендан юқорига чиқмай ўтирарди. Улар кўп ўтмай Ойшани олиб, Туркияга кўчиб кетишди ва мен батамом ёлғизланиб қолдим.

Шу йили хўжайин Англияга кетадиган бўлди. У мени ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи эди. Аммо бахтсиз ҳодиса юз бериб, цехга ўт кетди. Иш бошқарувчи ҳам, хўжайин ҳам, унинг ити ҳам ҳалок бўлди. У ерда ишлайдиганлардан 38 бола тирик қолди, холос.



Бу фожиадан кейин бу ерда қолол-маслигимни англадим. Қандай қилиб бўлса ҳам, Европага кетиш учун йўл қидира бошладим. Тилни яхши билганим учун мени бир европалик савдогар ишга олди. У газлама савдоси билан шуғулланар, газлама орасига эса турли оғуларни жойлаб Эронга, у ердан Европага ўтказарди. Феъли паст одам бўлиб, арзимаган пул эвазига мени эшакдек ишлатарди. Унинг фирмаси орқали четга чиқиш мумкин эканлиги учунгина, тишимни-тишимга қўйиб, қулай вақт келишини кутиб юрдим. У кечаси билан ухламай ҳисоб-китоб қилишга мажбур қилар, бунинг учун ойига 25 доллар берарди, холос.

Мен кутган вақт бир йилдан сўнг келди. У пайт мен 18 ёшда эдим. Савдогарнинг эронлик хотини туғадиган бўлиб, Европага мени жўнатадиган бўлди. Чунки мен ҳисоб-китобга унинг ўзидан ҳам пишиқроқ эдим.

Шундай қилиб, йўлга отландим.

Туркияга етиб боргач, унинг газлама орасидаги барча оғуларини балчиққа улоқтирдим, сўнгра қиммат газламаларни сотиб, Италияга, у ерда озроқ ишлагач, анча йўл босиб Англияга етиб бордим. У ерда икки ой туриб, кемада АҚШга жўнадим.

АҚШга кириб келганимда тушлик қилишга ҳам пулим йўқ эди. Ўлгудай оч эдим. Неча кунлар плакатларга тўла кў-

чаларда иш қидириб, итдай изғиб юрдим. Қаҳратон совуқ, муттасил очлик ва уйқусизликдан кўзларим қизариб, юзларим кўкариб, баданимни ғалати доначалар бошиб кетди. Ўша кунларнинг бирида Худоийимнинг ўзи мени кекса Ричерга дуч қилди. У менинг товукдай ҳамма ёқни сочиб, бетартиб ахлат титишимни кўриб, жаҳли чиқди. Кекса Ричер менга бу “соҳа”нинг ҳам ўзига хос сирлари борлигини айтиб, қайси халтани очишни-ю, қайсиларига умуман тегмасликни, бу бефойда эканлигини ўргатди. Уйсизлигимни билиб, кулбасидан жой берди. Кекса Ричернинг на хотини, на болалари бор эди. Ичкилик туфайли яқинлари уни ташлаб кетишган. У туни билан ичар, хўнграб йиғларди. Аммо тонгда тетик турар, ҳеч нима бўлмагандай, мен билан бирга “ишга” отланарди. Биз кун бўйи ахлат идишларни титиб, кечаси анча-мунча “бойиб” кулбага қайтардик. Аммо тонглarning бирида кекса Ричер уйғонмади.

Қабр тошига ўзи васият қилган: “Кекса Ричер сизларни жуда яхши кўради” деган сўзларни ёздириб қўйдим. Кекса Ричер қачонлардир хотини ё фарзандлари уни ахтариб келишига ишонарди.

Шундан сўнг бор пулларимни йиғиб, кекса Ричердан мерос қолган кулбани ҳам сотиб, ўзимнинг савдо ишларимни бош-



ладим. Аммо рақобатчилар мени “янчиб” ташлашди. Олти ой ўтмасдан банкрот бўлдим, бу ҳам етмагандай, ҳам уйсиз, ҳам бир чақасиз қолдим. Бироқ хорлик устун келган кунларда ҳам орзуларимни ўлдирмадим, уларни асраб-авайладим, курашдим. Отам бу пайт Ойшаларнинг Истанбулдаги уйига кўчиб борди.

Кейинчалик очган цехим ҳали бир ёшга тўлмасидан банкротга учради. Банклар қарзини сўраб қўймасди. Эски ишимнинг азасини тутмай, янги иш бошлар, бири бўлмаса, бири мени бой қилишига ишонардим. Энг охирида реклама қоғозлар ишлаб чиқарадиган кичкина босмахона очдим. У ҳам беш ойдан сўнг касодга учради. Мен хатоларим устида қаттиқ ишладим. Ўқиган китобларимдан олган хулосаларимни амалда қўлладим.

Мен яна реклама қоғозлари билан шуғуллана бошладим. Аста-секин мижозларим сони ортиб борди. Мен эса туну кун меҳнат қилар, ишхонада ухлаб, шу ерда тамадди қилардим. Ва ниҳоят, мен биринчи марта ўзимнинг корхонам учун ишчи ёлладим – улар Ҳиндистон ва Хитойдан келган талаба йигитлар эди. Биз учаламиз тинмай меҳнат қилиб, ҳафтасига 50 доллар оладиган ишимизни, ҳафтасига 50 минг доллар фойда келтирадиган катта фирмага айлантирдик.

Биз биринчилардан бўлиб, бозор телевидениесини ривожлантириш мақсадида катта миқдорда кредит олиб, иш бошладик. Бу “ТВ-бозор” менга кутилмаганда улкан бойлик, қудрат олиб келди. Аммо шунда ҳам мен ҳали мақсадимга етмаганимни билардим. Биз двигателлар ишлаб чиқаришни бошладик ва тез орада дунё бозорига чиқиб бордик. Иккинчи йилданоқ жаҳон бозорига бизнинг двигателларга талаб ошиб, йигирмадан ортиқ мамлакат билан шартнома имзолашга эришдик. Бу битимларни тузиб, Флоридадаги вилламга қайтган куним онам Бухородан олиб келган тароққа қараб, ўкириб-ўкириб йиғлаганман.

У пайтга келиб турк хотиним менга тўрт ўғил тухфа қилганди. Отам неваралари бағрида, яхши кунларимни кўриб, бандликни бажо келтирди. Болаларим ўзбекча, туркча билишади, аммо инглизча ёзишади, гаплашишади... Мен эса... Мен...

* * *

Мана, неча йиллар ўтиб, ниҳоят, қариб-қартайган пайтимда Бухорога – ота ватанимга келдим! 90 йил ўтиб...

Эй Бухоро!!! Мана, мен! Мана, мен!

Сенинг ўғлинг, фарзандинг 90 йил ўтиб бағрингга келди!

Нега шу пайтгача қайтмадим? Олий ор-

зуимни, онамнинг, отамнинг армонини нега шу пайтгача бажармадим? Нимага? Хаёлимдаги, орзуимдаги, ўша булутлар орасидаги гўзал, мўъжизакор Бухорони йўқотиб қўйишдан кўрқдимми?!

Биласизми, келиш тугул, мен харитадан Ўзбекистонга қарашга ҳам кўрқардим! Ўйларим сароб бўлиб чиқишидан кўрқардим, Бухоро йўқ бўлиб чиқишидан кўрқардим. Эҳ... Бу ерга келиб акамни, онамни тополмасликдан кўрқардим! Ахир, улар мен учун шу маҳалгача Бухорода эдилар, Бухорода...

Эй Бухоро! Бундан 90 йил аввал қувғин қилинган ўғлинг келди... Миллионлаб сургун қилинган фарзандларингдан бир вакил бўлиб келди... Очликдан, қувғинликдан, тутқунликдан, хорликдан, зўрликлардан ўлиб кетмаган, барига чидаган боланг келди. У тирик!

Ватан нималигини билмай кетган чақалоқ, онаси, акаси, ўтмиши, ватанини қидириб келди. Эй, ота юрт, биласанми, қанчадан-қанча одамлар сенга етолмай, сени бир бора кўришга зор бўлиб, беватан, бекафан ўлиб кетдилар. Улар бир бора Ватаннинг мусаффо ҳавосини сипқориш учун, бир марта кўхна ғиштларингни силаш учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар.

Худо уларга қанча кўз ёш берган бўлса, сен учун тўкишди, қанча сўз берган бўл-

са, сени дуо қилишди. Эй Ватан, Ватан, сен уларни унутмадингми? Мени танияпсанми?!

Менинг икки куним бор. Бир йилнинг фақат икки кунда менга ҳеч ким иш ҳақида гапирмайди, чунки шу кунларда мен байрам қиламан! Ўша кунлари менинг уйим олдида бева-бечоралар учун эҳсон берилади. Хайрия тадбирлари ўтказилади, миллионлаб пулларни улар учун сарф айлайман. Ҳар йили шу икки кун келишини кутиб яшайман. Бу кунларнинг бири – 24 июль. Ўша куни менинг «Мовий кўзли бургутлар» деб номланган двигатель заводим ишга тушган ва мен бу кунни азобларим ариган, иродам ғалаба қилган, акам, онам, отам ва синглимнинг орзулари ушалган кун сифатида нишонлайман.

Иккинчи куним – 2 март! Нью-Йорк осмонида, БМТ биноси олдида озод ва хур Ўзбекистон байроғи ҳилпираган кун!

Ўша куни мен «Мовий кўзли бургутлар» заводимнинг филиалини Японияда очиш учун битим имзолашга кетаётгандим. БМТ қароргоҳи ёнидан ўтаётиб, кўзим Унга тушди-ю, қотиб қолдим. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Шеригим ҳайрон бўлиб нималар деганини эслолмайман... У йўлнинг ўртасида тушиб, қаерга кетиб қолганимни ҳам билмай қолди. Ўша куни БМТ осмонида бир

улкан, ёруғ, нурли ҳисларга тўла халқимни кўрдим. Мен ўзбекча гапирганча тиз чўкиб йиғлар, ўткинчиларнинг туртишлари-ю, елкамга тасалли учун қўл чўзишларига парво қилмас, онамга ўхшаб ўкириб-ўкириб, елкаларим учиб-учиб, силтаниб-силтаниб йиғлардим. Шунча йиллик мусофирлигим, онам, акам, сургунга учраган халқим вакиллари учун йиғлардим.

Байроқ тепада эди, осмонда эди, аммо у шунчалик менга яқин эдики, унинг майин толалари юзимни силар, кўз ёшимни артарди... Эҳ, Ватаним!

Бу Ватан байроғи эди.

Мен Ватанимнинг нафасини туйгандай, Бухорони қучгандай бўлдим...

Отажон, Флоридадаги сиз ётган қабрининг тупроғидан олиб келиб, Бухоро узра сочяпман. Бу тупроқ ота-боболарингиз тупроғи билан қовушади. Бахтиёрмисиз, ота? Мана, Ватаннинг тупроғига, чангларига – аждодлар хокига, шамолларга қўшилиб учинг! Миноралар устидаги лайлақлар билан бирга парвоз қилинг, Отажон!

Она, мен бекорга шунча вақт кутган эканман. Эртароқ бу ерга келсам, бу тупроқни қучсам бўларкан... Сизнинг Бухорога кетганингизни билардим-у, у ердан тополмасам нима қиламан деб ўйлардим. У ерга борсам, болаликдаги беғубор тасаввурларим тўзғиб

кетишидан, шубҳалар орасида қолиб кетишидан қўрқардим. Бекор қилган эканман! Нега бунча кутдим?

Бухорода экан ҳамма-ҳаммаси... Барчаси менга, болаларим, невараларимга ўхшаркан – юзи, қошу кўзи... Болаларим...

Онажон, акажон, Бухоро минорасига чиқиб, сиз ётган Афғонистон тарафга қараб турибман... Тинч ётибсизми? Энди хурсанд-мисиз?

Мана, орзуларингиз ушалди, 90 йил ўтиб бўлса ҳам! Орзулар ўлмайди, ўлмайди... Дарёлар оқишдан тинмаганидек, шамоллар, нурлар, гуллар, баҳорлар мангу яшнанидайдан чин орзулар ҳам ўлмайди, онажон! Осмондан гоҳ қор, гоҳ ёмғир ёғаверганидай, ой-юлдузлар мангу боқаверганидай, қишда учиб кетган қушлар баҳорда қайтганидай мен ҳам қайтдим, қайтдим!!!

Дунёда нима кўп – зулм кўп, бало кўп, жазо кўп! Аммо бегуноҳ инсонни мажбурлаб, ўзи туғилган жойидан, ўзининг элидан, ўзининг нонидан, ўзининг сувидан, ўзининг дарахтларидан, ўзининг дарёларидан, ўзининг мазоридан, ўзининг меҳробидан, ўзининг осмонидан айириш, жудо қилиш дунёдаги энг катта гуноҳ, даҳшат ва инсониятга қилинган ваҳшийликдир!

* * *

Сизни топдим, она! Бозорда кўрдим!
Дўппи сотаётган экансиз! Ўхшатдимми де-
дим, йўқ, қуйиб қўйгандай ўзингиз... Кейин
қишлоқларда ҳам кўрдим! Бухорода бир
эмас, кўп экансиз, Онажон! Ҳа, аниқ сиз!

Акамни ҳам кўрдим! Айниқса, новвой
йигит акамга Ҳасан Ҳусанига ўхшагандай ўх-
шайди. Қойил!

Лекин алдаган экансиз, она, алдаган
экансиз! Бухоро қандай жой деганимда:
“Йиғламайдиган жой” дегандингиз... Мен
келганимдан бери йиғлаяпман, сизни кўриб,
акамни кўриб, Бухорони кўриб...

Мана, мен келдим, Бухоро!!! 90 йил
ўтиб...



АЁЛ

У фермернинг ёлланма ишчиси эди. Пахта, картошка, пиёз, кунжут ўтоғида кунлик тўлов эвазига меҳнат қилар, эри ишсиз, оила у топган пул билангина кун кўрарди.

Бу йил сув яхши бўлиб, ишлайман деганга юмуш мўл бўлди. Шунинг учун аёл эрта баҳордан бери тинмас, дам билмай тер тўкарди. Аммо ёз тугамай у чарчади, ҳолсизланди, кучи қайтди. Мана, уч кун ичида ҳам даладаги пиёзни ўтаб бўлмади. Гарчи эрта тонгдан то кун ботгунига қадар тиним билмай ишласа ҳам.

Бугун тўртинчи кун. Айнан бугун дам олмоқчи эди. Аммо ишни тугатиши керак. Тугатиши шарт.

Ҳали қуёш қишлоққа салом бериб, ўйноқи тераклар майин шабадага тебраниб шивирламасданок аёл ўрнидан туриб, уйдаги юмушларини саранжомлади. Кир ювди, сигир соғди, сут пиширди, нонушта ва тушлик учун нималардир тайёрлади. Кейин эски кийимларини кийди-ю, кавушини судраб, дала томон ошиқди.

Анча вақт бош кўтармай ишлади. Аммо тушга бориб очиқди. Кўнгли айниб,



ҳолсизланди. Қуёш ҳафсала билан далани қизитар, қилт этган шабада йўқ. Аёлнинг бутун танаси қора терга ботиб, нафас олиши қийинлашди. У фақат чанқаганда ўрнидан турар, шундагина ёқасидан шамол кириб, бироз енгил тортарди. Қотиб, ачишиб оғриётган белини машқ қилдирган бўларди, оғриқ тугамаса, қўлини мушт қилиб, енгилгина уриб қўярди. Аёл ўрнидан турганида кўз олди қоронғилашиб, боши айланди. Йиқилиб тушай деди. Рўмолини ариқдаги бадбўй дори анқиётган сувга чайиб, пешонасига босди ва бироз ўзига келгандай бўлди.

Янги буғдой сингари нишлаб, бегона ўтлар билан жой талашиб ўсаётган пиёзлар ҳам қуёш тиғидан қўрқиб, нозик бошларини эганча қилт этмай туришар, аёл эса вақтини беҳуда ўтказмасликка интиларди.

Пиёзпоя кераксиз ўтга тўла. Бегонаси шунчалик кўп эдики, қайси бири ўт, қайси бири пиёз эканлигини тажрибасиз ишчилар ҳадеганда билолмасди.

Аёл қорайиб, ёрилиб кетган қўллари билан ҳар бир ниҳолни авайлаб, ортиқча ўтлардан тозаларди. Майда иш кўп вақтни талаб қилади.

Фермер жувонга жуда ишонар, ишини кўнгилдан бажаришини билиб, ортидан

текширмасди. Ҳақ тўлашда бошқаларга нисбатан унга бироз сахийлик қиларди.

Аёл ишни битирганида ҳали кун ботмаган, куёш уфққа эгилган кўйи гўё кун билан тиғларига чидаган жувон кўзларига масхараомуз боқиб турарди. Унинг боши айланиб, ўтириб қолди, кейин узоқ йўталди. Ариқдан ҳовучлаб сув ичиб, юзини ювгандагина ўзига келди. Чуқур нафас олди. Қуёшга термилди.

Фермернинг иш бошқарувчисидан келишилган пулни олар экан, қимтинибгина раҳмат айтиб қўйди. Ҳар гал иш ҳақини олганда титраётгани сезилиб туради. Ҳалол меҳнатнинг хузурбахш титроғи шу бўлса керак-да...

Фермернинг қари иш бошқарувчиси эса, арзимаган пулга мамнун бўлиб, кавушини судраганча, пилдираб кетаётган жувоннинг кундан-кунга чўкиб бораётган қоқсуяк гавдасига қараб ачинади. Пичирлаб, тишланиб кимнидир, ниманидир бўралатиб сўкади.

Аёл тўғри бориб қишлоқнинг тунука билан ўралган дўконига кирди. У ерда турлитуман ноз-неъматлар кўзни яшнатиб турар, уларга нигоҳи тушгани сайин қўлидаги пулини маҳкамроқ қисимлаб оларди.

– Кечирасиз, менга иккита рангли сув билан бир кило гуруч беринг.

– Рангли сувнинг қайсисидан? – сўради
беэътибор сотувчи.

– Фарқи йўқ.

– Менгайм фарқи йўқ, – деди-ю, шундоқ
қўл узатар жойда турган сап-сарик сувнинг
бирини олиб узатди.

– Гуручнинг қимматидан бўлсинми, ар-
зонидан?

– Қимматидан... Сув кўтарадиган бўлсин.

– Яхши... Яна?

– Ярим кило шоколад ҳам беринг...

– Қанақасидан?

– Оддийсидан.

– Оддийси ҳам қиммат-да, янга?

– Майли...

– Бугун зиёфат бўляптими?

– ...

Аёл қўлидаги пулга қараб, уни батгаррок
қисди. Ютинди.

– Бўлдими?

– Йўқ! – деди аёл бироз ўйланиб. – Ҳмм...
Аччиқ сувингиздан ҳам беринг... анави...
оқидан...

– Нима, акамнинг меҳмонлари борми?

– Шунақароқ...

– Қиммат-да, майлими?

– Майли...

– Шаҳрисабзникими ё Тошкентники?

– Фарқи йўқ.

– Пулингиз етадими?

– Етади, – хижолат бўлаётганини сездирмаслик учун у қўлидаги пулга қараб қўйди. Тўрт кун ишлаб топган пуллари қоп-қора қўллари орасида ғижимланиб турарди.

Сотувчи яна нима олишини сўраб ҳам ўтирмай, ҳисоб қила бошлади. Аёл бир елимхалтага жойланган нарсаларга, бир қўлларида ғижимланаётган пулга қараб қўйди. Ҳамма олган нарсасини қайтариб бериш фикри вужудини бир сония тирнаб ўтди. Ютинди, йўталди, чуқур нафас олди. Шу пайт дўкон ичига қаердандир шамол кириб, ҳамма жойни чангитиб юборди. Аёл энди оғирроқ йўталиб қолди. Сотувчи эса беписанд тиржайиб:

– Мана шунча пул бўларкан, янга... – дея ҳисобни кўрсатди. – Нимага индамайсиз? Пулингиз камми?

– Йўқ, оламан!..

Аёл тўрт кун қуёш тиғида қовурилиб ишлаган пулларининг ҳаммасини ғижимланган ҳолда стол устига қўйди ва харид қилган нарсаларини кўтариб, дўкондан кетишга тараддудланди. Сотувчи кўзларини катта-катта очганча, пулларни текислаб, санар экан: “Ҳаммаси тўғри экан, янга!” деб қўйди.

– Бугун қандай кун ўзи? – деди яна аёлнинг ортидан.

Аёл жим чиқиб кетаверди, сотувчи яна жаврайверди:

– Акамни ҳам ишлатинг-да... Куруққа уйда ётқизиб, ҳўкиздай семиртириб боқмасдан.

Аёл уйига кирганида куёш далалар бағрига қизарибгина ботарди. Эрининг эндигина уйқудан тургани сезилиб турар, ишком остидаги ариққа оёғини тиқиб, шу сувга узум ювиб ер эди. У хотинини кўриб, оғзини катта очганча эснади. Аёл эса остонада эрига қараб бироз турди. Кўнгли ағдарилди. Эр эса бепарвогина ишкомдан яна узум олдию, бу сафар ювмасдан оғзига солди. Хотинининг кўлидаги бозорликларга назар ташлаб, кавшанганча:

– Нима кўтариб юрибсан? – деди.

Аёл бошини эгганча, ошхона томон кетди. Ошхонада тушликдан бўшаган косатовоқлар ёйилиб ётар, устини пашша талаб, атрофида қовоқари гўнғиллаб учарди. Аёлнинг бурни ачишди, кўзлари оғриб кетгандай бўлди. Чуқур уф тортганча, ўтириб қолди. Рўмолини сидириб олганида жувоннинг сочлари орасидаги оппоқ толалари ҳам уфқнинг қизғиш нурларида товланиб кетди.

Йиғидан фойда йўқ. Ўзидан бошқа бу ишларни қиладиган ҳам йўқ. Ҳадемай болалари овқат деб келади. Кийимларини ҳам алмаштирмасдан ишга тушиб кетди.

Йиғиштирди, ювди, қозонга ўт ёқиб, ёғ солди. Бузоқчанинг зорланишига раҳми келиб, ошнинг сабзисини солгач, сигирни ҳам соғиб олди.

Бу орада ўғиллари кўчадан келиб қолди. Каттаси ўн икки ёшда. У ҳам отасига ўхшаб тўлачадан келган, ялқов, гап олмас бола. Иккинчиси саккиз, учинчиси тўрт ёшда. Аёлнинг бор умиди ўртанчасидан. У мол боқар, ўт юлар, уй юмушларида ҳам онасига ёрдам берарди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Барибир ош пишгунча кеч бўлиб қолди. Аёл бу орада уй ичию ташқарисини саранжом-саришта қилган, супага сув сепиб, супуришга ҳам улгурди. Атрофни нам тупроқ ва райҳоннинг нафис ифори тутиб кетган эди. Ўғиллар супада ош сузилишига интиқ бўлиб ўтиришарди. Эр эса, қорнини қашлаганча, ким биландир телефонда гаплашар, ҳар замонда қаттиқ кекириб, супа устидан райҳон тарафга тупурарди. Аёл ошни сузиб келганда, болалар онасига ёзгира бошлади:

– Шунақа ҳам кеч пиширасизми? Ҳадемай футбол бошланади-ку!

Эри эса ош лаганни ўзига ўнғай қилиб тўғрилади. Аёл бир дам болаларининг, эрининг оғзига жим тикилиб турди, кўзларига қаради. Кейин шартта ўрnidан туриб, дўкондан олиб келган шоколад, ширин ва

аччиқ сувни дастурхон устига қўйди. Болалар хурсандчиликдан чапак чалиб юборишди. Эрнинг аччиқ сув шишасини кўриб кўзлари ўйнаб кетди. Кейин хотинига:

– Тинчликми? – деди.

Аёл индамади.

Болалар севинганидан қўлларида пиёла ушлаб, ширин сувни талаша бошлашди. Ота баркашдай қўлларини иссиқ ошга ботириб ея бошлаган ҳам эдики, хотинининг ҳаракатини кўриб, қотиб қолди. Болалари ҳам шу зайлда онасидан кўз узмай қараб қолишди. Аёл қорайган қўллари билан аччиқ сув шишасининг қопқоғини очолмай қийналар, тишлари билан очмоқчи бўларди. Негадир кўзлари ёшланар, лаблари титрарди. Эри ошга ботирилган қўли куюётганини ҳам, болалари эса очиққанини ҳам унутиб, онанинг ҳолатини кузатиб туришарди. Кўзларидан дона-дона ёш думалаб кетди-ю, аёл қийнала-қийнала шишани очди. Қўллари титрар, жунжикарди. Аёл пиёласига тўлатиб аччиқ оқ сув қуйгач, ҳаммага бир-бир қараб қўйди-да, йиғига қорилган овозда:

– Туғилган куним... туғилган куним... қутлуғ бўлсин! – деди ва аччиқ сувни кўзини чирт юмганча ичиб юборди.

ҚИЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВИМ

Йигирма етти ёш. Уйланишнинг айна пайти. Бу ёшни бизнинг шаҳарда “учрашувлар мавсуми” деб ҳам аташади. Гўё шу учрашувларсиз турмуш қуришнинг иложи йўқдек! Бизда бу одат қачон расм бўлган, билмайман. Лекин ҳеч ким бу анъанадан бўйин товламайди. Шубҳа қилиш у ёқда турсин, баъзилар, “ана шунда бахтинг очилиб кетади” деб кафолат ҳам беришади. Учрашувга чиқасан, севасан, уйланасан ва сендан бахтли одам бўлмайди. Гўё учрашувлар мўъжизага тўла-ю, бирдан бахт кулиб боқадигандай.

Йигит ва қиз учрашувини ота-оналар белгилайди. Шунинг учун бу шунчаки танишув ёки кўча-кўйда кўришадиган икки ёшнинг дийдорлашувидан анча фарқ қилади. Анъанага айланган, икки ёшнинг тўй олди танишуви. Ҳатто буни кичикроқ маросим десак ҳам бўлади. Шул сабаб ота-оналар бунга жиддий ёндашади. Болаларини кўча-кўйда эмас, ўзлари тайинлаган кўришувлардагина муносиб ёр топиши мумкинлигига ишонтиришади.

Мен ҳам бўйдоқман, менинг ҳам ёшим йигирма еттида. Аммо ота-онам ширин

ташвишларимни чекиб, ғамхўрлик қилолмайди. Чунки улар икки ёшлигимдаёқ ташлаб кетишган. Отам қайтмайдиган дунёга, онам эса мени қари бувимга ташлаб, шаҳримиздан беш юз километр узоқликдаги Қўқон шаҳрига турмушга чиқиб кетган. Ҳозир кам кўришиб турамиз, оила бошлиғини “дада” дейишга тилим бормайди. Шунинг учун ойимни кўргани Қўқонга борганимда ёки улар келганида меҳмон акага гапирмай қўйишни афзал кўраман. У ҳам сергап эмас. Еттита жигарим ҳам бор. Мен уларни танийман...

Бувимнинг қўлида тарбия топдим. Бувим ҳам мактабни тугатишимга икки ойгина қолганда қайтмас дунёга сафар қилдилар... Жойлари жаннатда бўлсин! Шундан сўнг, батамом ёлғизланиб қолдим. Ота-онам йўқ. Бувим, синфдошларим йўқ. Ҳаётнинг қизиғи қолмагандай эди. Кўзимга нуқул эски шаҳардаги жин кўчалар, ахлат идишлар, қувурларда моғор босган сув ва унда ачиб-сасиган ўлик мушуклар кўринадиган бўлиб қолганди. Хуллас, журъатсиз ва ишончсиз, умидсиз ўсмир эдим. Бу ҳолдан қутулиш учун ўзимни ҳар ёққа урдим, пул топишни, жуда кўп пул топишни ният қилдим. Пул бу қудрат ва бахтнинг ягона калити деб ўйлардим. Бозорда куним ўтадиган бўлди. Иш

кўплигидан бемаъни ўйлар суришга мажолим қолмасди. Тонг бўзариб отмасдан бозор атрофини супуришим, кейин эса бир чеккадан ярим қулоч жой олиб помидор ва бодринг сотишим мумкин. Бора-бора ишга кўникиб, машаққатим камайган сайин кўз олдимдан яна супуринди ахлатлар айлана бошлайди. Ҳаётимда ахлат челақлар улканлашса улканлашдики, йўқолмади. Топган пулим ҳам бойиб кетдим дейишим учун етарли эмасди.

Шундай кунларнинг бирида профессор Султон ака билан танишиб қолдим. У доим ишдан кеч қайтар ва ўтмай қолган, ириган-чириган помидорларимни харид қиларди. Айтишича, хотини қизил икра қилишни суяр экан. Профессор билан бир куни Пифагор қонунлари тўғрисида суҳбатлашиб қолдик. Ёшлиқдан математикага қизиқардим. Хуллас, савдони ҳам унутиб, икковлон қоғоз картонларни тўлдириб, формулалар ёзиб ташладик. Шунда мен профессорнинг ўз касбини нақадар яхши кўришини англаб, унга ҳавасим келиб кетди ва эрталаб профессор бўлиш орзуси билан уйғондим. Савдони ташлаб, китоб ўқишга тушиб кетдим. Шунда кўз олдимдан ахлатлар аригандай бўлди. Биринчи йил ўқишга киролмай йиқилишим

менинг фожиам эмас бахтим бўлиб чиқди. Ноҳақликлар туфайли йиқилган бўлсам-да, мени бу мағлубият янада кўпроқ, кучлироқ ҳаракат қилишга, кўпроқ китоб титишга мажбур қилди. Энди туну кун, аввалгидан ҳам кўпроқ ўқишга тушдим. Кейинги йил грант соҳиби бўлдим. Ҳа, ҳаёт фаслларнинг турфа рангларига ўралашиб кетаверар экан. Мана, ўтган йили магистратурани ҳам тугатдим. Ҳамон тоғамнинг уйида яшайман. Аввал ҳам шу уйда яшардим, фақат бу уй олдин бувимники эди. Энди эса тоғамники...

* * *

Шундай қилиб, магистратурани тугатиб, омадим келиб нуфузли идорага ишга ўтиб кетмагунимча менинг ҳам бўйдоқ эканлигим ҳеч кимнинг эсига келгани йўқ. Хуллас, катта идоранинг кучли шамоли эсиб, шаҳримиздаги урфга бўйсунадиган, биз фақирни-да, эслайдиганлар чиқиб қолди. Бошдан бундай учрашувлар менга маъқул кўринмаса-да, улғайганим сайин хавотирга тушиб қоладиган бўлди. Бора-бора ўша мўъжизали учрашувлар умид бағишлай бошлади. Гарчи ўзим ҳам шундай учрашувларнинг натижасида бино бўлган оиланинг аччиққина меваси бўлсам ҳам. Бунинг усти-

га, мен ҳам ҳозирги ёшлар каби туйғулар бо-
бида журъатсиз, ҳиссиз эдим.

Хуллас, менинг ҳам ширин ташвишла-
рим билан андармон бўладиган одам топил-
ди. Бу тоғамнинг хотини эди. Унинг ўғли
ҳали мактабда ўқир, шунинг сабаб кели-
нойимга қиз қидириш маросими мароқли
машғулот бўлиш билан бирга, яхшиги-
на тажриба орттиришнинг йўли ҳам эди.
Ишим кўп, фақат якшанба куннинг нақ ик-
кинчи ярмини учрашувларга сарфлашим
мумкинлигини келинойим билан келишиб
олдик ва бошлаб юбордик!

Бошида ўта ҳаяжонли бўлса-да, тани-
шувга чиқаверган сайин кўз пишиб, ўрга-
ниб ҳам қолар экансан. Масалан, биринчи
учрашувдан кейин қизни хушламаганимни
айтганимда, келинойим хандон отиб кулиб
юборди. “Билгандим”, деди. Ўйлашимча,
бу мароқли вазифа бирдан тугаб қолишини
келинойим асло истамасди. Ҳаш-паш дегун-
ча бир ойда тўртта қиз билан кўришишга
улгургандим. Ҳаммаси бой хонадоннинг
қизлари денг, учрашувга баланд уйлاردан
чиқиб келишарди. Ҳа, айтганча, у пайтлар
тоғамнинг иши ривожланиб, анча бойиб
қолганди. Номзодлар ҳам – савдогарларнинг,
терговчи-судьяларнинг, нуфузли банкларда
ишлайдиган акаларнинг ойимқизлари эди.

Қандолат дўконлари орқали анча ўзларини тиклаб олган келинойимнинг айтишича, ишлайдиган жойимнинг нуфузи, тоғамнинг дўконлари ва баланд бўйларим билан биз ҳам уларга тенг келарканмиз. Ҳар ҳолда, келинойимнинг фикри ана шундай.

Учрашувларда умуман уйланиб бўлмайдигани ҳам ёки бирдан «Урра, тўй» деб юборадиган қизлар учрамасди. Уларнинг кўпчилиги менга маъқул келар, камина ҳам уларга ёққандай бўлардим. Ҳатто баъзилари билан телефонлашиб ҳам турардик. Лекин ҳамон мен бўйдоқ, улар эса, бошқа йигит билан учрашувга чиқиб кетаверарди. Гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек. Ҳатто бир қиз телефон қилиб, ўзининг бахтли куни – никоҳ оқшомига таклиф қилишга ҳам улгурди. Кўнглига яқин олган бўлса керак-да! Не қилайлик, тақдир!

Ойлар ўтар, бир-биридан ҳузурбахш ва асаббузар якшанбалар ҳам қариб кетаверарди. Ниҳоят, учрашувлардаги омадсизлигим келинойимни ҳам безор қилди. У жуда толиқди, шашти пасайди. Бир куни учрашувдан қайтганимда, бугунги натижани билмай туриб, навбатдаги қизнинг расмини телефонидан кўрсатди. Менга қиз ёқмаслиги келинойимнинг онгига ўрнашиб қолгандай эди, гўё.

Мен учрашувлардан чарчадим. Тезроқ бирортасига уйлансам-у, ҳаммасидан қутулсам деб ўйлардим. Лекин ўша бирортасини танлаш мен учун машаққат эди. Ҳеч кимни севиб ҳам қололмадим. Муҳаббат ҳам гўё шу учрашувларда пайдо бўладигандай эди. Ўша пайтлар негадир яна кўз олдимга супуринди ахлатлар келиб, бурнимнинг тагида қўланса ҳидлар анқийдиган бўлди.

Бир куни келинойим шаҳар прокурорининг қизи билан учрашув белгилашга муяссар бўлди!

Мен бу кўришувга алоҳида тайёргарлик кўрдим. Ҳар ҳолда, ҳурматли одамнинг қизи. Учрашувда прокурор қизининг маъюс кўзлари менга ёқди. Қиз бадавлат қонун ҳимоячиси эмас, кўпроқ буюк рассом бўлишни орзу қилган оддий тасвирий санъат ўқитувчисининг қизини эслатарди. Уни прокурорнинг ўғай қизи бўлса керак деган хаёлга ҳам бордим. Лекин, нима бўлганда ҳам унинг бошқаларга ўхшамайдиган маъсум қиёфаси бор эди. Афсус, на қилайки бу қизга мен маъқул келмабман. Келинойимга у: «Жиянингиз яхши йигитга ўхшайди, аммо унга раҳмим келди», – деган эмиш. Қиз йўлини пойладим, лекин унга дуч келмадим. Чамаси бир ойлар ўтиб, келинойим ўша қизнинг Қашқадарёдан

келган новвой йигит билан қаергадир қочиб кетганини айтганда, маъсумлик сабабини тушунгандай бўлдим. Очиғи, новвой йигитга ҳавасим келиб кетди. Бойлик ва у яратадиган чексиз қулайликларни ирғитиб, номаълум томонга кетган қизнинг туйғулари ҳақида ўйлай бошладим.

Шундай қилиб, келинойим ҳам зерикди, у энди ҳар замонда худди боласини боғчага оборгандай хотиржам ҳолда мени учрашувларга бошларди. Энди ўзи натижа билан қизиқмайдиган бўлиб қолган эди. Ниҳоят, хотинининг сустлигидан жаҳли чиққан тоғам менга ўзининг фармацевт дўстининг қизини тавсия қилди. Тоғам кетаётиб менга қаттиқ тайинлади:

– Эй бола, нима бўлганда ҳам қизга ёқишга ҳаракат қил!

Мен ҳар доимгидай якшанбанинг ярмини ишхонада ўтказиб, учрашув белгиланган жой – кинотеатр томон шошилдим. Гўё уйланиш учун эмас, тоғамнинг муҳим бир юмушини бажариш учун кетаётган оқибатли жиянга ўхшардим. Кўкда аллақачон қора булутлар жанги бошланган, ҳадемай ёмғир ташлаб қолса керак деб тургандим. Ўйлаганимдай, кинотеатр олдида қиз билан кўришиб, икки қадам юрмасимиздан ёмғир

томчилай бошлади. Кейин бирдан кучайди. Чопиб кинотеатрга кириб олдик.

Фармацевтнинг фарзанди ақлли қизга ўхшарди. У жуда мулойим гапирар, осмондан тушаётган ҳар томчидан кўрққандай, кўзларини пирпиратарди. Мен эса, соябонимни ёяр эканман, кўлларимни очиб кафтимга ёмғир томчилари урилишидан завқ олдим. Ўйноқи томчилар компьютер сичқончасидан бошқа нарсадан бегоналашган кўлимни титратиб, бутун танамни яйратиб юборарди.

Бу қиз кўп гапирмас экан. Мен ҳам жим ўтиравердим. Фильм эса шовқин-суронга ва сохта воқеаларга тўла эди. “На образли тасвир, на мантиқ бор” дейди-ку газеталарда, бу фильм ҳам худди шундай эди.

Биз ўта маънисиз ва савиясиз фильмга чипта олган эканмиз. Аммо кўпчилик қикир-қикир кулишар, ўзларини яйраётгандек тутардилар. Ахир кинотеатрга кирган одам дам олиши керак-да! Қиз ҳам менга кўшилиб, бўзрайиб ўтираверди. Лекин фильм ўрталарига бориб у қизиқиб кетди, шекилли, менга қараб “қизиғ-а” дегандай, жилмайиб кўйди. Мен ҳам қизиқлигини тасдиқлаб, табассум қилдим. Аслида, кетаётган вақтимга ичим ачирди. Бунинг устига, кинозалнинг намхуш, зах ҳавоси нафасимни



бўғар, шунинг учунми нуқул йўталардим! Бу ҳам етмагандай олди қаторда ўтирган “севишганлар” тинмай ўпишишарди. Лаблари толиққанда эса, тиллари осилгунча жаврашарди.

Ниҳоят, экранда фильм ижодкорларининг номи кўринди. Кимдир ҳақоратли сўз билан уларни сўкди. Ёнимда фармацевт бўлмаганда, ўзим ҳам балки унга қўшилган бўлардим. Мен учун кино ўн соат давом этгандай бўлди. Эссиз вақт!

Ташқарида ёмғир майдалаб, бир маромда ёғиб турарди. Мен қиздан кино ҳақида эмас, фармацевтика соҳасига оид савол бердим. У бирам ширин, ҳар бир сўзини асал билан сийлаб гапирарди. Бирон сўзи одоб доирасидан чиқмасди. Учрашувга яхши тайёргарлик кўргани билиниб турар, замонавий кийинган, пушти пальтоси унинг тиниқ юзини янада чиройли кўрсатиб турарди. Биз кинотеатрдан юз метрлар наридаги кафега кирдик. Мевали ширинлик буюртма қилдик. У ширинликдан “чўқиган” бўлди-ю, лекин емади. Мен ҳаммасини еб қўйдим. Чунки ишдан чарчаб, очиқиб чиққандим.

Учрашувлардан безганим, бунинг устига тоғамнинг иззати учун шу қизга уйланишим лозимлигини ҳазм қилолмай қийналардим. Ичим кино залидагидай намхуш, зах ва

қоронғи эди. Ўзим ҳам ўша фильмдагидай бемаъни ҳолатда эдим. Шунда ҳеч қутилмаганда қизга савол ташладим. Бу саволни қандай берганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳар ҳолда, гап тополмаганимдан оғзимдан чиқиб кетган бўлса керак.

– Китоб ўқийсизми?

– Нимага бунақа савол беряпсиз?

Мен унга: “Ёшлиқдан сизга ўхшаган одобли ва оппоқ юзли қизлар кўп китоб ўқиса керак деб ўйлардим”, демоқчи бўлдим-у, индамадим. Жим кўзларига қараб туравердим.

– Китоб ўқишни ёқтирмайман. Бадиий китобни эса умуман. Ўзи...адам-ла...

– Нима, сиз китоб ўқиш шарт эмас демоқчимисиз?

– Меники аниқ соҳа-ку?

– Аниқ соҳага бадиий адабиёт қандай қудрат бағишлашини биласизми? Кашфиётларга, инсоният тасаввур оламининг кенгайишида адабиётнинг хизмати катта. Масалан...

– Менга бундай ютуқлар керак эмас. Мен дорихона очаман.

Бу гапни у шундай оҳангда айтдики, бундан фахрланиш туйғуси борлигини англадим.

Унинг юзи бирдан ўзгарди. Кўзлари

олайиб, ғалати бўлиб кетгандай туюлди. Мен унга бошқа савол бермадим ва соатимга қарадим. Соатимга қарадимми, демак ҳар доимгидай, қиз менга...

– Адабиёт нима учун кераклигини биласизми?

– Йўқ.

– Сизга айтайми?

– Билсангиз айтинг?

У менга шундай эринчоқ нигоҳ ташладики, бу “сенинг фикрингни сариқ чақага ҳам олмайман” деган маънони англатарди.

– Туйғулар ўлмаслиги учун, уларнинг яшаши учун, агар бўлса....

– Нима?

Мен қизга жавоб беришдан олдин, официант йигитни чақириб, ҳисоб-китоб қоғозини олиб келишни айтдим. У столим четидаги кичкина қурилмани кўрсатди. Мен бу қурилмадан қанча тўлаш кераклигини кўриб, ҳисоб қартамдан пул ўтказдим ва биз ўрнимиздан турдик.

Ташқарида ҳамон ёмғир ёғарди. Қизнинг бўйи меникидан анча паст кўринди. Шунинг учун ёмғирпўшни олмадим. Ғалати кўринмасин дебми, билмайман. Балки қиз менга умуман ёқмагани учундир. Кейин анча вақт қилган ишимдан афсусланиб юрдим! Қизни отаси юборган машина келиб, олиб кетди.

Мен эса, кўчада анча вақт ёмғир остида ивиб хаёл суриб пиёда сайр қилиб юрдим. Фармацевтнинг қизи уйга бориб, ойиси билан қандай суҳбат қилишини тасаввур қилиб кўрдим. Тахминимча, ўрталарида шундай суҳбат бўлиб ўтган бўлса керак:

– “Унинг нимаси ёқмади, қизим...

– Билмасам...ғалати...

– Ахир, унинг қаерда ишлашини билсанми? Тоғаси ҳам ўзига тўқ одамлардан экан! Нима, кийинишига қараб баҳо берясанми?

– Йўқ. Жуда замонавий кийинган... Пальтоси бирам ярашган экан. Қошлари қоп-қора, бўйлари узун йигит экан.

– Бўлмаса нимаси ёқмади, оппоғим?

– Мен билан у адабиёт ҳақида гаплашди.

– Шеър ўқидими?

– Йўқ, туйғулар, бахт ҳақида, китоб ўқиш ҳақида гап бошлади... Хуллас, қўйинг, менга тўғри келмайди. Қандайдир зерикарли кўринди...

– Яхши қилибсан, сенга ишбилармон, топаман-тутамаман дейдиган бола керак... Мана бу расмга қара-чи, сен учрашувдалигингда келиноинг ташлаб кетди. Ўзи учрашувга олиб чиқар экан.

– Қаерда ишлар экан...

– Адаси...”

Фармацевт қизнинг уйида шундай гаплар бўлиб ўтганлиги табиий. Бизникида эса, ҳеч қандай гап бўлмади. Тоғам бир-икки кун оғзимга қараб юрди-ю, кейин эсидан чиқиб кетди.

* * *

Шу кунларнинг бирида самарқандлик курсдошим телефон қилиб қолди.

– Мен билан учрашувга бирга чиқмасанг бўлмайди, жўра. Тошкентда сендан бошқа тенгқур биродарим, йўқ. Қиз эса дугонаси билан чиқармиш, келмасанг қаттиқ хафа бўламан.

– Майли, қачон учрашувинг?

– Душанба куни, соат 14:00 да!

– Эсинг жойидами, душанба куни сира иложим йўқ. Бу пайтда бизларда йиғилиш бўлади-ку!

– Йиғилиш ҳар душанба бўлади, лекин мендай дўстинг қайтиб келмайди... Ўзи сизлар шунақасизлар... катта лавозимга ўтириб олиб, бизларни, оддий халқни унутасизлар.

– Тўхта! Валдирама, бораман!

– Қойил, кечикмай бор, дўстим!

Лекин мен барибир йигирма дақиқа кечикиб бордим. Улар аллақачон кинотеатрга кириб кетишган экан. Ўртоғимга телефон қилдим. У мени “яхши гаплар” билан “сий-

лади". Мен эса, "чиққунларингча яхши жой ҳозирлаб тураман" деб зўрға кўндириб, телефонни ўчирдим. Шу яқинда дуруст ресторан борлигини билардим. Шу ерга бориб жой буюртириб қўйдим ва уларни кута бошладим. Кўзим беихтиёр стол устидаги гуручдеккина овқат юқига тушди-ю, уни артиб ташлаш давомида яна дилгир хаёлларга берилдим.

Онам ҳозир еттита боласи билан овора бўлса керак... Дадам бувим билан жаннат боғларида юргандир... Лекин мен ҳамон ёлғизман, ҳеч қачон оилам бўлмаган, балки ҳеч қачон кўнглимга ёқадиган қиз ҳам учрамас...

Телефоним жиринглаб қолди. Иш бўйича экан. Электрон почтамга кириб, айрим вазифаларни бажаришга улгуришим мумкин экан. Ишга шўнғиб кетдим. Хаёлим шу иш билан бўлиб, ўртоғим, қайлиғи, унинг дугонаси келганини ҳам сезмай қолибман. Шунинг учун бир стол атрофида ўтиргандагина қизларга назар солишга имкон бўлди. Кўзим билан қайси қиз бўлажак келин дея, курсдошимга имлагандим, у оқ жемпердаги, кўзлари катта, нигоҳи ўткир, дадилгина қизни кўрсатди. Яхши, деб қўя қолдим.

Номзод қиз деярли гапирмасди, бир жилмаяр, бир қовоғини осиб оларди. Дуго-

наси эса, унинг ўрнига ҳам тинмай сўзларди. Мен эса тезроқ ишга боришни ўйлаб ўтирардим. Кафе деворларига осилган телевизорларда уятсиз шўх клиплар намойиш этила бошлади. Биз ноқулай аҳволга тушиб, кўзимизни телевизордан олиб қочдик. Ҳатто номзод қизнинг оқ-сарикдан келган юзи сезилар-сезилмас қизариб қўйди. Дугонасининг зиғирчаям ийманмагани унинг қорача юзидан билиниб турарди. Шунда дўстим менинг қулоғимга аста шивирлаб, қизнинг ўзига умуман ёқмаганини айтди. Унга қаери ёқмаганини аниқламоқчидай қизга тикилдим, аммо сабаби кейин қизнинг гапидан маълум бўлди.

– Сиз мактабда иккичи бўлгансиз. Ўзингизни ақлли кўрсатманг! Бу билан нимага эришмоқчисиз! Менга ёқмоқчимисиз, хомтама бўласиз!

– Нима?

– Эшитганиз?

– Ўйлаб гапирсанг-чи?

– Ёқмаса катта кўча...

Қиз чўрткесар экан. Одатда, учрашувларда бундай қизлар ўзини сиполик ниқобига ўрарди. Бу эса ғирт бетгачопар, қайсар экан. Гапираётиб охирги сўзини ютиб юборарди. Кейин, ўнғайсизликка тушганидан, юзлари қизариб кетарди. Сал ўт-

май эса яна дадиллашди. Билдимки, бу қиз биринчи марта учрашувга чиққан ва йигит зотининг ўзига шунчалик яқин келишидан ҳам ғазабланмоқда эди. У ўзининг бўйи етганини ҳалиям билиб улгурмаган қизларни эслатади. Мен беихтиёр ўзимга ёқмайдиган ишга қўл урдим. Яъни, уларнинг суҳбатига аралашдим:

– Уни хурмат қилсангиз бўларди.

– Нимага?

– Ҳар ҳолда, битта жойдансизлар?

– Нима қилай? Битта жойдан келганлар кўпчилик ўқиймиз? Нима, ҳаммаси билан апоқ-чапоқ бўлайми? Унда мени ким деб ўйлашади?

Тилимни тишладим. У кўзларимга қарамай, аниқ-тиниқ гапирарди. Кейин ўнғайсизлик туғилганидан дугонасига ҳижолат бўлиб қаради. Шундан ҳам билдимки, у дугонаси билан ҳам қалин эмас, бўлмаса, гапи учун ҳижолат чекиб, унга бундай боқмасди.

– Сиз шунақа қўполмисиз, ё ўзингизни шундай тутасизми?

– У ўзи шунақа, шартта ичидагини айтади. Бошқача бўлишни эплолмайди. – Боядан бери мендан кўзини узмай ўтирган дугонаси чаққонлик билан жавоб берди.

Бироз дадилланиб, қизга яна савол

ташлашга журъат этдим. Қулоқ-думи кесилган лайчадай шумшайиб қолган ўртоғим эса, тезроқ кетайлик деб имларди.

– Китоб ўқиб турасизларми?

– Ҳа, бу ўқийди. Кўчага ҳам чиқмай, кун бўйи кўриниш ҳам бермай, китоб ўқиган кунлари бўлади...

– Эй...бўлди қилинг, шарт эмас...– деди қиз уялиб.

– Тўғрида... китоб жиннисиз! Масалан, мен китоб ўқимайман. Ўқиб тураман. Лекин кўп эмас. Уйку босади. Ундан кўра, боғларда айланиб юргим келади. Саёхатларга чиққим, дунё кезгим келади. Кейин...

– Нега китоб ўқийсиз? – Тўсатдан берилган саволдан қайсар қиз чўчиб тушди. Дугонаси эса оғзини ёпди.

– Сиз нега менга савол беряпсиз?

Ундан бу гапни кутмагандим. Сўзларидан “дўстингизнинг учрашувга чиққан қизиман-ку”, деган маънони уққандим. У ҳатто вақтинчалик учрашув пайтида ҳам, ўзига ёқмаган йигит бўлса ҳам, унга нисбатан садоқатда, ҳурматда бўлишини англаб, титраб кетдим. Кейин бирор сўз демадим.

Қизлар “кетамиз”га тушиб қолишди. Дўстим ҳам ўз эгаси қўйган қопқонга тушиб, минг азобда қутулиб чиққан итдай мамнун ташқарига интилди.

Қизларни кузатиб, улар кетган машина орқасидан қараб турарканмиз, курсдошим дардини очиб қолди.

– Бу қизга уйланган одам ўлади. Мен ҳали яшамоқчиман. Шаҳарга келиб ўзгариб қолибди. Мен, аҳмоқ, Самарқанддан келибман-а... Онам-да, яхши қиз деб...

– У биринчи марта учрашувга чиққан, хаяжонда...

– Қўйсанг-чи, қиз бола ҳам шунақа бўладими? Дугонасини қара....шуни илинтирсам бўларкан... Ақлли, мулойим, менга ўхшаб романтикани, гулларни, боғларни яхши кўрар экан...

– Дўстим, дугонасига ўхшаган қизлар, шаҳарда миллионта... Жа бўлмаса, ҳар якшанба куни учрашувга чиқсанг кўрасан. Кўринишдан одобли, ақлли, илтифотли... Лекин бунақа қайсар қизни топиб бўпсан! Унга уйлан!

– Нима менга душманмисан?! Ўлгим келгани йўқ! Ҳеч қачон унга уйланмайман!

– Дўстим, бу қайсар қизнинг катта юраги бор! Тикилиб қарасанг-чи? Айниган, бижғиган юрак эмас... Устидан ахлатлар ташланган, туфланган, хўрланган, кейин тозаланган юрак эмас. Тиниқ ва ҳақиқий туйғулар учун гупиллаб уриб турган юрак. Агар кир бўлганида эди, уни кўрсатмай,

ширин сўзлар билан устини ёпган, безаган бўларди...

– Нималар деяпсан? Мен аҳмоқ эмасман бу ялмоғиз билан яшайдиган... Менга ширин сўзлар керак, майли, сохта бўлса ҳам...

– Эй, тушунсанг-чи, ширин сўзларию нозларининг барчасини турмуш ўртоғига асраб қўйибди. Учрашувга чиққан ҳар қандай йигитга кўнглини очаверса, меҳрини бераверса, ёлғон кулаверса, ғирт мунофиқ бўлиб қолади-ку! Эрига нима қолади унда?! Агар ҳаммага жилмаяверса, бир кун келиб чин дилдан кулолмайди одам.

– Менга табассум керак!

– Унинг кўзларини кўрдингми?

– Мушукнинг кўзи!

– Яширин бир уммон бор кўзларида!

– Эй!

– Уни муҳаббат билан тиз чўктирсанг, умрбод юзингга тик қарамайди. Қатъиятли қизлар шунақа бўлади. Меҳри тугамайди, меҳри, садоқати бутун умрингга етади. Нима қиласан сохта кулиб турган лўппи юзларни, қалбидан ахлатнинг ҳиди келади. Чунки уларнинг юракларида ўлган туйғулар бижғиб ётади.

– Мен унга барибир уйланмайман! Узр, ошна, вақтингни олдим.

– Ростдан уйланмайсанми?

– Рост! Ҳеч қачон.

– Унда... Мен уйланаман унга. Ваъда бераман сенга, ёзда шу қиз билан тўйим бўлади.

Кетаётиб ниятим рўёбга чиқишини сўраб, Худога ёлвордим. Январь қуёшининг кучсиз бўлса-да, сочаётган нурлари менинг кўз ёшларимда товланарди. Осмонга боқдим. Тиниқ! Қуёшни биринчи марта кўраётгандек тикилдим – Ёруғ! Жуда ёруғ эди бу январь қуёши! Атроф гўзал эди, ранглар бетакрор! Юрагим ҳали бирон марта униб чиқмаган туйғулардан ёрилиб кетай дерди. Она меҳри, ота қўллари, ака ва сингиллар тафти ила пайдо бўладиган ва ўсадиган муҳаббат, ишонч, умид, соғинч туйғулари қалбимда йигирма етти йиллик уйқудан сўнг ниш ура бошлаганди. Тўғри, анча кеч, лекин мен ҳозир бу туйғуларни эрта ўстириб, эрта ўлдириб қўйганлардан кўра минг чандон бахтлироқ эдим.

* * *

Шундан сўнг қайсар қиз бошимга қандай синовлар солганини тасаввур ҳам қилолмайсиз! Бир оғиз гаплашиш учун минглаб синовларни бошдан кечирганман. Матонатли, ўлимга тик боққан жангчилардек метин ирода билан юрагимда уйғонган

жажжи ниҳоллар ҳаёти, туйғулар омонлиги учун курашардим.

Ниҳоят, мен кутган баҳорнинг ширин, жўшқин кунлари келди. Гулларга кўмилган шўх шамоллар заминни титратиб, ҳаёт мўъжизасини тухфа этди. Шамол қизнинг узун сочларини учириб, кўзларини бир дам тўсиб қўйганда, унинг ҳароратли лаблари ҳимоясиз қолди. Бу олов лабларга лаб босиб, уни қаттиқ бағримга босганимда, шамоллар ҳам қаергадир ғойиб бўлди. Фақат бу олам тинчини икки юракнинг гупиллаб уриши бузиб турарди...



ОЗОДЛИК

I

- Тоға...
- Ахир, айтдим-ку, сенга!
- Тоға, илтимос!
- Эй...
- Тоға... Ёрдам беринг, тоға, болаларим ҳаққи...

Аёл ортиқ гапиролмади. Оппоқ юзларидан дона-дона ёш томчилари думалаб тушарди. Бу ёшлар кўзлариданмас, лабларидан қуюлиб келаётганидан, кафти билан оғзини ёпиб олди. Қишлоқ идорасининг пастқам деразасидан ёнғоқнинг шапалоқдай ям-яшил барглари кўриниб турар, барглар орасида эса қуёшнинг парчаланган нурлари акс этарди. Тоға асабий титрар, нукул бўйинбоғини пастга тортиб, хўрсинарди. Жиянига раҳми келар, лекин қўлидан тайинли иш келмаслигидан ўкинарди. Тоға бироз жим тургач, дадил гапирди:

– Жиян, нима бўлса бўлар, ёзамиз! Вилоятдаги энг каттага, обком секретарига...

Жиян кўз ёшларини артиб, сергакланди. Серкиприк кўзлари катта-катта очилиб, бироз олдинга чиққан ияклари титраб кетди.

– Мен ёзишни билмайман-да...

– Мактабни тугатгансан-ку, жиян... Нахотки?!

– Йўқ... Ёзишни биламан... Ариза ёзишнинг тартиб-қоидасини билмайман, демоқчийдим...

– Ўзим ўргатаман... Эрингни сен яхши биласан... Кейин... аёл кишининг ёзганларига катталар бошқача қарайди деб эшитганман. Шундай ёзилмаган қонунлар бор-да, жиян... Лекин таъсирли, ишонарли қилиб ёз... Фақат ҳар хил узунқулоқ гапларни аралаштирмай ёзишинг керак. Сенинг хатингдан кейин, айтиб бўладими, кимларгадир бало келиб, раис-паисними панжаранинг ортига тиқиб қўямасин. Ҳеч кимни айбдор, тухматчи деб ёзма... Акс ҳолда, уларнинг айбини тан олдиришингга тўғри келади. Сенга ўхшаб бировнинг хотини чирқиллаб қолмасин, жиян...

– Худо сақласин, бундай кунни душманимга ҳам раво кўрмайман, тоға. Куёвингиз қамоқдан чиқса бўлди... Кичкинам соғинганидан ичикиб қолди...

– Ана шуни ёз, тўртта болам билан азобдамиз, раҳм қилинг, эрим аслида партияни севадиган, унинг содиқ вакили де. Шундаймиди, ахир?

– Ҳа... мен тушунмайман... уйда фахрий ёрлиқлари бор...

– Хуллас, жиян, мана қоғоз, мана қалам! Ёз, ҳозир нималарга эътибор беришингни айтиб тураман, уйингга бориб ёзасан.

Жувон эскириб, сарғайиб кетган стуллардан бирига уни ғичирлатишдан кўрққандек, оҳиста ўтирди.

– Ёз, маълумоти... қачон, қаерда ўқиган... фаоллигини... хуллас, биласан-ку! Ёздингми?

Калтадан келган, қориндор тоға, оддий колхозчи жиянининг ёзганларини тушунса бўладими деб, қорнини столга тираб, бўйнини чўзиб қаради-ю, илжайиб кўйди. Минг қилса ҳам ўзининг жияни-да, хуснихати ҳам аъло экан...

– Ҳм... ундан сўнг, иш жойи, ёздингми? Кейин айби... яна, ҳа, олдин хулқини ҳам ёз.

– Айби йўқ бўлса-чи?

– Қандай гумон билан қамалганини ёзасан-да, қизиксан-ай, жиян! Кейин, болаларинг ва усиз қийналаётганинг... Нима истасанг, қалбингдагини тўкиб сол, жиян. Кесиб-қисқартириб ташлаш осон... Сенга уларнинг раҳми келиши керак. Сенга, ёш жонингга ва болаларингга раҳми келиб ёрдам берар... Бекорга умри завол бўляпти боланинг, ўткир йигит эди деб... Районга ўтди-ю... Ҳа, эсингдан чиқмасин... Бугун кечаси билан ёз... Эрта тонг отиши билан мен-

га олиб кел... Туманга ҳисобот топширгани борганимда ими-жимида почта қутисига ташлаб келаман.

– Тоға, раҳмат! Худо қўлласин!

– Опам яхшими?

– Ҳм, энамнинг олдига ҳам чиқолмаяпман, ўзи келади...

– Нимага?

– Болалар бор... Бундан кейин эримнинг йўқлиги учун уйдан чиқиш...

– Тушунарми, яхши қиласан! Ҳа, мана бунга олиб қўй, жиян... янганг боққан кўчқорни сўйгандик... Сенга илиндик.

– Йўқ... йўқ...

– Болаларингга...

– Болаларим гўштга ишқибозмас...

– Ол, дедим сенга!

– Тоға...

– Ҳаммаси яхши бўлади... Мана кўрасан, яхши бўлади...

Жувон икки килоча гўшт солинган товоқни титроқ қўллари билан олиб, яна қуйилиб келаётган кўз ёшларини артди. Аёлга гўшт жуда оғирдай туюлиб кетди. Ўраниб олган рўмоли билан юзини ёпган бўлди. Негадир, кўз ёшлари тинай демасди. Жувон чиқиб кетаётганда, тоға уни тўхтатди.

– Ҳа, жиян... Тартиб билан ёз... Маълумоти... Ишлаган жойлари... Қамоққа оли-

нишининг сабаби ўзинг билганингча, одоби, оилапарварлиги, фарзандларингнинг азобланиши... Ўйлама, жиян... Эринг чиқиб келади. Ҳа, тўхта... шўрва қилиб ичинглар, гўшт сенга ҳам қувват бўлади. Қуриб кетибсан...

– Эрим қайтса бўлди, мен ҳаммасига чидайман...

– Қайтади... жиян, қайтади...

II

“Хўжайним, Жонтемиров Эгамберди ўзимизнинг «Комсомол» қишлоқ мактабини тугатган. Олтин медаль билан. Медаль ҳозир уйимизда турибди, ишонмасангизлар олиб бориб кўрсатишим мумкин. Ўша йили мен еттинчи синфда ўқирдим. Ҳамма ўқувчилар олтин медаль олган Эгамберди акага ҳавас билан қараган, шулар қаторида мен ҳам бор эдим. Негадир, ўша пайтда, Эгамберди аканинг мендан бир синф кейин ўқийдиган синглисига ҳавасим келган. Шундай акаси борлиги учун.

Ҳамма Эгамберди акамни Тошкентга кетади, хоҳлаган ўқишига киради деб ўйларди. Лекин дадаси... (“дадаси” ўчирилиб, “Жонтемиров Эгамберди” деб ёзди) Тошкентга эмас, ўзимизнинг Қаршидаги қишлоқ хўжалиги институтининг механика факульте-

тига кирди. У бошқалардай катта шаҳарга интилса бўларди. Лекин дадаси (яна шу сўз-ни ўчириб, ўрнига эрининг исм-фамилияси ёзилган) ёлғиз онасини ташлаб кетишни истамайди. Уни ҳар қандай орзуларидан баланд тутарди. Сизга қайнонам ҳақида ҳам ёзсам. У жуда оқила аёл эди ва менга ҳатто бирор марта қаттиқ гапирмаган... У боласига фақат ва фақат меҳр, ҳалол луқма бериб катта қилган ҳақиқий пахтакор аёл эди. Медали ҳам бор, ўзлари тўрт йил бурун қазо қилгандилар, пилла маҳалида эди... Медали уйимиздаги сандиқда.

Жонтемиров Эгамберди, яъни эрим, қишлоққа олий маълумотли инженер бўлиб қайтади. Қайнонам хурсандлигидан битта катта қўй сўйган. Ўғлининг баҳоларини, қизил дипломини ҳаммага кўрсатган. У одамлар ҳалиям тирик, исбот учун сўзлашлари мумкин... Эрим мард, ҳақгўй, ақлли одам. Авваллари эримдаги ақл ҳамма институтда ўқиганларда бўлса керак деб юрардим. Лекин ундай эмас экан. Қишлоқда кўплаб институтни тугатиб ишлаётганлар у кишидек эмас. Мактабда бешинчи синфда ўқийдиган ўғлимнинг айтишича, Али муаллим исмини ҳам хато ёзармиш, бўлмаса институтни тугатган. Лекин Эгамберди акам ҳалол ўқиб маълумот олган. Унинг эришган ютуқлари

фақат ва фақат ўзининг зеҳни, меҳнати эвазига эканлигини биламан... Сиз ҳам бунга ишонишингизни ўтиниб сўрайман. Унда туғма қобилият бор. Шундай инсоннинг маълумоти сохта бўлиши мумкинми?! Уни нега ушлаб турибсизлар? Унинг дипломида ҳеч қандай қора доғ йўқ! Юрагидай тоза! Илтимос, болаларим азобда! У кишини озод этинг!..”

* * *

– Маълумотинг?

– ...

– Маълумотингни сўраяпман?

– ...

– Сенга айтяпман? Ўв, ҳўкиз!

Терговчи маҳбус қошида қаққайиб турган қоровулга ғижиниб қаради.

– Нима қилдинглар буни, ғажиб-эзиб ташладингларми? Устига сув сеп, қара, қирғоқда қолган балиқдай оғзини катта очишини...

Қоровул челақдаги сувни эриниб кўтарди-да, маҳбуснинг юзига чунонам иштиёқ билан сепди. Сепилган сув зарбидан маҳбус ағанаб кетди. Сув терговчининг юзига ҳам сачраб, оппоқ кўйлагини нам қилди. Унинг кўзидан ўт чиқиб, қоровулга бақирмоқчи бўлди-ю, индамади... Сигарет тутатди...

Маҳбус эса қалтираб, гужанак бўлиб, хўл бетонда ётарди. Қамокхона қоровули уни ўтқазиб қўйди.

– Маълумотинг? Гапир, Гапир!

– Инженер...

– Қачон тугатгансан...

– Қулоғим эшитмаяпти... финфиллаган овоздан бошқа нарса эшитмаяпти...

– Нима, мени алдамоқчимисан? Бутун СССРни алдаб келганларинг етмайдими? Пахтани талон-торож қилганларинг етмайдими? Гапир, гапир... Йўқ, бу умуман терговга ярамай қолибди-ку!

– ...

– Мастдай мудрайсан, мудрайсан... Мана, сенга, мана...

Терговчи маҳбусни уришдан бирдан тўхтаб қолди. Қўлларига ачинди. Ранги бўзарган, қуруқ суяк, бунчалар исқирт... Ахир, ҳамма маҳбусгаям ўзини шунақа койитаверса, ҳадемай, аҳволига маймунлар йиғлайди, умри эрта тугайди. Ҳали бу қўллар орқали қанақанги наҳангларни зириллатиши керак... Лекин юзи жуда қаттиқ экан. Қўллари зирқираб қолди...

III

“...Қишлоғимизда яхшигина ишлаб юрувди. Мен аниғини билмайман, нима-

дир бўлди-ю, шаҳарга ишга ўтиб кетдилар. Бир куни жуда хурсанд бўлиб келди. Район бўйича катта бўлибдилар. Қайси иш, қандай лавозим – мен буларни яхши тушунмайман. Лекин ишни оддий юмушдан бошлаганлар. Фермада техник, кейин бош техник, кейин қишлоқ бўйича бош инженер, кейин туманга катта... Уйга ортиқча битта темир олиб келганлигини билмайман. Ҳеч кимдан ҳеч қандай пора олмаганлар. Мен бунга кафилман. Умрим билан, болаларим ҳаққи қасам ичаман. Улар ҳаромдан ҳазар қилади. Бунинг сабаби ҳам бор, раҳматли қайнонамга ваъда берган экан. Қайнонам ўғлини бир кун олдига олиб: “Ҳаром еб яшама... ҳаром яшама... Бировдан ёки давлатдан сўрамай, битта мих олсанг, сендан у дунё-бу дунё рози бўлмайман”, – деган. Отаси аҳдида турадиган бир сўзли одам. Тўғри, қайсар, ўзининг гапини ўтказадиган. Лекин бу қатъиятни эркак кишига хос деб биламан. У киши бировни ноҳақ урушмасдилар. Менга танбеҳ берганида ҳам ўзим айбдор, ўзим аҳмоқлик, жаҳли чиқишига арзийдиган бефаҳмлик қилган бўлардим. Аммо айбни доим ўзимдан қидирганим учун ҳеч қачон гап қайтармаганман. Шунинг учун уйимизда доим эримнинг гапи билан суҳбатимиз тугарди. Мен бирдан кечирим сўрардим. У киши бирдан кечирар, одамгар-

чилик қиларди. Мени доим хурмат қилган. Сизга муносиб эмасман, омиман, десам мени урушарди. Ундай дема, дерди. Мен эса у кишини шу гапим билан кўп хафа қилардим. Нима қилай, ўқимаганман-да! Лекин Эгамберди акам касбига хиёнат қиладиган одам эмасди. Ишонмасангиз кўлида ишлаганлардан сўранг... Ҳаммаси уни билади... Шермат ака, Турсун ака, Болтабой бува... Фақат Ўктам мудирдан сўраманглар... Бир маҳаллар отаси унинг айбини билиб қолиб, роса савалаган экан. Шундан бери бизни кўра олмайди. Бир гап чиқариб, туҳматга қолишдан кўрқаман.

Районга катта бўлганларидан кейин уйга кеч қайтадиган бўлиб қолди. Келганда ҳам доим ҳолсиз, суви сўриб олинган узумдай бўшашиб... бирдан ухлаб қоларди. Суюқ овқатни яхши кўрардилар. Шуни бироз тотгандай бўлиб, уйкуга кетарди. У киши кўп кишиларга ёрдам берди. Қишлоқнинг оддий одамларига, бечораларга қарашди. Улар ҳозир ҳам болаларимнинг отасини дуо қилаётган бўлса керак. Бемалол сўраб-суриштиринг, улар гувоҳликка ўтишадди. Фарзандларим ҳаққи қасам ичаман, эримнинг иши тоза! Юқорининг қонунлари адолатли деб айтишади-ку! Унинг гуноҳи йўқ. Уни озод қилинг! Ўтиниб-ўтиниб сўрайман сиздан!..”

IV

– Иш жойингни расво қилдинг, пора олиб шишдинг! Қўшиб ёзишинг орқали топган пулларинг қаердан келаётганини, сен Иттифокқа қанчалик зарар келтирганингни биласанми? Сендайларни қора қурт деса ҳам бўлади, сассиқ қурт деса ҳам бўлади...

Терговчи негадир бугун ҳаддан ташқари асабий эди, устига устак маҳбуснинг мудраб ўтиргани унинг баттар ғашига тегяпти. Ўзи бу оқшом тергов қилиш нияти йўқ эди... Ҳаммасини ўша ойимча расво қилди. Бугун уни ётоғида қабул қилмади.

– Манжалақи...

Терговчи маъшуқасини эслаб сўкинди, унинг силлиқ юзлари билинар-билинемас титради. Асабига тегиб, ёнидаги давангир қоровул ҳам мудрай бошлади.

– Ҳой, – терговчи столга шарақлатиб урди. Қоровул оёғи тагида илон кўргандай, тепага отилиб сакради.

– Эшитаман, ўртоқ капитан?

– Мудрама! Етар манави ҳўкизнинг мудрагани...

Шунда маҳбус нималардир деб гапира бошлади. Капитан ҳеч нима тушунмади. Турма қоровулига қулоқ тут дегандай имлади.

– У нима деди?

– Она, дегандай бўлди, ўртоқ капитан...

– Э, онасини!..

Капитаннинг ёдига ҳам тўсатдан ўз онаси келди. Онасининг кўм-кўк кўзлари меҳрдан порлаб турарди. У, айниқса, умрининг охирларида ўғлига жуда меҳрибон бўлиб қолганди. Сергап, йиғлоқи кампирри: “Серёжа, асалли нон е, Серёжа, малинали мураббодан татиб кўр, ўзим сенинг келишингга атайлаб пиширганман”, – дея жаврагани-жавраган эди... Ўша пайтларда шуҳратдан бошқа нарсани ўйламайдиган ёш терговчи учун буларнинг бари бачканаликдай туюларди. Лекин тан олиш керакки, онасидан кейин ҳеч кимдан бундай меҳрмуҳаббат кўрмади! Хотини Галя унга меҳр бердими? Битта фарзанд туғиб берди-ю, чўчқадай семириб, дарғазаб, сергап бўлиб кетди. Бу ердан топган маъшуқаси уни бугун хонасига киритмади.

– Она, чарчаб кетдингиз, кетдик...

Маҳбус алаҳсирар хаёлида онаси билан суҳбат қуради. У теракзор ичида улоқчаларини боқиб юрган эмиш. Баҳор фасли, тупроқнинг ширин ҳиди оламини тутган, турли майсалар барқ урган... Ерда чучмома, қоқигул, отқулоқ, ялпиз... Уларнинг кўпини бола узиб еб кўради. Онаси шунда

тепадан огоҳлантиради: «Болам, ерда ўсган ҳамма ўтни еб бўлмайди...». Бола жажжи қўлларини пешонасига қўйганча, теракзор ичида онасига қарайди, шунча олисда туриб нима узиб еганини онаси қаердан билибди экан...

«Ҳаром ема»... Она узоқдан гапираётгани учун унинг овози акс-садо бериб, бутун оламга сочилмоқда эди. «Ҳаром ема! Ҳаром ема, ҳаром еган одам гадойдир... Пора олган одамнинг, кўчада қўл очиб турган тиланчидан фарқи йўқ. Икки дунёнинг куйиб кетади, полвоним...»

Бола, теракзор ичида онаси томон чопиб кетади. Боланинг орқасидан Қуёш бобо тераклардан сакраб ўтиб эргашади. Майин шабада эса, бола пешонасида зўрға жон сақлаганча, унга ширин табассум бахш этиб кетаверади.

– Она...

– Сенга онанг тарбия берганми ё пора билан одам бўласан деб катта қилганми? Эй, лўттибоз... қишлоқ техникаларини атайлаб ишдан чиқариб сотганинг эсингдан чиқмагандир? Энг катта айбинг – райкомга пора бериб, районга бош инженер, кейин обкомга пора бериб районга бош бўлиб олгансан... Санлар шунчалик ҳаромсанларки... тоза нарсанинг фарқига бормай қолгансан!

Терговчи яна уришдан тўхтаб, сигарет тутатди. Қоровул унга тамшаниб қараб турганини кўриб унга ҳам тутди. Шуни кутиб тургандай, қоровул бирдан қўл узатиб, сигаретни олди-да, лабларини олдинга чўзиб, бурқситиб чека бошлади. “Буларга текин нарса бўлса тошни ҳам ютади” деб ўйлади терговчи. Ташқарида ҳеч нима кўринмас, ҳар замон-ҳар замонда панжараларнинг шарақлаб очилган овози, ташқарида юрган нозирларнинг гўнғир-гўнғири эшитилиб қолади.

Маҳбус эса, хаёлан онаси томон чопиб борарди...

– Она...

– Болам.

Негадир ўзининг овози бўғиқ эшитилар, лекин онасининг ҳар бир сўзи жаранглаб кетиб, қулоғида бир мусиқадай, қадим соз куйларидай янграрди...

– Она, сизни кўрмаяпман...

– Мен олдингдаман...Кўзларинг қизариб, киртайиб қолибди...

– Анча кундан бери ухламаганман-да, она...

– Йиғлама, болам, ҳозир алла айтаман, ухлаб қоласан...

– Барибир ухлатишмайди... Ундан кўра сизни бир кўрай, она... Бир марта кўрай...

– Касб масъулияти деганда бирор нарса-ни тушунасанларми ўзи? Ё ҳаммаси сенларга тез ва осон бўлиши керакми? Порага пулни қаердан олдинг? Отангдан тилла қолганми? Сенда олтин нима қилсин? Ҳамма олтин бу-хороликларда-ку! Мениям, ўша ёққа жўна-тишганда ўзим билардим. Сенларда қуруғи кўп-а? Ҳа, айтишларича, районга ўтиб хулқинг бузилиб кетибди. Кўпларни сўкиб-сан, уришибсан... Нима, сенга давлатнинг иши отхонами, ит? Башарасига теп, башара-сига, ухлаб қоляпти....

V

“...Турмуш ўртоғим мард, бир сўзли, қатъиятли одам. Унинг кўча-кўйда дайдиб, ичиб юрганини ҳеч ким кўрмаган. У бирор марта ҳам менга қўл кўтармаган. Тўғриси, менинг дадам қаттиққўл. Онам дадамдан жуда кўрқади, ҳозиргача... Мен “турмуш ўртоғим жаҳлдор бўлмасин” деб ният қилардим. Худога шукур! Бирор кун бўш бўлиб қолсалар, ҳовлида ишлайдилар. Да-рахтлар тагини юмшатиб, уларни яшнатиб қўядилар... Қўшнимиз Шермат ака хотини-ни ҳайдагандан кейин бир аёлга илакишиб қолганда, Эгамберди акам унга бир гап айт-ганини беихтиёр эшитиб қолганман. Шуни сизга ёзишимдан мақсад хулқли инсон эка-

нига сизни ишонтириш! “Ака, мен сизга маслаҳат беришга ёшлик қиламан, – деганди ўшанда, – лекин эртароқ янгамни яланиб-ёлвориб бўлса ҳам олиб келинг! Умр сизга қайта берилмайди, уни ўткинчи нарсаларга алмашманг! Ундан кўра болаларингизни ўқитишни, қизларингизни чиқаришни ўйланг! Кейин кеч бўлмасин, ака! Ҳақиқий ўзбек йигити, биринчи навбатда, оилани эплаши керак, оилани... кейин бошқаси бўлади...”

Онам менга: “Эрингни ҳеч қачон бировга таққослама, қандай бўлса шундай муҳаббат қўй”, деб ўргатган. Лекин мен Эгамберди акамни ўшанда бировларга таққослаб севингим, яшнагим келиб кетган...

Отаси ҳеч қачон бировга ҳасад билан қарамаган. Ўктам мудирни Анор опани алдагани учун, Қулматни онасини йўқламагани учун, ёлғон гапиргани учун, Жумани хотинини ўласи қилиб калтаклагани учун уришган, сўккан! Улар ҳозир жабрланувчиларнинг эсидан ҳам чиқиб кетган. Айблари борлигини ўзлари ҳам тан олса керак. Болаларим ҳаққи қасам ичаман... эрим шу туфайли қамоққа тушган бўлса, кечиринглар! Тўртта ёш боланинг дирдираб турган гавдасини кўз олдингизга келтиринг! Сизнинг ҳам болаларингиз бор-ку! Ялинаман!..”

VI

– Болаларинг нечта?

Капитан маҳбуснинг саволга жавоб беришга ҳоли йўқлигини билиб турар, лекин ўзини босолмасди. Маҳбуснинг бурнидан қон оқмоқда... Соат тинмай чиқиллар, оппоқ телефон мукка тушган, жим эди. Дераза орти эса, ҳамон қоронғи... Қоровул мудраб ўтирарди. Саволи жавобсиз қолаётганидан ғазабланган капитан шу саволни қоровулига берди.

– Етгита болам бор, капитан.

– Етгита? Қандай боқасан уларни...

– Аста-секин...Ўзлари катта бўлишяпти...

Капитаннинг озгин юзи буришиб, кўзлари чақчайиб кетди.

– Шунинг учун пора оласанлар-да.

– Нима? – қўрқиб кетди қоровул...

– Сенда ҳам тушум борми?

– Йўғ-ай, капитан...

– Бунинг боласи нечта, ҳали ёш экан...

– Билмасам, капитан...

Капитаннинг эсига Москвада қолган ўғли келди. Бу йил учинчи синфга чиққандир. Француз тилида санашни ҳам ўрганиб олибди. Ҳа, хотини Галя ўта кўпол бўлса-да, бола тарбиясига жиддий қарайди. Ҳа, ўғли Коляни соғинди... Лекин, бу – иш, бу

ерга уни махсус вазифа билан жўнатишган. Мана булар эса, хотинни қучоқлаб ётишдан бошқага ярамайди...

– Мен сенга бир бемаъни савол бермоқчиман?

– Лаббай, капитан...

– Сен, хотининг билан...

Капитан аҳмоқона кулди. Саволи бачкана туюлди. Кейин бирдан маҳбусга қараб, бақира кетди.

– Эй, хотинчалиш, болаларингни туғдириб, уларга ҳаром едиришдан қўрқмайсанми? Болаларингни чирқиллатиб, қаерларгадир санғиб кетишингни, улар жинойтчининг, махлуқнинг фарзанди дея иснодга қолишини истамасанг ҳозироқ айт! Обком секретари ўша куни районга борганида сени панага олиб нима деди? У фақат сен билан холи гаплашган. Айт, у сенга нима деди? Қанча пул сўради? Шуни айт-у, уйингга жўна... Мен обком секретарини тергов қилишим керак, сендақаларни тергов қиладиганлар мингта, мен сени қамаганим учун обрў ололмайман.

Қоровул бу шовқин-суронли сўроқларга парво қилмай, хуррак ота бошлади. Капитан туюқиб кетди.

– Тур ўрнингдан... Кетишинг мумкин!

– Раҳмат, капитан, лекин...

– Бунинг шалвирашини қара. Менга зиёни тегмайди. Ҳадемай, тонг отади...

– Раҳмат, ўртоқ капитан.

– “Раҳмат, раҳмат, раҳмат” – шундан бошқа сўзни биласанми? Бунча эгилавермасаларинг!

Қоровул тиржайиб, кулганча чиқиб кетди. Капитан қоп-қоронғи деразага тикилиб, тунги рангларнинг аста-секин тарқалишини кузатди. Эсиз, бугун Вера уни қабул қилмади. Бўлмаса, унинг ҳозир олтин сочларини ҳидлаб, оппоқ елкаларидан тамшаниб, ўпиб ётарди. Наҳотки, бошқасини топган бўлса?! Ё ўша найнов, профессор эрига хиёнат қилиш жонига тегдимикан? Эри бир қари ўзбек бўлса, Верага унинг пулларидан бошқа нимаси ҳам ёқсин?! Ўзи бу ердаги ишни унинг эрини йўқ қилишдан бошлашим керак эди. Ўшанда Веранинг ўзи ҳар оқшом тўшагимда рақс тушарди...

* * *

Маҳбус хаёлан болалари билан дарё бўйида эди. Уни узоқдан онаси кузатиб турар, дарёда қуёшнинг ошлагандай келади-ган акси ўйнайди. Болалар сувда қувнашади, кулишади, бир-бирига сув сепишади. Тўнғич ўғли иккита сингисини эҳтиётлаб, қўлларидан ушлаб юрибди. Қизалоқлар

тиззаларига келиб турган дарё сувидан жунжикар, нукул “дада” дея бақиритарди.

– Дада, акамга қаранг, мени гум жойга ташлаб юбормоқчи?

– Дада, кавушим оқиб кетяпти! Дада!

– Дада, ҳов тепага борайлик...

– Дада, сувда қувлашмачоқ ўйнайлик...

– Дада, аям нега келмади?..

– Аям дарёда чўмилса, уят бўладими?

– Тепага қараб турган аёл ким, дада, аямми?

– У бувим, буви, буви, келинг, биз билан чўмилинг!!!

* * *

– Сенлар номига яшайсанлар... Манфаат учун ҳатто оилангдан ҳам кечишга тайёрсан. Веранинг эри... Саккизта боласини тирик етим қилиб, ўн саккиз ёшли ўрис қизга уйлланган... Қизнинг айтишича, профессорнинг болалари қишлоқда оддий уйда туришар экан, Вера эса шаҳарда, қасрдай уйда яшайди. Бир ҳафтада бир марта қари эрига «ем» ташлаб қўйса бўлди, қолган пайт билганини қилади. Профессор эшакдай шунинг хизматини қилади. Ким билади Вера Ленинградда қандай томошалар кўрсатиб, бу ерларга келиб қолган. Профессор ўрисга уйланиб, ўзини замонавий кўрсатмоқчи бўлгандир. Ўзбек тилини қўйиб, рус тилида гаплашгани-

га ўлайми?! Чала-чулпа бўлмай ўл! Сен ҳам гапир, обком секретари нима деди?.. Болаларингнинг ҳаммасини қамайман, ҳаммасини!.. Уларнинг бари ҳаромдан бўлган! Ҳозир хотининг кимнинг елкасини уқалаётган экан... Менга қара, менга, сенинг оиланг, оиланг...

VII

“...Илтимос, илтимос, илтимос! Хўжайиним кетгандан бери қандай яшаётганимизни тасаввур қилолмайсиз. Болаларим кун ботгандан эрта тонггача йиғлаб чиқади. Отаси уларга жуда меҳрибон эди, жонидан ортиқ кўрарди. Абдушукур болам ичикиб, касал бўлиб қолди. Сира ўзига келай демайди. Онам сут ташийди. Дўхтирга обордик. Касалини аниқлашолмади. Нукул “дадам” дейди. Кимдир унга даданг ўлган, онанг сенга буни айтмаяпти, депти. Илтимос, болам ўлиб қолади. Ёш гўдакни асраб қололмасанглар, нима қилиб ўтирибсизлар... Қутқаринг, у – олим одам... у – топилмас одам... Партиями, бошқасими, уларга ҳеч ёмон сўз айтмаган. У фақат шу кашфиётни деб курашди. Пахта терадиган бир трактор кашф қилиш ниятида эди. Наҳотки, бу катта жиноят бўлса?

Мен деярли уйдан чиқмайман. Қўшнилари чиқишади, ота-онам ёрдам беради, ўзим

тикувчилик қилиб, бир амаллаб турибмиз. Болаларим учун эримни афв этинг!

У киши нима қилган бўлса, одамлар учун қилди. Одамларнинг кун бўйи пахта териб юришини кўриб, уларнинг машаққатини бироз енгиллатадиган бир трактор ишлаб чиқмасам бўлмайди деб тиришарди. Тунлари билан шуни ўйлаб чиқарди, эрталабгача бир нималарни чизиб чиқарди. Москвага ҳам бир ой бориб, иш ўрганиб келди. У ердан кўп мақтов ёрлиқлари олибди. Нима, балки бу янги қилаётган техникаси қонунга тўғри келмадими? Балки одамлар пахта термаса нима қилади, деб уни шунга қамаб қўйдингларми? Бизда шундоқ ҳам пахта кўп, иш машинага ҳам, одамга ҳам етади.

Ҳамма «пахта иши», «ўзбек иши» деяпти, булар унинг айби эмас. Лекин мен ўзим беш ёшимдан пахта тераман. Меҳнати оғир, осонмас... Пахта маҳал қишлоғимиздан битта қиз ўзини осиб қўйди, қўшни қишлоқдаги аммамнинг қўшниси эди, катта-матта аёл ўзини ёқиб юборди. Пахта осонмас, пахта жуда ҳам оғир иш...

Хўжайиним шу воқеаларни кўриб, қандай жим ўтирсин... Ёмон нияти бўлмаган! Озод қилсанглар, энди кашфиёт қилмайди. Мен сизга ваъда бераман, тунлари ухламай бўлса ҳам, туну кун пахта териб, сизга хиз-

мат қиламан. Фақат, у кишини кечиринглар!
Илтимос! Илтимос!! Илтимос!!!”

VIII

Маҳбуснинг боши зиркираб, хотираси оғирлашиб қолганди. У алланималарни айтиб, бетиним алаҳсирарди:

– Шуларнинг ҳаммасини ўзингиз тайёрладингизми, гоё ажойиб, ахир бу оламшумул кашфиёт-ку! Москвадаги ўртоғим Қамашада шундай олим бор деб айтганида ишонмагандим....

– Раҳмат, фақат менга зарурий техникалар керак, Германияда ишлаб чиқарилган бир-иккита қурилмаларни қўлаб кўришим керак, агар уни амалиётга жорий эта олсак, халқимиз пахта азобидан қутулган бўларди. Бир чигит қилиб, пахта пояларини пайҳон қиладиган техникалардан чарчадик.

– Ўйлаб гапиринг, Эгамберди, пахта, янада байрам, тантана бўларди десангиз, яхши бўларди. Мен сизни яқинда муҳим лавозимга тайинлайман.

– Сиздан илтимос... Менга вақт керак... Ҳеч қандай лавозим керак эмас... Мен шу тракторни ишлаб чиқишим керак...

– Мен сизга ҳар қандай ёрдам беришга тайёрман. Москвада сиз ҳақингизда мақола чиқди. Агар ишни тез олиб борсангиз... Сиз-

ни Тошкентга олиб кетишлари ҳам мумкин... Тошкентга сиздай одам керак... Фақат тилингиз чатоқ... Ўйлаб гапиринг... Менга устингиздан бир-иккита имзосиз хатлар келган...

– Менинг дардим битта – пахтани мукамал терадиган машиналар ишлаб чиқиш... Менга ҳозир вақт керак, мен юзлаб тажрибаларни, минглаб тракторларнинг яратилиш тарихини ўрганмоқчиман. Нега шунча пахта терувчи тракторлар одамлардай тоза теролмаяпти, уларда нима камчиликлар бор? Наҳотки, биз орзу қилгандай пахта машиналарини ишлаб чиқиш шунчалик қийин бўлса?! Мен бу саволларга ҳам жавоб топганимча йўқ.

– Мен сизга омад тилайман...

– Мен сенга лаънат тилайман... Сенга, сендақаларга...

Терговчи баттар қизишди. У ҳамон аламдан титрар, тезроқ тонг отса, бу ерни тарк этиб, яна Верониканикига борса, балки бугун-эрта тонгда уни хушнуд қилар..

– Ҳали қизиқ бир нарсани аниқладим. Сенинг ишингда ҳамманинг айби бор... Тепаларингда обком турибди. У сени қутқармоқчи ҳам бўлди. У ҳатто мени уйига ҳам чақирди. Аммо хотиннинг зўрини олган экан. Кўзим билан сеҳрламоқчийдим,

пашша учганчалик таъсир қилмади. Ердан кўзини олмади. Эри ўлса, кейин кўрамиз уни... Хуллас, обком секретари менга сени “машхур кашфиётчи”, “иттифоқнинг фахри бўлиши мумкин”, деди... Сен пахта терадиган замонавий тракторлар ишлаб чиқмоқчи эмишсан. Шуни билки, буни ҳеч қачон эпллолмайсан. Сен қаерда-ю, бизнинг ихтирочи-инженерлар қаерда?! Улар неча йиллардан бери қилолмаган ишларни сен – қандайдир оми, чаласавод эплайдими? Шу чириган районингдан чиқиб-а! Сен ундан кўра кўп бола туғдир... Пахта ўз-ўзидан терилади...

* * *

Маҳбуснинг хаёлига яна болалари келди... Сочларини ўриб, ховлидаги райҳону атиргулларга сув қуйишаётгани, хотинининг манти учун хамир муштлаётгани кўз олди-дан ўтди... Шермамат бедазордан исмалоқ тергани-терган... Ўғлига исмалоқли манти жуда ёқади.

– Болаларим....

– Болаларинг яхши пахтакор бўлади. Кашфиётингни хотинлар устида қил. Шунда сен – қаҳрамон ота, хотининг ўнта тукқан қаҳрамон она, болаларинг эса илғор теримчи бўлишади...

– Ўчир овозингни!

Капитан унинг алаҳсирашига эътибор бермай, деразага тикилиб турарди...

– Хотинингни эртага чақиртирамиз! Қип-яланғоч қилиб, қоп-қора баданига қараб, уни суд қиламан! Ёқса балки... – капитан аҳмоқона кулди.

– У покиза аёл!

– Ҳар қандай покизани эзгилаб эркалайман... Фақат кўнглим тортса, жирканмасам! Ўзи ҳам кўпдан бери сени кўрмаган, эркак нафасини туйиши билан ақлини йўқотса керак.

– У покиза аёл...

– Кейин болаларинг етим бўлади... Сенинг раисинг, агрономинг, ҳамма қариндошинг касрингга қолади... Кашфиётчи эмиш... Улар тушуниб етишсин... Қара, ҳадемай тонг отади, тонгни мен, биз, фақат биз кўришимиз керак. Сенлар эса, пахта-ни билсаларинг бўлди. Сен орқали энди мен вилоятдаги ҳамма каттанинг ёстиғини қуритаман. Чунки сенлар порахўр, қўшиб ёзувчисанлар....

– Сен итсан!

– Нима? Тилинг чиқиб қолдими?

Капитан орқасига бемалол қаради-ю, даҳшатдан қотиб қолди: қаршисида бир баҳайбат нусха, соч-соқоли ўсиб кетган, кўз-

лари қип-қизил қонга тўлганидан қорачиғи ҳам кўринмай қолган одам унга еб қўйгудай бўлиб қараб турарди. Капитан бақиришга ям улгурмади. Маҳбус хаш-паш дегунча кишанланган қўлларининг орасига унинг бошини киргизиб, бор кучи билан бўйнини қаттиқ қисди, кейин уни тиззаси билан тешиб йиқитди. Тирсағи билан бўйнини босиб, жонҳолатда хириллаб типирчилаётган терговчининг оғзидан кўпик чиқиб, кўм-кўк кўзларида ёш қотиб қолгунича тутиб турди. Терговчининг кўзлари катта очилганча, тинчиб қолди...

IX

“Тонг отяпти... Ҳозир болаларим туриб, мени яна ёлғончига чиқаради. “Эртага отангиз келади” деб уларни овутгандим. Энди уларни нима деб овутай? Қачон келади деб айтай? Қачон?”

Сиздан умид қилиб, сизни дуо қилиб, сизга ишониб кутувчи инженер Жонтемиров Эгамбердининг аёли ва болалари...”

X

Қатор панжаралар билан тўсилган дераза ортида қоронғилик чекиниб, қуёш бош кўтариб келарди. Тонг отмоқда...

Қуёшнинг илк нурлари маҳбуснинг қора тер ботган юзларига тушгунча, ташқарига тикилиб турди. Нималарнидир узоқ пичирлади. Кейин чаққон ҳаракат билан терговчилар дам олиши учун қўйилган каравотнинг кўрпа астарини олиб ташлади. Темир каравотнинг яланғоч қиррали томонига белини тўғрилаб, унинг устига чиқди ва аламли бақирганча, ўзини темир устунга ташлади. Қарсиллаб кетган каравотнинг овози, маҳбуснинг охирги марта азобдан инграши ташқарида хуриллаб ухлаб ётган қоровулни уйғотиб юборди. Жонҳолатда ўзини ичкарига урган қоровул даҳшатли манзарадан қотиб қолди. Терговчининг жасади алақачон совиб бўлган, фақат кўзлари ҳамон ўқрайиб боқарди. Маҳбус эса (саккиз ойлик азоблардан сўнг), онасининг оёғига бошини қўйганча мириқиб ухлаётган болани эслатарди. Энди бу болани ҳеч ким, ҳеч қачон уйғотолмайди...

XI

– Тоға, саҳарлаб келганим учун узр! Кеч қолишдан кўрқдим!

– Ёзиб бўлдингми?

– Мана...

– Ўўҳ-хў, роман ёзиб ташлабсан-ку!

– Тоға, куёвингиз чиқармикан?

– Яхши ният қил, чиқади... Хатнинг турли хилидан ёзаверамиз... Бирини бўлмаса, бирини ўқиб қолар...

– Тоға, сизга катта раҳмат... Куёвингиз чиқади-а?

– Ҳа, дедим-ку! Қара, жиян, тонг отяпти, куёш чиқяпти... Лекин осмонда булутлар ҳам бор... Қалинроқ кийинишим керакка ўхшайди... Майли, мен энди эртароқ отланай...

– Сиз берган гўшздан қайнатма шўрва қилгандим. Болам анча жонланиб қолди. Лекин, тоға, куйиб кетяпмиз-да! Куёвингиз озод бўлармикан?! Озодман деб келармикан!?

– Мен шошилишим керак, қара, тонг отяпти, куёш чиқяпти...Бизга аталган кун ҳам бордир ахир...

– Ўша кун қачон келади, тоға?!

– Келади, албатта, келади...





ИККИ ҚАЛБ УЧРАШУВИ

Қизга “Лайло” деб номланган кафе хашамдор, лекин файзсиз кўринди. Ёниб турган турли чироқлар, кираверишга осилган гумбазсимон қандилу деворга ёпиштирилган гулқоғозлар, турфа картиналар ҳам қизни ғашлантирар, бўғарди. Бунинг устига, кафе ичкараси ҳам кўчадан фарқ қилмас даражада совуқ. Қизғиш рангдаги мебелда мудраб ўтирган соқолли бир кишини айтмаганда, кафеда бошқа хўранда ҳам йўқ. Иситгичлар ишламаётганлиги учун бўлса керак деб ўйлади қиз. У боятдан бери совқотар, бунинг устига туфлиси бирдан торайиб қолгандай, оёғини қисарди. Йигит эса тўлқинланиб гапирар, афтидан сабрли тингловчи топилганидан хурсанд эди. Қиз жунжикканча, тишларини бир-бирига урар, серкиприк қора кўзлари ёшланарди. Йигит бўлажак аёлининг сифатлари ҳақида зерикарли маъруза ўқир, минбарда кўпчиликка сўзлаётгандай, боши билан ўз гапини тасдиқлаб ҳам кўярди. Йигит, туғилажак фарзандлари ҳақида жаврашга ўтган ҳам эди, қизнинг тоқати тоқ бўлди.

– Гапингиз тугадими?

Тўсатдан тингловчидан бундай гапни

эшитган ҳар қандай нотик ҳам бир дам каловланиб қолиши аниқ. Бунинг устига, қиз кўзларини лўқ қилиб, «бўлди қил» маъносида киприк қоқмай қараб турар, дастурхон четини йиртиб юборадиган даражада ғижимларди. Йигит эса, бепарво яна сўзлашда давом этди. Худди қизиган эски машинадек ўчиши ҳам мураккаб...

– Тугатарсиз? Мен кеч қолсам, институт ҳовлисига киритишмайди.

– Нима, ётоқхонада турасизми?

– Ҳа!

– Ростданми?

– Сиз нима деб ўйловдингиз?

Қиз бу саволни бериб, шеригининг ёш болаларниқига ўхшаш силлиқ, тиниқ юзига, лекин ҳар томонга ўйнаётган қўй кўзларига қараб турди, аммо ҳеч нимани англолмади. Йигит ҳам каловланар, тўй ошига тўймай қолган меҳмондек, атрофга олазарак боқиб, яна гапиргиси келарди.

– Мен сизга ҳали кўп гапларни айтишга улгурмадим...

– Шундоқ ҳам кўп гапирдингиз. Бир маърузада ҳам бунчалик....

Қиз «бунчалик қийналмасдим», демоқчи бўлди-ю, индамади.

– Сизнинг гапингиз йўқми?

– Бор... Эй, йўқ-йўқ!

Қизнинг оёқлари музлар, қора кўйлагининг учини тортиб уни пастроққа чўзмоқчи бўларди. Қани бир жун рўмол бўлса-ю, оёқларини ўраб олса!

– Гапиринг, мен эшитишга тайёрман, – деди йигит.

– Лекин мен совқотяпман. Қанақа йигитсиз ўзи? Шунақа ҳам музхона бўладими?! Бу ердаги шунча чироқлар ёниб турса-ю, ҳеч ким бўлмаса, иситтичлар ишламаса?!

– Мен ўзимни бой кўрсатмоқчимасман... Қиммат кафелар, гуллар ва шарлар совға қилиб, кўнглингизни олиш ниятим йўқ!

– Нима..? Мен бойликка учиб, эрга тегадиган қизлардан эмасман! Хўп, шу ниятиз бор экан, кўчада гаплашсак ҳам бўларди. Балки автобусда... Бу ердан кўра анча иссиқ эди...

– Мен сизни кучли қиз деб ўйлабман.

– Нима?

– Қийинчиликлардан кўрқасизми?

– Мен Антарктидада яшамоқчимасман!

– Масалан, чет элга чиқсангиз нима қиласиз? Мен сафарларни яхши кўраман.

– Бемалол... Менга Тошкент ҳам бўлади.

– Бунча тор ўйлайсиз?!

– Ҳа, мен шунақаман.

Йигитнинг қизга раҳми келди, шекилли, хизматчи қизни чақирди. Официант ми-

жозлар йўқлигидан пана жойда мудраётгани учунми, келмади. Йигит яна ночор қизга қаради ва деди:

– Қаерга ғойиб бўлди, булар... Қойиллатиб хизмат қилишни ҳам билишмайди... Европада умуман бошқача...

– Илтимос, чет элда ўтирибман деган хаёлни ўзингиздан қувиб юборинг!

– Ростдан, мен чет эликлар билан кўп ҳамсуҳбат бўлган...

– Кўриниб турибди.

– Кулманг!

– Кулиб ўлибманми?

Шунда официант кўриниш берди.

– Ҳой, қиз, бизга иссиқ лимон чой беринг!

Официант қиз хўп деганча, овқат улашадиган дарчага қаради. Дарчадан ҳеч ким кўринмади, шекилли, ўзи айланиб ўтиб, ичкарига кириб кетди.

– Мен шунақа замонавий боламан. Сизнинг ҳам бугунги кунга мос бўлишингизни истайман. Бу кийимларингиз нима? Қиз бола дегани, европача кийинишни ҳам билиши керак-да. Масалан, ҳеч сочингизни сариққа бўяганмисиз? Менимча, сизга ярашади. Қошингизни ҳам теринг! Жинси шим кийсангиз-чи? Сиз, умуман...

Қиз олдига тушиб турган бир тутам со-

чини йигитдан қизғангандай, қулоқлари ортига ўтказиб қўйди. Унинг зулмат рангидаги кўзлари қисилар, қандил чироқлари кўзига минг бўлакка бўлиниб кўринар, лаблари совуқдан титрарди. Соқолли кишининг сабри тугади, шекилли, қалтираганча ҳисобкитоб қилиб, чиқиб кетди. Кафеда улар ёлғиз мижозга айланишди. Қиз йигитнинг гапларини ўзига нисбатан ҳақорат деб билса-да, истиҳола қилиб, унга қаттиқ гапирмасликка, тезроқ кетишга уринарди.

– Сизни тушунаман. Шу ердан ташқарига чиқмагансиз. Қишлоқдан келгансиз, лекин сиз замонавий бўлиб юришингиз керак.

Қиз йигитнинг бу гапидан ўзининг дидсиз эканлигини англаб олди. Тилини қаттиқроқ тишлади. Елкалари совуқдан тошдек қотса-да, пальтосини кийиб олишни ноқулай деб биларди. Ҳар ҳолда, бу ерга умид билан келганди. Холаси топган, мақтаган йигитини ёмон бўлмаса керак деб. Баҳслашиб нима фойда, тезроқ ҳаммаси тугаса, кетса бўлди. Нима деса, дер!

– Мен Амстердамда бўлганимда, қизларнинг кийинишига қойил қолганман... Воҳ, воҳ... Мен у ерда нима кўрганман, айтайми? Шунақа ресторанларни, Ван Гог музейини... (аслида, у музейнинг кўчасидан ўтганди, холос) овқатларини едим, кўчаларида сайр

қилдим... Кино, театр... йўқ, театрга тушмадим... Домлам билан илмий семинарга бориб, маза қилиб саёҳат қилиб қайтдик.

– Нима ҳақида эди?

Йигит шунақа ҳам бемаъни савол бўладими, дея озгин юзларини бармоқ билан босилган пуфакчадай буриштирди. Қиз саволини яна такрорлади.

– Илмий семинар нима ҳақида эди?

– Маҳаллий шароитда электр манбаларини олишнинг нанотехнологиялари ҳақида.

Қиз бирдан жонланиб кетди.

– Қандай ўтди?

– Очиғи, семинардан олдин туни билан кўчаларни кезганим учун ухлаб қолибман. (Аслида, ишратхонада эди.) Эрталаб турганимда соат ўн. Бориш ёқмади. Домламнинг ўзи кетиб қолибди.

– Биронта янгилик, натижа бўлдими?

– Расмларга тушганман!

– Электр энергияси бўйича бирон-бир янги технология олиб келмадингизми?

– Келиб ўн варақли ҳисобот, слайдшоу қилганмиз! Домлам советнинг одами. Инглиз тилини билмайди, олмон тилини ҳам... Шунинг учун семинарда ҳам, ярмаркада ҳам ҳеч нимани тушунмаган, битта ҳам шартнома тузолмаган. Ёдида қандайдир те-

кин шарбат ичгани-ю, бир қозоқ технологи билан танишгани қолган, холос. Кейин...сал ошиб кетиб, меҳмонхонага зўрға келган...

Қиз қалтирамас, жим турарди. Кейин совуқ ҳам эсидан чиқиб, оёғи қизиди.

– Сиз Қашқадарёнинг қаеридансиз? – деди қиз йигитдан кўзларини узмай.

– Қаршидан.

– Мен Қамашиданман...

– “Тандир гўшт” ни зўр пиширадилар-а, сизларда?

– Ҳа, бизда тандирда гўштни зўр тоблайдилар. Чунки бошқа овқатга электр токи керак.

– Нима?

Қизнинг кўзлари бошқача тус олган, унга қараб турган йигитнинг силлиқ, оппоқ юзлари эса, билинар-билинемас титрарди.

– Сиз Энергетика вазирлигида ишлайсиз-а!

– Шундай деса ҳам бўлади, холангиз мени кўп мақтаганми дейман. – Йигит яна мақтаниш учун имкон топилганидан юзига қон югурди. Энди гапирмоқчи бўлиб турганида, қиз унинг гапини бўлиб юборди.

– Отам ўтган йили қазо қилди. Нимадан деб ўйларсиз? Кўричақдан...

– Йўғ-ай!

– Операция вақтида туман тиббиёт мар-

казидаги чироқ ўчиб қолган... Мендан тўрт ёш катта акам, у ҳозир Наманганда, қамокда. Ўша куни электр станциянинг навбатчисини кўтариб, юқори кучланишли симларга отиб юборган. Аслида, навбатчида нима айб? У ҳар кунги одатини такрорлаган, буйруқни бажарган, холос.

– Эси жойидами?!

Йигит кўрқиб кетганини яшириш учун яна хизматчи қизни қидирди. Бахтга қарши ҳеч ким йўқ эди. Қандил ва кафедаги кичкина, юздан ортиқ чироқлар ой ва юлдузларни эслатиб, нур таратиб турар, худди очик тун бағрида кўкдан порлаб турган ой ва юлдузларни эслатарди.

– Қаерда қолишди, булар-а!

– Акамнинг иккита боласи, хотини бор. Янгам Россияда, кечаси ошхонада коса-товоқ ювиб, кундузлари кўча супуриб, бирон нарса топса, лўлилардай жанжал қилиб, талашиб, бизга жўнатади. Мени институтда ўқишим учун шартнома пулини ҳам янгам тўлайди.

Қизнинг кўзлари қизариб, қорачиғи денгиз тўфонига учраган кема янглиғ тўлғанди, юзлари намланди.

Йигитнинг кўзлари эса, саҳронинг ўғри шамолларига учраган янтоқ каби у ёқдан-бу ёққа маъносиз судралиб юрар, афтидан, нигоҳини қай нуқтага тикишни ҳам билмас-

ди. Қизни унга бошқача таърифлашганди: оғир-босиқ, ақлли, таги-зоти тоза, ювош, меҳрибон, ишчан, бунинг устига, институтни тугатяпти, «тайёр ош»... Бу ўйлардан сўнг, йигит ҳам совқота бошлади.

– Кафе совуқроққа ўхшайди, ростдан... Нима дейсиз, балки, ҳозир...

– Ҳозир онам қишлоқда, ёлғиз. Бирдан қариб қолдилар. Кечалари телевизор кўрай деса ток йўқ. Янгам болаларига компьютер бериб юборган. Унинг чанг босган экранида эса, фақат ўзларини томоша қилишарди.

– Кечирасиз, лекин менга сиз ҳақиқда бошқача...

– Холамми? У Тошкентда яшайди, бой. Сиз у билан танишсиз... Бунча дим бу ер-а! Исиб кетяпман...

– Холангиз менга...

– Холам менга ҳам сизни кўп тилларни биладиган, ақлли йигит деганди. Ҳа, сиз, кўп тилни билишингиз мумкин, лекин халқ нима деб сўзлаётганини тушунмас экансиз?! Тўғриси, сиз қатнашган ўша илмий семинардан бутунлай электр муаммоси ҳал бўлмас, аммо ўрнингизга биронта юртпарвар инсон ўша анжуманда иштирок этганида кичкина техника, янги кашфиёт намуналаридан олиб келармиди?! Борган сари янгиликлар кўпайиб-кўпайиб, электр муаммоси

ҳал бўлармиди?! Эҳ, сизларга шунча пул, шунча эътибор ҳайф...

Қиз қизиб кетганидан шарфини бўйнидан юлқиб, стол устига қўйди. Йигит эса титраб турар, кўзини нозик қўлларда ғижимланаётган оппоқ шарфдан узмасди. Бироз ўтиб, йигит бўғиқ овозда деди:

– Кечирасиз, сиз мавзудан чиқманг. Иккаламиз учрашувдамиз... Қаердаги гапларни айтяпсиз? Ундан кўра, менга айтинг-чи, кимнидир севганмисиз?

– Бу қаердаги гаплар эмас! Сиз яшаётган шаҳардан бор-йўғи икки километр нарига чиқсангиз, ҳар уйда осилиб турган, лекин ёнмайдиган чироқлар ҳақида гапиряпман! Аслида, сиз қаердаги гапларни гапирдингиз! Менга замонавий кийимларни илдирмоқчи, қошимни тердиришни, шляпаларда юришимни айтдингиз. Йўқ... Мен ўзбек қизиман. Мен замонавий қизман, лекин уятсиз эмасман.

– Мен унақа маънода гапирмадим. Замонавий бўлинг, дедим, холос! Шаҳарда яшаймиз, ахир!

– Мен сиздай одамлар билан шаҳарда яшашдан, дунё бўйлаб саёҳат қилишдан кўра, қишлоқнинг оддий мактабларида совқотиб бўлса-да, ҳайрат-ла устозига термилиб турган беғубор, покиза болакайлар-

га билим беришни афзал кўраман. Шунга ўзимни керакли ҳис қиламан, шунда олаётган нафасимга ачинмайман. Кимни севадиз, дейсизми? Мен умидларимни, орзуларимни, касбимни, ўша билимга чанқоқ болакайларни, онамни, акамни, янгамни, жиянларимни, чуқур бўлмаса-да, тинмай оқаётган Қашқадарёни севаман. На ўзини, на ўз касбини, на халқини, на унинг дардини биладиган сиздай бўлажак «олим»лар эса, бундай севгини икки дунёда ҳам тушунмайди. Ҳеч қачон тушунмайди. Энди, марҳамат қилиб, мени кузатиб кўйинг. Ресторандан бир ўзим чиқиб кетишни истамайман! Бу, ҳар ҳолда, одатимизга тўғри келмайди, йигит!!!

МУҲДАРИЖА

Бухоро, Бухоро, Бухоро	97
Аёл	121
Қизлар билан учрашув	129
Озодлик	151
Икки қалб учрашуви	180

Adabiy-badiiy nashr

Javlon JOVLIYEV

IKKI QALB UCHRASHUVI

Hikoyalar

<i>Musahhiha</i>	La'lixon Egamova
<i>Musavvir</i>	Uyg'un Solihov
<i>Sahifalovchi</i>	Inoyat Zohidova

Nashriyot litsenziyasi AI № 170 23.12.2009.

Bosishga ruxsat etildi 15.05.2019. Bichimi 70x90 ¹/₃₂
Ofset bosma. «Palatino Linotype» garniturasi. 12.0 nashr t.
12.5 bosma t. Adadi 10 000 nusxa. Buyurtma № 290.

«Navro'z» nashriyoti, Toshkent shahar,
Amir Temur ko'chasi, 19-uy.

«Saydana-Print» MChJ bosmahonasida chop etildi.
Toshkent sh. Qamarniso, 3. Tel.: +99891 162-08-43.
E-mail: Saydana-print@mail.ru



JAVLON JOVLIYEV

1991 yili Qashqadaryo viloyati Qamashi tumanida tug'ilgan. O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutida tahsil olgan. Hozirda "Kino san'ati" jurnali bo'lim muharriri. Respublika yosh ijodkorlarining Zomin seminari ishtirokchisi (2017).

ISBN 978-9943-563-04-9



9 789943 563049